

ШАРҚ МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

МАХШУМҚУЛИ

ДУНЁ ҲАМДА БОРАДИР

Шеърлар

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2007

Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи:

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Масъул муҳаррир:

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди

Махтумқули барча туркий халқлар қатори, ўзбек халқининг ҳам ўз шоирига айланиб кетган. Шоир шеърлари қўлёзмалари асрлар давомида халқимиз орасида кенг тарқалган. Юртимизда Махтумқули номини билмайдиган ўзбек, унинг ҳассос шеър ва қўшиқлари кириб бормаган ўзбек хонадони йўқ десак, муболаға қилмаган бўламиз. Ушбу тўплам машҳур туркман шоири ва мутафаккирининг ўзбек тилига таржима қилинган энг сара шеърлари асосида тузилди.

ISBN 978-9943-00-044-5

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2007.

ТУРКМАН БУЛБУЛИ

Улуф туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули 1733 йили Атрек дарёси бўйидаги Ҳожиговшан овулида туғилган. Унинг илк устози Озодий тахаллуси билан шеърлар ёзган отаси Давлатмамад эди. Оилада хат-саводини чиқарган бўлажак шоир тахминан олти ёшидан овул мактабида — Ниёзсолиҳ мулла қўлида ўқий бошлайди. Ўткир зеҳни ва тиришқоқлиги билан ўқувчилар орасида алоҳида ажралиб турган Махтумқули кейин Қизилоёқ (ҳозирги Чоржўй вилояти, Халач тумани) даги Идрис бобо мадрасасида таҳсилни давом эттиради. Сўнг Хиванинг Шерғоziхон мадрасасида илмини камолга етказди. Шунингдек, бир муддат Бухородаги Кўкалдош мадрасасида ҳам ўқигани ҳақида ривоятлар мавжуд.

Махтумқули бадий сўзни юксак қадрлаган ва ижодий қобилиятга эга маърифатли оилага мансуб. Атрек жанубидаги вилоятда туғилган бобоси (воқеан, унинг исми ҳам Махтумқули бўлган — шоирга бобосининг отини беришган) тирикчилик важдан туркманларнинг гўркўз қабиласига иш излаб келади ва уруф бошлиқларидан бирининг қўлида ёлланиб ишлайди. Маъ-

лум муддат ўтиб, хўжайин уни ўз жиянига уйлантириб қўяди ва у алоҳида хўжаликнинг бошлиғига айланади. Деҳқончилик қилиш билан бирга, отга тўқим тикиш, қамчи тўқиш, юган ва айил ясаш орқали даромадини муттасил ошира бориб, Махтумқули Ёначи (тўқимдўз) номи билан доврўқ таратади. Бўш қолган вақтларида у қўшиқлар тўқиган ва улардан бири бизгача етиб келган¹.

Отаси Давлатмамад ҳам алоҳида қобилияти билан ажралиб турар эди. У бошланғич маълумотни овулда олиб, сўнг Хива мадрасаларида ўқишини давом эттиради. Овулга қайтгач, болаларни ўқитиш билан бирга, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Агар бобоси учун шеър тўқиш шунчаки ҳавас бўлган бўлса, отаси ҳақиқий шоир бўлиб етишади. У Озодий тахаллуси билан кўплаб қўшиқ ва ғазаллар яратади. Унинг қарийб 6 минг мисрадан иборат панднасихат мазмунидаги «Вазъи Озод» («Озод вазъи») номли достони сақланиб қолган. Бу асарлар Озодийнинг форсий (воқеан, у яхшигина шоҳномахон бўлган) ва туркий адабиётдан, хусусан, Алишер Навоий ижодидан етарли даражада хабардорлигини кўрсатади.

Давлатмамаднинг оиласи катта бўлиб, Махтумқули унинг учинчи ўғли ҳисобланади. Бўш вақт-

¹ Бу ҳақда қаранг: Б е р т е л ь с Е. Махтумқули// Махтумқули (Сборник статей о жизни и творчестве поэта). — Ашхабад, 1960. С. 121.

ларида пода боқиб, отасига кўмаклашган Махтумқули 9 ёшидан шеър машқ қила бошлайди¹.

Туркман халқи тарихининг энг нотинч ва оғир даврида яшаб ўтган Махтумқули оилавий ҳаётда ҳам ҳаловат топмади. Човдурхон бошчилигида Афғонистонга вакил қилиб жўнатилган акалари Абдулла ва Муҳаммадсафо душманлар томонидан шафқатсиз ўлдирилади. Катта хонадоннинг бутун овирлиги Махтумқули елкасига тушади. У мударрислик қилиш, ота-бобосидан мерос ёначилик касбини давом эттириш билан бирга, темирчилик ва заргарлик ҳунарларини ҳам эгаллайди².

«Гўзал Шерғози» шеърдан маълум бўлишича, у Хивада таҳсил олаётган даврида бирин-кетин отаси ва онасидан жудо бўлган:

*Комил бўлиб, саранжомлиқ қилибман,
Машаққат-ла ул падардан қолибман,
Каъбамдан айрилиб, жудо бўлибман,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғози!*³

Махтумқули холасининг қизи Менгли билан болаликдан бирга ўйнаб ўсган, икки ёш бир-бирига кўнгил қўйган эди. Лекин отаси ва икки

¹ Бу ҳақда қаранг: Б е р т е л ь с Е. Махтумқули. С. 121—122.

² Бу ҳақда қаранг: К о с а е в М. Махтумқули Фраги// Махтумқули (Сборник статей). С. 237—238.

³ М а г т ы м г у л ы. Сайланан шығырлар. — Ашгабат — Баку, 1960. 207-бет.

акасининг бевақт ўлими оилани моддий жиҳатдан офир аҳволга солиб қўйган. Махтумқулининг қалин пулини тўлашга қурби етмаслигини билган Менглининг акалари сингилларининг розилигини ҳам сўрамай, уни бировга узатиб юбордилар. Қиз бечора қон йиғлаб, бошқа оилага келин бўлиб тушади. Бунинг устига, давом этиб келаётган қадимий урф-одатга кўра, Махтумқулини катта акасининг бева қолган хотини Оққизга никоҳлаб қўядилар. У Оққиздан икки ўғил кўради. Ўғилларидан бирининг исми Сарибой, бошқасиники Иброҳим бўлиб, биринчиси — 7, иккинчиси — 12 ёшида нобуд бўлади¹. Аввал севгилисидан, кейин нуридийдаларидан жудо бўлган, оилавий ҳаётдан бахтини тополмаган шоир чуқур қайғу-ҳасрат ичида қолиб, бутун умрини бадий ижодга бағишлайди. Менглихонга атаб кўплаб шеърлар ёзиш билан унга ўзига хос назмий ҳайкал қўяди.

Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, шоирнинг ўзига Фироғий тахаллусини танлаши айни шу жудоликлар билан боғлиқ².

Махтумқули шеърларида жуда кўплаб жой номларига дуч келамиз. Бу унинг кўп саёҳат қилганлигидан далолат беради. Сафарга оқ фо-

¹ Бу ҳақда қаранг: Г а р р ы е в Б. А. Магтымгулы. — Ашгабат, 1975. 74-бет.

² Г у р б а н о в Т. «Берқарар дөвлет ислэрин»//Махтумқули — 250 (Научные доклады, статьи и сообщения о поэте). — Ашхабад, 1989, С. 140.

тиҳа сўраб, отаси билан савол-жавоб йўсинида ёзган бир шеъри ҳам шоирнинг саёҳатга, дунёни кўришга ҳаваси кучли бўлганлигини кўрсатади («Ота-ўфил дардлашуви»). Шеърда «Кўнглим истар, сафар қилсак...», «Сайрон этсак неча тенгу тўш билан, Магар шунда ғамгин кўнглим хуш бўлар»¹ каби мисраларни ўқиймиз.

«Маълум бўлишича, Махтумқули ёшлигидан саёҳатларда юриб, Каспий бўйидан то Амударёгача кезган. Бухорода таълим олган, сўнгра Афғонистонга ўтган, Ҳиндистонда бир йилу уч ой турган, қайтиб Фарғона (Андижон, Марғилон)ни кўрган, Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрига борган. Хоразмга — Хивадаги Шерғози мадрасасига келиб ўқиган, сўнг яна ўз элига — Атрек дарёси водийсига, Деҳистонга қайтган.

Шундан сўнг Озарбайжон, Эрон, Туркиянинг шарқий қисми, Ироқни айланиб келган.

Махтумқулининг Астраханда бўлганлиги ҳам, у ерда руслар ҳаёти билан танишганлиги ҳам ажаб эмас. Ҳатто Эрон билан Ҳиндистон орасидаги Уммон денгизи бўйларида — ё Уммон тупроғида (Арабистон ярим ороли билан Ироқ ўртасида), ё ҳозирги Покистон ерларида бўлганлигини тахмин қилиш мумкин, бунга унинг шеърларида ҳам шамаъ бор. Шоир Ўрта Шарқдаги барча туркман қабилалари орасига кириб, уларнинг аҳволини, озодлик, мустақиллик ва фаровонлик

¹ М а г т ы м г у л ы. Сайланан шыгырлар. 72—73-бетлар.

орзуларини билди, шу билан бирга, оғзаки адабиётини ўрганди»¹.

Мирзо Кенжабекнинг тахминича, бир шеърда «Занги бобони кўрсам» дейишига кўра, у Тошкентга ҳам келган бўлиши керак².

Муборак Хаж сафарига бориш орзуси борлигини бир неча шеърларида изҳор қилган.

Махтумқули кубравия тариқати шайхлари билан ҳам, хожাগон-нақшбандия силсиласи пирлари билан ҳам яқин алоқада эди. Отаси Давлатмамад ҳам тасаввуф аҳлини дўст тутган³. «Шеърларидан Махтумқулининг пири отаси эканлиги англашилади. Аммо у бошқа кўплаб муршиди комилларни ҳам зикр этган»⁴. Чунончи, Сарахсада нақшбандия намояндаси Ниёзқули халифага мурид тушишни орзу қилган бўлса, Отаниёз охунга ҳам шогирдлик талабида бўлган⁵.

Шўро давридаёқ баъзи тадқиқотчилар Махтумқулининг тасаввуфга муносабати юзасидан айрим мулоҳазаларни билдирган эдилар. Жумладан, Г. Карпов ҳаётининг муайян даврларида Махтумқулининг тасаввуф тариқатлари билан алоқаси бўлгани, бинобарин, ижодида сўфиёна

¹ Х а с а н о в Х. Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар. — Тошкент, 1964. 206—207-бетлар.

² К е н ж а б е к М. Махтумқули — валий шоир (Таржимон муқаддимаси)//Махтумқули. Сайланма. — Тошкент, 2004. 5-бет.

³ Бу ҳақда қаранг: К а р п о в Г. Истоки мировоззрения Махтумқули//Махтумқули (Сборник статей). С. 24.

⁴ К е н ж а б е к М. Махтумқули — валий шоир. 15-бет.

⁵ Бу ҳақда қаранг: К а р п о в Г. Истоки мировоззрения Махтумқули. С. 24.

оҳанглар мавжудлигига эътиборни қаратган¹. П. Скосирев Махтумқулининг фалсафий шеърларида шоир яқин алоқада бўлган тасаввуф илмининг таъсири шундоққина сезилиб туришини таъкидлаган². А. Мулкаманов эса Махтумқулининг тасаввудан ниҳоятда таъсирлангани, шеърларида «фано тупроғи», «аҳли ҳол», «фақр мулки», «ёр», «соҳибжамол», «дўст», «зулф» каби сўфиёна истилоҳ-тушунчалар кўп учраши, «Саташдим», «Кўрдингми?», «Ёр сендан», «Намасан?», «Эй дўст», «Ошиқ бўлмишам» шеърларида сўфиёна руҳ кучлилигини қайд этган³.

Албатта, диний-тасаввуфий мавзудаги шеърлар Махтумқули ижодида етакчи ўрин тутди. Афсуски, шўро мафкураси шоирнинг исломий маърифат ва тасаввуф ҳақиқатлари уфуриб турган асарлари мутолаасидан бизни бебахра қилган эди. Шунинг учун унинг асосан шу мавзудаги шеърларини танлаб таржима қилган таниқли шоир ва заҳматкаш мутаржим Мирзо Кенжабек ўз таржималарига ёзган сўз бошисида: «Махтумқули Фироғий XVIII аср маърифий шеъриятининг буюк дарғаларидан бўлиб, бутун туркий халқлар учун тушунарли ва севимли шоир, маърифатли сиймо, ориф ошиқ, соҳиби ҳикмат

¹ Қаранг: К а р п о в Г. Истоки мировоззрения Махтумқули. С. 28.

² Қаранг: С к о с ы р е в П. Махтумқули (Фраги)// Махтумқули (Сборник статей). С. 145.

³ Қаранг: М у л к а м а н о в А. Магтымгула нәхили дүшүнмели?//Махтумқули — 250. С. 41.

бўлган валий зотдир. Унинг инсонпарварлик, халқ-парварлик, ватанпарварлик ғоялари билан йўғрилган шеъриятида пок исломий маърифат руҳи гуркираб, яшнаб туради»¹, — деган фикрни билдиради.

Махтумқули «аҳли ҳол, аҳли сир, аҳли ҳикмат бўлган ориф зотдир. Маъно оламида унинг бир қанча азиз сиймолар билан иртиботи борлиги англашилади. Бир қанча шеърларида у ҳақ пайғамбарлар, машҳур авлиёлар билан боғлиқ тушларини фараҳ ва шукрона билан баён этади»². М. Кенжабек ҳатто у илми ладуний³ соҳиби бўлган деб ёзади⁴.

Таниқли шарқшунос олим Е. Бертельснинг ёзишича, Махтумқули адабий меросининг умумий миқдори тахминан 16—18 минг мисрага етади⁵. А. Бобоев шоирнинг 700 га яқин лирик асарлари бизгача етиб келганлиги ҳақида маълумот беради⁶. Ўзбек олимаси С. Шукруллаева эса собиқ Қўлёмалар институти (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институ-

¹ К е н ж а б е к М. Махтумқули — валий шоир. 3-бет.

² К е н ж а б е к М. Махтумқули — валий шоир. 9-бет.

³ И л м и л а д у н и й — саъй-ҳаракат билан эришиб бўлмайдиган, Оллоҳ томонидан ўзи хоҳлаган бандаларига бериладиган илоҳий илм.

⁴ Қаранг: К е н ж а б е к М. Махтумқули — валий шоир. 8-бет.

⁵ Қаранг: Б е р т е л ь с Е. Махтумқули. С. 125.

⁶ Қаранг: Вступительные слова А. Г. Бабаева//Махтумқули — 250. С. 54.

ти Ҳамид Сулаймон фонди)даги 1997-рақамли қўлёзмада шоирнинг 900 дан ортиқ шеърү фазалари мавжудлиги тўғрисида хабар берган эди¹.

Махтумқули ижоди кўплаб чашмалардан сув ичган: улар — Ҳуръони карим ва унга ёзилган тафсирлар, Ҳадиси шариф ва диний адабиётлар, тасаввуф фалсафаси ва адабиёти, Шарқ мумтоз сўз санъати ва халқ оғзаки ижоди. Шунинг учун шоир ижодида исломий мавзуларни ҳам, сўфиёна руҳни ҳам, халқона оҳангларни ҳам, мумтоз адабиёт таъсирини ҳам кўрамиз — улар ўзаро омукта бўлиб, Махтумқули асарларининг юксак бадиияти, таъсирчанлиги ва умрбоқийлигини таъминлаган. Шоир шеърларида пайғамбарлар, авлиёлар, саҳобалар, тасаввуф пирлари, халқ қаҳрамонларининг номига кўп дуч келамиз.

Туркман халқининг тарихи, бугуни ва эртаси, урф-одатлари, анъаналари, даврининг муҳим сиёсий-ижтимоий ҳодисалари, шоирнинг дарду ҳасратлари бу шеърларнинг асосий мавзуи ҳисобланади. Бу шеърларда шоир ўз халқини севган, унинг дарду ҳасратлари билан ёнган, истиқболи учун қайғурган фидоий ватанпарвар сифатида намоён бўлади. Ватан ва халқ мавзуси — Махтумқули шеъриятининг ўқ илдизини ташкил этади. Қатор шеърларида тарқоқ туркман уруғларини бирлашишга, улар ўртасидаги ўзаро низоларни барта-раф этишга даъват қилади. «Туркман адабиёти

¹ Қаранг: Ш у к р у л л а е в а С. И. Списки дивана Махтумқули Ташкентских фондов//Махтумқули — 250. С. 316.

тарихи тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, Махтумқули ўз даврида эл ва юрт қадр-қимматини оёқости қилиб келаётган иллатларни ҳаммадан кўра кўпроқ англаб етди. Шоир асарларида замондошларини даврда рўй бериб турган воқеаларнинг моҳиятини чуқур идрок қилиб иш тутишга чақирди»¹.

Махтумқули шеърларида халқ фалсафаси кучли, панд-насихат етакчи — у кўрган-кечирганларини қаламга олиб, улар юзасидан теран хулосалар чиқаради. Бу фикрларнинг ҳикмат каби жангланган шундан:

*Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз,
Маъракада ўтур-туришин кўринг.
Биров билан ошно бўлай десангиз,
Аввал иқроринда туришин кўринг².*

* * *

*Номардлар ҳам ярамастар, ночорлар,
Тузинг ичиб, ишинг бўлса қочарлар,
Сирингни фош этиб, айбинг очарлар,
Қадринг билган улфатингдан айрилма!³*

Махтумқули халқ мақол-маталлари, ҳикматли сўзлари, образли ибораларини жуда яхши билади

¹ Эркинов С. Махтумқули//Буюк сиймолар, алломалар. Уч китобдан иборат. 3-китоб. — Тошкент, 1997. 55-бет.

² Магтымгулы. Сайланан шығырлар. 359-бет.

³ Магтымгулы. Шығырлар. Уч томдук. I том. — Ашгабат, 1992. 230-бет.

ва маҳорат билан шеърлари қатига сингдириб юборади. Айни пайтда, ўзи ҳам содда, ихчам, лўнда, теран ҳикматлар яратадики, улар нафақат туркман, балки барча туркий халқларнинг ҳикматли сўзлар хазинасидан жой олган:

Олимга ёндашсанг, очилар кўзинг,
Жоҳилга ёндашсанг, кўрдек бўларсан.

* * *

Одам бор, минг туман едирсанг оздир,
Одам борки, еган нонига етмас.

* * *

Мард йигитнинг ор — қиличи.

* * *

Дўзахнинг тимсоли бир ёмон хотин.

* * *

Яхшини олам орзулар.

* * *

Йигит қарир ёмон аёл учраса.

Халқ тарихи, адабиёти ва ҳаётини чуқур билган бу донишманд инсон теран фикрларни халқона содда ва лўнда бир тарзда шеърий мисраларга тизади. Бу шеърлар халқ донолигининг ёрқин намунасидир. Махтумқули асарларининг умрбоқийлигини таъминлаган энг асосий омил худди шунда.

«Махтумқули ўз даврининг жароҳатларига ақл-

заковатни, иймон ва эътиқодни, аҳиллик ва ҳамжиҳатликни, ажодлар удумига асосланган ҳамдардлик ва адолатли курашни қарши қўяди ва бу туйғуни поэтик сўз қудрати билан маънавий қурол даражасига кўтаради»¹.

«XVIII аср туркман халқи учун мусибатлар даври бўлди. Уч томондан — Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Эрон шоҳлиги каби анча кучли қўшнилари қуршовида қолган туркманлар борган сари бепоён Ўрта Осиё чўлларининг унумсиз қумликларига чекиниб борди. Туркман халқининг душманлари унинг жанговар шон-шуҳратини яхши билганлар ва шунинг учун ҳар қанақасига бўлса ҳам, жасур туркман йигитларини ўз томонларига жалб этишга ҳаракат қилганлар. Бунга фақат бир йўл: туркман қабила бошлиқлари, хон ва бекларини ўзларига оғдириб олиш орқали эришиш мумкин эди. Бу мақсадга, ўз навбатида, туркман қабилалари ўртасига ўзаро низо уруғини сочган, уларни бир-бири билан уриштириб қўйган тақдирдагина етиш мумкин бўлар эди.

Махтумқули кўп сонли душманлари қарши-сида туркманларни заиф ва ҳимояга муҳтож қилиб қўядиган бундай ўзаро ички урушлар халқ учун қандай даҳшатли оқибатларга олиб келишини ниҳоятда теран англади. Шунинг учун шоир шеърларининг асосий қисмини туркман қабилаларини ўзаро урушларни тўхтатиш ва нажотни ҳамжиҳатликдан излашга оташин

¹ Эркинов С. Махтумқули. 56-бет.

чақириклар ташкил этиши ўз-ўзидан тушунарли. Махтумқули учун туркман халқини сақлаб қолишнинг шarti унинг кўчманчилик давридаги қадимий шон-шавкати: беқиёс мардлиги, ҳам-жиҳатлик туйғуси, кулфатда қолганларга ёрдамга тайёр туриш, меҳмондўстлик ва сахийлик каби фазилатларини асраш эканлиги ҳам тушунарли. Унинг қатор шеърларида чинакам мард йигит, баҳодир кишиларнинг ўз халқининг ноқобил фарзандлари — номардларга қарши қўйилиши бежиз эмас»¹.

Шоир шеърларида яхши — ёмон, мард — номард, ҳалол — ҳаром, бой — камбағал, уруш — тинчлик каби ўзаро зид тушунчалар кўп учрайди. Хусусан, у кишиларни икки тоифага — мард ва номардга ажратади: унинг назарида мард — барча эзгу инсоний фазилатлар соҳиби бўлса, номард — ҳамма ёмон иллатлар тажассуми. Шунга мувофиқ, мардни кўплаб шеърларида улуғлагани ҳолда, номардни кескин танқид қилади. Бу иккисини икки қутбга қўйиб тасвирлайди.

*Юз номард жойини босмас бир марднинг,
Чекар ташвишини мард элу юртнинг.
Қилган қилиғини кўринг номарднинг:
Жангми дея қочар туман учраса...*

¹ Б е р т е л ь с Е. Изучение истории туркменской классической литературы в Советском Союзе//Махтумқули. С. 194—195.

*Мард кутар меҳмонни очиқ юз билан,
Номард қочиб қолар меҳмон учраса¹.*

«Махтумқулининг ишқ-муҳаббат мавзуидаги шеърлари ҳам оҳангдорлиги, чуқур фалсафий моҳияти билан ажралиб туради. Шоирнинг ҳаёт ва ўлим, инсон ва борлиқ, гўзал инсоний фазилатлар ва одоб-ахлоққа оид шеърларида ислом дини ҳамда тасаввуфий қарашлар таъсири яққол сезилади»².

«Махтумқули асарларининг мавзулари, жанрий хусусиятлари, шаклий ўзига хослиги, асарлари тилининг ниҳоятда халқчиллиги билан кўп асерлик туркман адабиётини янги бир босқичга кўтарди. Шоир асарларининг етакчи ғояси бу — туркман ерлари устига ёпирилиб турадиган чет эл босқинчиларига барҳам бериш, тарқоқ яшаётган, ўзаро нифоқ ва зиддиятлардан зада бўлган қабила ҳамда уруғларни бирлаштириш билан осойишталик ва иттифоқликка асосланган қудратли бир давлатни барпо этишдек миллий ватанпарварлик ҳис-туйғуларидан иборат. Ана шу миллат манфаатлари йўлида қайғуриш, маърифатпарварлик йўли билан бу ғояни самарали кучга айлантириш шоир ижодининг асосига айланди. Бу йўлдаги изланиш, шеърият кучи билан юксак уфқларга талпиниш Махтумқулини ўз даврининг кўзга

¹ Магтымгулы. Сайланан шығырлар. 261-бет.

² Каримов Б. Махтумқули//Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. — Тошкент, 2003. 561-бет.

кўринган тараққийпарвар сиймоси даражасига кўтарди»¹.

Ҳамидулла Ҳасанов ёзади: «Махтумқули Фироғий ниҳоятда зўр, таъсирли, халққа ёқадиган, туркманга ҳам, ўзбекка ҳам ўз тилидек тушуниладиган шеърлари билан бутун Шарққа машҳурдир. Унинг асарларини Сурияда ҳам, Ироқда ҳам, Туркия ва Эронда ҳам, Афғонистон ва ҳатто узоқ Арабистонда ҳам туркманлар фахр билан куйлайдилар. Афғонистонда бир кекса туркман бахшиси борлигини эшитдим, у Махтумқули шеърларини маҳорат билан ижро этишда ном чиқаргани учун ўзини «Махтумчи» дер экан»².

Махтумқули барча туркий халқлар қатори, ўзбек халқининг ҳам ўз шоирига айланиб кетган. Шоир шеърлари халқимиз орасида асрлар давомида машҳур бўлган. Асарларининг қўлёзмалари кенг тарқалиб, «тошбосмада ҳам Хива ва Тошкент шаҳарларида бир неча бор нашр қилинган, бир неча ўнлаб асарлари Тошкентда чиқадиган «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилинган»³. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида Махтумқули шеърларини ўз ичига олган 5 та қўлёзма сақланади⁴.

¹ Эркинов С. Махтумқули. 55-бет.

² Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар. 203—204-бетлар.

³ Ўзбек адабиёти (Мажмуа). Тўртинчи жилд. 2-китоб. — Тошкент, 1960, 110-бет.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Шукруллаева С. И. Списки дивана Махтумқули Ташкентских фондов. С. 314—317.

Махтумқули шеърлари Жуманиёз Шарипов¹, Жуманиёз Жабборов², Музаффар Аҳмедов³, Мирзо Кенжабек⁴ таржималарида ўзбек тилида бир неча марта чоп этилган, турли мажмуа ва дарсликларга киритилган. Ж. Шарипов, С. Эркинов, Қ. Тоҳиров, К. Қурамбоев, С. Қориев, М. Кенжабек, Б. Каримовлар у ёки бу даражада шоир ижоди хусусида тадқиқотлар олиб борганлар. «Бўйларингга», «Намасан», «Юргинг келади», «Айлар», «Айрилдим», «Бўлмас», «Тўхтамас», «Қарамас», «Этмасин», «Кўзим тушди», «Ошиқ бўлмишам», «Ус-тодингдан айрилма», «Кўринг» сингари бир неча ўнлаб кўшиқлари Комилжон Отаниёзов, Очилхон Отахонов, Отажон Худойшукуров, Бобомурод Ҳамдамов, Ортиқ Отажонов, Илёс Маллаев, Аҳмаджон Шукуров, Каримбой Раҳмонов, Аҳрор Усмонов каби халқимизнинг сеvimли санъаткорлари томонидан ижро этилган. Ўзбекистон радио ва телевидениеси орқали ҳар куни Махтумқули шеърлари билан айтиладиган кўшиқлар янграб туради. Шоир «китоблари, шеърлари, панднасихатлари кириб бормаган бирорта ўзбек хонадони йўқ, унинг номини билмаган биронта

¹ Қаранг: М а х т у м қ у л и. Танланган асарлар. — Тошкент, 1958; Иккинчи наشري — 1960; Учинчи наشري — 1963; Махтумқули шеърятидан. — Тошкент, 1976.

² М а х т у м қ у л и. Мард йигитлар баҳоси. Шеърлар// «Жаҳон адабиёти» журнали, 2003 йил, 5-сон, 128—133-бетлар.

³ М а х т у м қ у л и. Сайланма. — Тошкент, 1995.

⁴ М а х т у м қ у л и. Сайланма. — Тошкент, 2004.

ўзбек йўқ»¹, десак, муболаға қилмаган бўламиз. «Махтумқули — бугунги кунда ўзбек маданий-адабий турмушида жуда оммавийлашиб, энг машхур сиймоларнинг бирига айланган»². Ушбу тўплам улуф туркман шоири ва мутафаккирининг ўзбек тилига таржима қилинган энг сара шеърлари асосида тузилди.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

¹ М а х т у м қ у л и. Сайланма. — Тошкент, 1995. 92-бет.

² Ўша ерда.

Ш Е Ъ Р Л А Р

БЎЙЛАРИНГГА

Юрсанг, ёрим, қувонаман
 Сарвқомат¹ бўйларингга.
 Гулдан либос ярашибдир
 Соғ-саломат бўйларингга.

Мен — булбулга айлаб озор,
 Ширин жоним олдинг — нисор².
 Зулайходан³ қолган зуннор⁴,
 Бўлсин ҳожат бўйларингга.

Кўрсам ҳуснинг — йўқ армоним,
 Сенсиз хазон бўлсин жоним.
 Иқболим, диним-иймоним —
 Қилсам ҳурмат бўйларингга.

¹ Сарвқомат — хушқомат, қадди-қомати келишган. Сарв — қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган игнабаргли гўзал ва хушқомат дарахт. Мумтоз адабиётда маҳбубанинг келишган зебо қадди-қоматини унга нисбат берадилар.

² Нисор — сочиш; фидо қилиш.

³ Зулайхо — Юсуф алайҳиссаломнинг маъшуқаси. Шарқда машҳур «Юсуф ва Зулайхо» қисса ва дostonларининг қаҳрамони.

⁴ Зуннор — насронийлар белига боғлайдиган чилвир. Ислол мамлакатларида ғайри мусулмонлар зуннор боғлаб юришга мажбур эдилар. Тасаввуфда зуннор — ҳақиқий маҳбуба хизмати ва тоатига бел боғлаш.

Кўрган киши фидо бўлар,
Эл-юртидан жудо бўлар,
Махтумқули гадо бўлар,
У каромат бўйларингга.



БЎЛМАС

Ҳар аҳмоққа айтма дарду сўзингни,
 Ҳасрат ўти жисминг ёққанча бўлмас.
 Гусса билан дона-дона кўзингдан
 Аччиқ ёшларингни тўкканча бўлмас.

Қаноатда, иззатда тут ўзингни,
 Тамаъ қилиб, сарғайтирма юзингни,
 Ҳар номардга ҳайф айлама сўзингни,
 Сўзингнинг биносин йиққанча бўлмас.

Мағрур бўлиб кезма умринг гулига,
 Дуч бўларсан бир кун хазон елига,
 Юз йил яшаб, тушсанг ажал қўлига,
 Чапингдан ўнгингга боққанча бўлмас.

Кўнгли қора билан бўлманглар улфат,
 Юқар ундан турли-туман касофат,
 Кўмирга ҳар неча айласанг иззат,
 Манглайга қораси юққанча бўлмас.

Махтумқули ҳаргиз топмади омон,
 Ёмон тилнинг захри тифлардан ёмон,
 Ёмон тил ёнида захри кўп илон —
 Чиқса-да, бир чивин чаққанча бўлмас.

АЙЛАР

Оқил бўлсанг, яхшиларга ҳамдам бўл,
 Аҳмоқ ўзин нодон била ёр айлар.
 Чин ошиқлар нозли ёрнинг жамолин
 Бир кўрсам деб, кеча-кундуз зор айлар.

Номард гуссасидан қолибман дарда,
 Кўнгил ором топмас бир пинҳон ерда,
 Моли кўп деб, меҳмон бўлма номарда,
 Жўмард¹ фақир бўлса ҳамки, бор айлар.

Номард ўз уйида мардча сўз айтар,
 Нодон эса ҳаққинг танобин тортар,
 Мард йигит мол топса, ҳиммати ортар,
 Номард фойда топса, кўнглин тор айлар.

Махтумқули, энди ўзингни кўзла,
 Яхшини таърифлаб, ёмонни тузла¹.
 Оз еб, оз ухлагин, яна оз сўзла,
 Кўп сўз охир эл ичида хор айлар.

¹ Жўмард — олижаноб, ҳиммати баланд, сахий, танги.

КЎРИНГ

Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз,
 Маъракада ўтириб-туришин кўринг.
 Биров билан ошна бўлай десангиз,
 Аввал ўз сўзида туришин кўринг.

Узоқ-яқин йўлга борар бўлсангиз,
 Мардлик қиличини солар бўлсангиз,
 Бир бедовни¹ сайлаб олар бўлсангиз,
 Сийнасин², сағрисин³ керишин кўринг.

Бир пул тушса бир ифлоснинг қўлига,
 Кўксин очиб, кезар қишнинг елига,
 Харидор бўлсангиз қизга, келинга,
 Адабин, икромин, ўтиришин кўринг.

Мард йигитнинг от-яроғи шай бўлса,
 Етишар ҳар ерда ҳайда-ҳай бўлса,
 Ўзи Ҳотам⁴ бўлиб, яна бой бўлса,
 Чор атрофдан меҳмон келишин кўринг.

¹ Бедов — учқур, ўйноқи от.

² Сийна — кўкрак, кўкс.

³ Сағри — гавданинг думба билан бел ўртасидаги қисми.

⁴ Ҳотам — саҳийлиги ва олижаноблиги билан Шарқ мамлакатларида донг таратган шахс. Ямандаги Той қабиласидан бўлганлиги учун Ҳотами Той номи билан шуҳрат қозонган.

Бир нечани қилдинг моли бисёри¹,
 Бир нечани қилдинг бир пулнинг зори,
 Яхши-ёмон — одам зотининг бори
 Навбат билан ўтиб боришин кўринг.

Тангри безор, билинг, закотсиз² бойдан,
 Сиз ҳам қочинг зинҳор ул келар жойдан,
 Мардга бир иш тушса, кўрар Худойдан,
 Номарднинг ҳамроҳдан кўришин кўринг.

Номард юрар мудом ўлимдан қочиб,
 Уйига келганда захрини сочиб,
 Мард йигит меҳмонга қучоғин очиб,
 Номарднинг меҳмондан қочишин кўринг.

Золимлар унутар зикри Олло(ҳ)ни,
 Арзон олиб, қиммат сотар ғаллани;
 Судхўр ноинсофлар ҳалол тиллани
 Ҳаром фойдасига беришин кўринг.

Мард йигитнинг иши суҳбат — саз бўлар,
 Кўнгли қиш бўлмайин, доим ёз бўлар,

¹ Бисёр — кўп, ортиқ, зиёда.

² Закот — исломнинг беш асосий талабидан бири бўлиб, мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр-эҳсон. Закот миқдори умумий маблағнинг қирқдан бир (2,5 фоиз) улушига тенг бўлади.

Яхшининг кўнглида гина оз бўлар,
Ёмоннинг кунда бир урушин кўринг.

Қадрдон, қардошдан узоқда туриб,
Қадрсиз ёт билан қариндош бўлиб,
Махтумқули, носозларга¹ дуч келиб,
Хўжанинг², сайиднинг³ юришин кўринг.



¹ Носоз — номувофиқ, нолойиқ, ёмон.

² Хўжа — чорёрлар — Абу Бакр, Умар, Усмон, Али (Фоти-мадан бўлган авлодларидан ташқари)дан тарқалганликларини даъво қилувчи кишиларнинг фахрий унвони.

³ Сайид — Муҳаммад алайҳиссалом авлодларига мансуб деб қараладиган кишиларнинг фахрий унвони.

СИНДИРАР

Иқболинг уйфонса, давлат ёр бўлса,
Тоққа кесак отсанг, тошни синдирар.
Толеинг терс келса, бахтинг шўр бўлса,
Паловнинг гуручи тишни синдирар.

Ажалингдан қўрқиб, кирсанг уммонга,
Қўрқувдан не фойда кетажак жонга,
Умринг охир бўлиб, тўлса паймона¹,
Лоланинг чўпи ҳам бошни синдирар.

Бор сўзига қулоқ остигил билганнинг,
Охири ҳеч ерга етмас ёлфоннинг,
Умри — ёши ортар олқиш олганнинг,
Қарғиш тегмай қолмас, ёшни синдирар.

Махтумқули, чўлда кезган ноши(й)ни²,
Улуғ кўрма кўп сурди деб ёшини,
Тор мажлисда тўлиқ берсанг ошини,
Ошини ей билмас, коса синдирар.

¹ Паймона — май ичадиган идиш, қадах, жом. Паймонаси тўлмоқ — куни битмоқ, қазоси етмоқ.

² Ноший — билимсиз одам.

ЭЛ ЯХШИ

Одам бўлиб, одам қадрин билмаган
 Кишилардан ўтлаб юрган мол яхши.
 Сўзлаганда сўз маъносин билмаган
 Инсонлардан сўзлаёлмас лол яхши.

Худойим сақласин шаррдан¹, қаҳрдан,
 Миннатли ош аччиқ бўлар заҳардан,
 Ҳар бир ерда бир бозорсиз шаҳардан
 Аслида бир қуриб ётган чўл яхши.

Ҳар кимнинг ўзига Мисрдир жойи,
 Ёдингдан чиқмайди байрами, тўйи,
 Жон соғлиқнинг бўлмас ҳеч тенги-тойи,
 Оқшом ётиб, эрта шукрин қил яхши.

Бир бевафо ёрга кулиб боққандан,
 Ширин жонни ишқ ўтига ёққандан,
 Ёт элларда мусофирлик тортгандан,
 Урса, сўкса, хўрласа ҳам, эл яхши.

Махтумқули, сўз сўзлагил ҳар бобдан,
 Бу дунё тутдирмас, чирикдир тубдан,
 Маъракада маъноси йўқ бад² гапдан,
 Бир шивиллаб эсадиган ел яхши.

¹ Шарр — ёмонлик, гуноҳ иш.

² Бад — ёмон, ярамас, зарар келтирувчи.

АЙРИЛДИМ

Булбулман, оху зор чекиб,
 Тоза гулзордан айрилдим.
 Кўздан қонли ёшим тўкиб,
 Ул севар ёрдан айрилдим.

Ёрга ярашар уч муча¹,
 Сифатин сўйлайин анча:
 Лаби — шакар, оғзи — ғунча,
 Ул — зулфи тордан айрилдим.

Ширин жонда йўқдир тоқат,
 Жабри унинг жонга роҳат,
 Қошлари фитнаи офат,
 Чашми² хунхордан³ айрилдим.

Айрилдим ғунча-гулимдан,
 Қора сочи сунбулимдан⁴,
 Хуш овозли булбулимдан,
 Ширин гуфтордан⁵ айрилдим.

¹ Муча — киши аъзоси.

² Чашм — кўз.

³ Хунхор — қон тўқувчи; золим, бераҳм.

⁴ Сунбул — ингичка баргли, гуллари ҳалқа-ҳалқа, қўнғироқ-симон ва хушбўй ўсимлик. Маъшуқанинг сочи ҳалқа-ҳалқа ва муаттар ҳид таратиши жиҳатидан сунбулга ўхшатилади.

⁵ Гуфтор — сўз, сўзлаш, гапириш.

Телба кўнглимнинг армони,
 Барча гўзалларнинг хони,
 Саккиз жаннатнинг бўстони,
 У — мевазордан айрилдим.

Эллари бор кўп увотли,
 Салқин сувлик, яшил ўтли,
 Юрти Гўкланг¹, Менгли отли,
 Нозли дилдордан айрилдим.

Махтумқули ошиқ-мастон,
 Бағишлаб шаънига достон,
 Манзилгоҳи боғу бўстон,
 Олма-анордан айрилдим.



¹ Гўкланг — туркман қабилаларидан бирининг номи.

БҮЛМАСА

Ҳар ким гўзалман дер, эътибор бўлмас,
 Сунбул сочи, қилча бели бўлмаса.
 Юраклари от бошидек ботирлар
 Хотинчамас, от-яроғли бўлмаса.

Нелар кўражакдир бу шум кўнгиллар,
 Хазон урса, сўлар очилган гуллар,
 Боғ ичра сайрашган шайдо булбуллар,
 Тўрғайчамас, қўнар гули бўлмаса.

Қушлар уча билмас қуйруқ, қанотсиз,
 Ошиқ ёрга етмас доду фарёдсиз,
 Бир бедов хоназот бўлар сиёқсиз —
 Қуйруғи, кокили, ёли бўлмаса.

Махтумқули, билгин, шундай замондир,
 Ҳозир хайри бўлса, сўнгра зиёндир,
 Эр йигитнинг кўнгли тўла армондир,
 Қора кўз, нозик бел ёри бўлмаса.



ҚАРАМАС

Аввало, мол яхши, молдан бош яхши,
 Бош давлатин топган молга қарамас.
 Нодон бир ўвилдан ёт бир ёш яхши,
 Нодон ўвил отасига қарамас.

Отда оёқ бўлса, ўзга син бўлмас,
 Эрда вайрат бўлса, иши қийинмас,
 Уруш куни йигит бўйин товламас,
 Тикка борар — ўқу ёйга қарамас.

Ёр-дўстдан қочарлар одам оч қолса,
 Ёр ёрдан айрилар ноилож қолса,
 Ёмон хотин яхши йигитга дуч келса,
 Бошини тарк этар, молга қарамас.

Кўҳна дунё муханнасининг¹ уйидир,
 Судхўр бўлганларнинг дўзах жойидир,
 Олтин-кумуш кўзларининг мойидир,
 Мард йигитлар бузуқ жойга қарамас.

Дунё кўрки — нозанинлар, не жонлар,
 Нодонга йўлиқди гўзал жононлар,
 Ёрдан қолган, эри ўлган жувонлар —
 Мард йигитни кўзлар, бойга қарамас.

¹ Муханнас — хунаса, номард, кўрқоқ, разил, паст.

Махтумқули вариб кўнглин бой этиб,
Қаноат ўлкасин банди — жой этиб,
Ҳар ким ўз ёрини тўлин ой этиб,
Ойин кўзлар, бошқа ойга қарамас.



ХАРИДОРИ БЎЛМАСА

Замона шундайдир, кўзга илмаслар
 Ҳар йигитнинг қўлда бори бўлмаса.
 Тилладек сўзинг бир пулга олмаслар,
 Ҳар кишининг эътибори бўлмаса.

Тан бир тор қафасдир, жон бир ваҳши(й)дир,
 Тилга келган сўзлар кўнгил нақшидир,
 Ўтли, сувли дўзах ундан яхшидир,
 Ҳар шаҳарнинг бир бозори бўлмаса.

Дунёда онглидан онгсизи кондир,
 Билмаслар балодир, билганлар жондир,
 У йигитлар одам тилли ҳайвондир —
 Сўз уқмаса-ю, иқрори бўлмаса.

Йигитга йўқчилик ёмон балодир,
 Сўзини тенг-қурдан четга соладир,
 Ёмон қилиқ дўстни душман қиладир,
 Қуриб кетсин эл даркори бўлмаса.

Ҳақ ҳар кимга яхши ёр бермагандир,
 Сўзи аччиқ, ичи тўла армондир,
 Юз йил яшаб, беш кун умр кўрмагандир,
 Ҳар кимнинг муносиб ёри бўлмаса.

Махтумқули, Ҳаққа тошшир ўзингни,
Ҳар номардга сарғайтирма юзингни,
Ўғитим бор, кел, тарк қилгил сўзингни,
Нега керак харидори бўлмаса?



КЕТСАНГ

Дедим: «Юзи тобоним»¹. Деди: «Гүё Менглихон!»

Дедим: «Кўйдинг армонга». Деди: «Кўнгилдир
вайрон».

Дедим: «Ўларман энди». Деди: «Қоларсан омон».

Дедим: «Киприкларинг — ўқ». Деди:
«Қошларим — камон».

Дедимки: «Либос киймиш». Деди: «Тўни
зарафшон»².

Дедим: «Юзда холлар бор». Деди: «Юзда гуллар,
ҳай».

Дедим: «Қумри забондир»³. Деди: «Шаҳддир
тиллер, ҳай».

Дедим: «Келсанг, хабарлаш». Деди: «Сезар эллар,
ҳай».

Дедим: «Ул не сарвдир». Деди: «Нозик беллар,
ҳай».

Дедим: «Товус не жойдан». Деди: «Жойи —
Ҳиндистон».

Дедим: «Кечанг қоронғи». Деди: «Уйқуда ойим».

Дедим «Кимлар ясовул?» Деди: «Кипригим —
ёйим».

¹ Тобон — порлоқ, ёрқин.

² Зарафшон — зар сочувчи.

³ Забон — тил, нутқ.

Дедим: «Қайда масканинг?» Деди: «Ломакон¹
жойим».

Дедим: «Зарафшон эрур?» Деди: «Кавсардир²
лойим».

Дедим: «Ундан бер менга». Деди: «Истармиш
бежон».

Дедим: «Бу не тутундир?» Дедики: «Қора
морлар»³.

Дедим: «Қўрқаман ундан». Деди: «Элу юрт
зорлар».

Дедим: «Сўзинг аслини». Деди: «Сўрар, туярлар».

Дедим: «Сирни фош этдинг». Деди: «Айтмиш
айёрлар».

Дедим: «Ўлим бор сенга». Деди: «Сенга ҳам
фармон».

Дедим: «Эй Махтумқули!» Деди: «Кўзлар ёш
бўлар!»

Дедим: «У не йигитдир?» Деди: «Сизга бош
бўлар».

Дедим: «Яқиндир Каъба?» Деди: «Эски тош
бўлар».

¹ Ломакон — маконсиз; Оллоҳнинг ҳузури.

² Кавсар — жаннатдаги чашма, булоқ.

³ Мор — илон.

Дедим: «Яхши замондир». Деди: «Бу ҳам туш
бўлар».

Дедим: «Энди кетарман». Деди: «Кетсанг, бор
ОМОН».



ЮРГИНГ КЕЛАДИ

Гўзал бордир гўзаллардан зиёда,
Унинг хизматида тургинг келади.
Адабли, икромли, хушхулқ, озода,
То ўлгунча бирга юргинг келади.

Гўзал бордир — узун бўйли, ёқимли,
Қоронғи кечада тушар ёлқини,
Сўзлаган сўзлари бари бол каби,
Қайда бўлса, топиб олгинг келади.

Гўзал бордир — кунда кўрсанг арзийди,
Қора зулфин кунда ўрсанг арзийди,
Хазинангни тўкиб берсанг арзийди,
Унинг савдосида бўлгинг келади.

Гўзал бордир — сирка босар бошини,
Артмас, ювмас товоғини, дошини¹,
Сийламайди қарисини, ёшини,
Унинг хизматидан қочгинг келади.

Гўзал бордир — оқ қоғоздай билаги,
Жон ичида бирга бўлар юраги,
Шундай гўзал асли марднинг кераги,
На ҳожат истаса, бергинг келади.

Махтумқули, синов керак гўзалга,
Ҳар на қисмат бўлса, тортар азалга,
Дунё молин харж эт яхши гўзалга,
Ёмоннинг ёнидан қочгинг келади.

¹ Дош — қозон.

НАМАСАН?

Асли сени кўрмаганман, дилдорим!
 Қумримисан, булбулмисан, намасан?
 Ғамгин дилни хаёлингда алдарман,
 Боғ ичинда гул-гулмисан¹, намасан?

Қароқчими, ё сайидми, хўжами?
 Ё соқийми, ё шаробми, кўзами?
 Ё йилмисан, ё кундузми, кечами?
 Ё оймисан, ё кунмисан, намасан?

Ё мушкмисан², ёки жамбил, ё анбар³?
 Айтолмайман: ё чархмисан, ё чамбар⁴?
 Дарёмисан, ё мавжмисан, ё сафсар⁵?
 Гирдобмисан, тўлқинмисан, намасан?

Олтинмисан, қумушмисан, зармисан?
 Ё Аршмисан⁶, Қурсимисан⁷, ермисан?

¹ Гул-гул — гўзал, зебо, хандон.

² Мушк — оҳулардан бир турининг киндигида ҳосил бўладиган қора рангли хушбўй модда.

³ Анбар — хушбўй модда, мажозан зулф.

⁴ Чамбар — ҳалқа, доира.

⁵ Сафсар — гулсапар: қиёқ баргли, бинафша ёки сариқ гулли кўп йиллик ўсимлик ва унинг гули.

⁶ Арш — осмоннинг энг юқори қавати.

⁷ Қурси — Аршнинг иккинчи номи. Етти қават осмондан ташқари, алоҳида саккизинчи осмон маъносида ҳам тушунилади.

Ё ёқутми, ё маржонми, дурмисан?
Ё чироғми, ё зиёсан, намасан?

Махтумқули, кеч номусу орингдан,
Қўлингни торт бу вафосиз корингдан¹,
Жаҳон тўла, сен ғофилсан ёрингдан,
Ё мастмисан, ё шайдосан, намасан?



¹ Кор — иш, ҳаракат.

КЎРДИНГМИ?

Ёғду сочар-кетар зулмат тунида,
 Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?
 Баҳор айёмида, Наврўз кунида
 Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?

Анқо¹ сифат «хув» деб кўкка учган қуш,
 Кечаси тирикдир, кундузи беҳуш,
 Навоий жандалик², эғни хирқапўш³,
 Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?

Қон этибдир фалак бағрим фироқда,
 Доимо кезарман ёр деб сўроқда,
 Каъба тарафида, Шомда⁴, Ироқда,
 Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?

Ошиқлар оҳида, Қулзум⁵ баҳрида⁶,
 Қуббат ул-исломда⁷, Жайхун⁸ наҳрида⁹,
 Сидра¹⁰ саҳросида, Исо¹¹ шаҳрида
 Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?

¹ Анқо — Қоф тоғида яшайдиган афсонавий қушнинг номи.

² Жанда — сўфий-дарвешлар кийими, хирқа.

³ Хирқапўш — хирқа кийган, яъни сўфий, дарвеш. Хирқа — шайх, мурид ва дарвешлар киядиган махсус кийим.

⁴ Шом — Сурия.

⁵ Қулзум — Қизил денгиз.

⁶ Баҳр — денгиз, уммон.

⁷ Қуббат ул-ислом — ислом гумбази. Балх шаҳри шундай аталган.

⁸ Жайхун — Амударё.

⁹ Наҳр — дарё.

¹⁰ Сидра — еттинчи осмондаги дарахт.

¹¹ Исо шаҳри — Қуддус.

Ҳазрат Али этгач оламга даъви¹,
 Қофдан² Каъба кетди Ҳазратнинг чави³,
 Ё иқлим⁴ эгаси Аҳмад Яссавий,
 Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?

Маскан тутмиш қора тоғнинг бурнида,
 Алининг мулкида, Исо ўрнида,
 Ернинг орқасида, кўкнинг қўйнида
 Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?

Махтумқули чекар ёрнинг гамини,
 Кезиб топа билмас рўйи заминни⁵,
 Ё оти Жаброил — Ҳақнинг амини!
 Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?

¹ Даъви — даъво.

² Қоф — бутун дунёни ўраб олган деб тасаввур қилинадиган афсонавий тоғ.

³ Чави — элчи.

⁴ Иқлим — мамлакат, ўлка, вилоят.

⁵ Рўйи замин — ер юзи, дунё.

ЧИҚАДИР

Ҳақ таоло, ахир, бу не аҳволдир,
 Тиниқ деб ичганим қумли чиқадир.
 Неча айёр, шум ва ўжар иқболдир,
 Ҳалол деб ичганим жимли¹ чиқадир.

Кимса сирим билмас, ўзин ўлдирса,
 Фақир бандаларга Тангри билдирса,
 Элга шодлик, шодмонлик келтирса,
 Менга ҳамроҳ бўлган ғамли чиқадир.

Омухтаман ўртанмоққа, пишмоққа,
 Киши йўқ сўзлашиб, дард айтишмоққа,
 Овул четидан борсам уй сўришмоққа,
 Ё лолдир, ё оғзи мумли чиқадир.

Мендан шиква² этар қўли керганим,
 Ғалвирдан шол чиқар сирим берганим,
 Пир деб этагига қўлим урганим,
 Тебранганда девдан дамли чиқадир.

Махтумқули, ҳисоби йўқ кўрганим,
 Тамаъ этиб, умид қўлин керганим,
 Овулига эркак-ку деб борганим,
 Этагига қўл урсам, ... чиқадир.

¹ Жимли — ҳаром маъносида.

² Шиква — шикоят, гина.

ТҮХТАМАС

Булбул сайраб турган ҳаволи боғлар,
 Булбул сендан кетар, фиғон тўхтамас.
 Туманли, ёмғирли, оқ қорли тоғлар,
 Селлар сендан кетар, туман тўхтамас.

Одам яратилмиш баландли, пастли,
 Ақли, фикрли, онгли ва эсли,
 Йигитлик умрда худди ёз¹ фасли,
 Баҳор сендан кетар, замон тўхтамас.

Келганга қарши чиқ бўлса мажолинг,
 Яхши тутавергин нияту феълинг,
 Дунё давронида очиқ тут қўлинг,
 Давр сендан кетар, даврон тўхтамас.

Бу дунё ғавғодир, бир қол-мақолдир²,
 Биров бер, ҳа, бер дер, ким ол, ҳа, ол дер,
 Йигитлар, бу дунёга шунга мисолдир,
 Барқ урар осмонда бўрон тўхтамас.

Бир манзилдир, уч кун хўб еб-ичган сўнг,
 Ўрнашиб, қимирлаб, белинг ечган сўнг,
 Узангинг тортарлар, тўрт кун кечган сўнг,
 Беш кундан ортиқча меҳмон тўхтамас.

¹ Ёз — туркман тилида баҳор дегани.

² Қол-мақол — гап-сўз, ҳар хил гаплар.

Қўйнин очар бир кун ер — сени гизлар¹,
 Қора қумга тўлар бу қора кўзлар.
 Бунча гердаймагин чаманзор, тузлар²,
 Чаман сендан кетар, сайрон³ тўхтамас.

Махтумқули айтар ориф⁴ дўстига,
 Ким қолар тушмайин ажал дастига!⁵
 Фалак бир кун ташлар ернинг остига,
 Оғиздан тил кетар, забон тўхтамас.



¹ Гизлар — яширар.

² Туз — сайҳон, текислик, қўриқ.

³ Сайрон — сайр, сайр-томоша.

⁴ Ориф — маърифат соҳиби, Оллоҳни таниган киши, комил инсон.

⁵ Даст — қўл.

ҚАРИЛИҚДИР, ЁРОНЛАР¹

Йигитликнинг зўри кетди белимдан,
 Дард ёмони қариликдир, ёронлар!²
 Иложи йўқ унинг бошқа ўлимдан,
 Дард ёмони қариликдир, ёронлар!

Хасталар қутулар, қари қутулмас,
 Бу дардга ҳеч кимдан чора қутилмас,
 Кўнгил қуши учар-кетар, тутилмас,
 Дард ёмони қариликдир, ёронлар!

Бир таом емакка тишлари қолмас,
 Сўзига ўрил-қиз қулоғин солмас,
 Узоқдан кўзласа, кўзлари кўрмас,
 Дард ёмони қариликдир, ёронлар!

Етмишнинг уйига кирганда ёши,
 Ирғалиб³, бир ерда турмайди боши,
 Нонни чайнай олмас, толқонлар — оши,
 Дард ёмони қариликдир, ёронлар!

Айтсанг сўз эшитмас, қулоқ кар бўлар,
 Ўлтириб-турмови дардисар⁴ бўлар,
 Суяклар зирқираб, дарбадар бўлар,
 Дард ёмони қариликдир, ёронлар!

¹ Бу шеър Толибий деган шоирга ҳам нисбат берилади.

² Ёрон — дўстлар, яқин кишилар.

³ Ирғалмоқ — у ёқ-бу ёққа чайқалмоқ, қалқимоқ, силкин-моқ.

⁴ Дардисар — бош оғриқ, даҳмаза, ортиқча ташвиш.

Оғзига қарасанг, бир тиши бўлмас,
 Тўшак, ёстиқ билан ҳеч иши бўлмас,
 Ёнида қадрдон тенг-тўши бўлмас,
 Дард ёмони қариликдир, ёронлар!

Қолган-қутган бўлса, унга берарлар,
 Иссиқ-илиқ бўлмас, «шуни е» дерлар,
 Ҳар кимга сўзласа, «гапирма» дерлар,
 Дард ёмони қариликдир, ёронлар!

Танда қувват қолмас, юзингда кўркинг,
 Ўлтириб-турмоққа етишмас эркинг,
 Ошни ичиб бўлмас, қисилар ўпканг,
 Дард ёмони қариликдир, ёронлар!

Махтумқули, дўстлар, қариманг баттар,
 Етмишу саксоннинг ўзи ҳам етар,
 Ўзин билмас нодон тиржайиб ўтар,
 Дард ёмони қариликдир, ёронлар!



БОРМИ, ЁРОНЛАР?

Ишқ йўлин ҳавас айлаб,
 Келган борми, ёронлар?
 Дардимни баён этсам,
 Олган борми, ёронлар?

Бўлибман масту шайдо,
 Юз устига минг савдо,
 Оламда мендай расво
 Бўлган борми, ёронлар?

Ташим — дард, ичим — бирён¹,
 Нола қиламан гирён²,
 Менингдай масту ҳайрон
 Қолган борми, ёронлар?

Ёлғон дунёни бўйлаб,
 Айлангил кулиб-ўйнаб,
 Ишқ қозонида қайнаб,
 Ўлган борми, ёронлар?

Ишқ дуч келса бир мардга,
 Айланар тўзон-гардга,
 Менингдай ўзин дардга
 Солган борми, ёронлар?

¹ Бирён — қовурилган, куйган.

² Гирён — йиғловчи, йиғлаб турган.

Етти ҳолим ўлимга,
Тоб этмайин зулмга,
Йиғламайин ҳолимга,
Қулган борми, ёронлар?

Махтумқули, жон чекса,
Раҳм этмаслар ёш тўкса,
Ишқинг йўлида, йўқса,
Толган борми, ёронлар?



ОЙ-КУНИНГИЗ БОТМОҚҚА...

Олтмиш яшаб, етмиш кирган сўфийлар¹,
 Оз қолибдир ой-кунингиз ботмоққа.
 Чўл ерларда ит кўрмаган тулкилар
 Хаёл қилар ётган шерни отмоққа.

Қарға айтар: «Йўқдир мендаин шаҳбоз»²,
 Минг қарға йиғилса, бўлолмас бир ғоз,
 Калтакесак кунни қарғаб қишу ёз,
 Шайланади аждаҳони ютмоққа.

Оқсоқ кийик юз бўрсиққа³ еткизмас,
 Шер боласи минг тулкига тутқизмас,
 Ўлик илон минг келпозга⁴ ютқизмас,
 Ақл керак бу ишларга етмоққа.

Етмишида ёд этмаслар тавбани,
 Била туриб, ўйнатарлар қаҳбани⁵,
 Мункирлар⁶ жам бўлиб, йиқди Каъбани,
 Язид⁷ кетди ёғочларин сотмоққа.

¹ Сўфий — тариқатга кириб, дунёдан кўнгил узган, риёзат босқичларини босиб ўтиб, Ҳаққа интилаётган киши.

² Шаҳбоз — лочин.

³ Бўрсиқ — сувсарлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон.

⁴ Келпоз — калтакесак.

⁵ Қаҳба — фоҳиша.

⁶ Мункир — инкор қилувчи, рад этувчи.

⁷ Язид — уммавийлар сулоласига мансуб халифалардан бири. Муовиянинг ўғли. Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнни шаҳид этиб, Муҳаммад алайҳиссалом хонадонига қирғин солган.

Кўринг бу айёмни, фалак гардиши —
 Фақирга зулм этмак бўлди ҳар иши.
 Ҳақ йўлида тўғри юрган дарвешни¹
 Кўймадилар ўз ҳолига ётмоққа.

Юрагим сабрдан кетди, қарордан,
 Ёмон ишдир буғз² айламоқлик ёрдан³.
 Безор бўлдим охир бундай диёрдан,
 Истаб қолдим бошим олиб кетмоққа.

Махтумқули, билдим: бахтим беваждир,
 Насибам, қисматим, иқболим каждир⁴.
 Ниятим Каъбадир, хаёлим ҳаждир,
 Умидим бор ҳаж тавофин ётмоққа.



¹ Дарвеш — тасаввуф истилоҳида изловчи, истовчи маъносини билдириб, сўфий, фақир, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибасрор, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишлаган кишиларнинг тимсоли бўлиб келади.

² Буғз — кина, адоват, душманлик.

³ Бу мисрани Махтумқулининг «Сайланан шыгырлар» китобидан олиб тўлдирдик (Ашхобод-Боқу, 1960, 311-бет).

⁴ Каж — чаппа, эгри.

ЙИҒЛАРМАН

Эй ёронлар, умримдан
Кечди деб йиғларман.
Кетди ақлим, ўрнидан
Шошди деб йиғларман.

Кетган қайтмас йўлидан,
Қолмас ёмон феълидан,
Диёнат халқ дилидан —
Учди деб йиғларман.

Ҳозир бизнинг замонда
Ёмон сўзлар забонда.
Зулм ишлари жаҳонда
Жўшди деб йиғларман.

Бу айёмда бадкорлар¹,
Юз тил билан алдарлар.
Қани, не-не дилдорлар
Кечди деб йиғларман.

Қанча содда тенгдошлар
Шайтон йўлига бошлар,
Юз ўгириб қардошлар,
Қочди деб йиғларман.

¹ Бадкор — ярамас, нокас, ёмон.

Кўринг фалак ўйинин,
Узар олимнинг бўйинин,
Неча жонлар ер қўйинин
Қучди деб йиғларман.

Махтумқули дер мардга:
Дунё банддир, тан — парда.
Бу бошим сўнгсиз дардга
Тушди деб йиғларман.



БОШЛАДИ

Кўмилди дарёлар, йиқилди тоғлар,
 Етимлар кўз ёшин тўка бошлади.
 Фоҳишадан бўлган ҳаромхўр беклар
 Юртни бир ёнидан йиқа бошлади.

Жамоатсиз азон бир қуруқ сасдир,
 Неча мулланг ўқиган илм абасдир¹,
 Қозиларнинг кори чой билан носдир,
 Бир бузуқ нишона чиқа бошлади.

Эшонлар-ку ҳар эшикда топилар,
 Муллаларга йўқ вийбатлар ёйилар,
 Авлиёман деб, бу лўли сўфилар
 Қийқириб, осмонга боқа бошлади.

Чиқар ибо билан қизи, келини,
 Оқ юзига ёпар қора телини²,
 Қанча азоб билан йиққан пулини
 Маржондай ўзига тақа бошлади.

Дунёда судхўрнинг пул йиғмоқ дарди,
 Бойларнинг моллари безакот эрди,
 Тавба қилинг, кўзим бир ёмон кўрди,
 Дўст дўстин кўнглини ёқа бошлади.

¹ Абас — бехуда, кераксиз, бекор.

² Тел — соч.

Махтумқули, бошга ўраб саллалар,
Оч бўридай йўртиб неча муллалар.
Ҳалолдан-ҳаромдан йиғиб ғаллалар,
Топганин бўғзига тиқа бошлади.



БИЛИНМАС

Дардим бордир диёримдан, давримдан,
Хайр қайси-ю, эҳсон қайси билинмас.
Золимларнинг жафосидан, жабридан,
Ислом қайси, имон қайси, билинмас!

Сухбатларда Ҳақ каломин айтар йўқ,
Мажлисида бир насиҳат қилар йўқ,
Ҳалол қайси, ҳаром қайси, билар йўқ,
Фойда қайси, зиён қайси, билинмас!

Халойиқда ибрат ҳам йўқ, кўрим¹ йўқ,
Бойларида саховат йўқ, берим йўқ,
Аёлида ор, қизида шарм йўқ,
Одоб қайси, аркон² қайси, билинмас!

Кишининг молига кўзин илдирар³,
Таассубда⁴ дилга гина тўлдирар,
Бир-бирини ноҳақ ерда ўлдирар,
Нажот қайси, омон қайси, билинмас!

Махтумқули, жон меҳмондир, тана — лош⁵,
Яхшига дўст кўпу ёмон беқардош,
Бу айёмда бош оёқдир, оёқ — бош,
Яхши қайси, ёмон қайси, билинмас!

¹ Кўрим — бу ерда: интилиш.

² Аркон — устун, таянч.

³ Илдирар — бу ерда: суқланиб қарайди.

⁴ Таассуб — бирор нарсага қаттиқ берилиш, кўк-кўрона эргашин.

⁵ Лош — жонсиз тана, мурда, ўлакса, ўлимтик.

ҚОЧА БОШЛАДИ

Энди билдим замонанинг озганин,
 Ёмонлар яхшидан қоча бошлади.
 Қайта бадаслар¹ аслзодани
 Писанд этмай, тўрга кўча бошлади.

Риё бўлди кўп ўқиган намози,
 Тангри ҳеч биридан бўлмади рози,
 Пайғамбар ўрнида ўлтирган қози
 Пора учун қўлин оча бошлади.

Шоҳларда қолмади ҳукми адолат,
 Бир пул учун муфти берар ривоят,
 Бил, бу ишлар нишонаи қиёмат,
 Золимлар тавбасиз ўта бошлади.

Фақирлар хўрланиб, юзин сарғайтиб,
 Ким жўрасин топиб, рангин қизартиб,
 Золимлар мазлумнинг белин қабартиб,
 Қамчисидан қонлар соча бошлади.

Олимлар сўзига амал бўлмади,
 Мунофиқлар Яратганни билмади,

¹ Бадасл — таги паст, ярамас.

Сўфийлар пиридан таълим олмади,
Дунё учун диндан кеча бошлади.

Бир гуруҳ сўфийлар сўфийман дейди,
Жирканмас, золимлар таомин ейди,
«Бизни яхши киши десинлар» дейди,
Ҳар эшикда ҳалқа ура бошлади.

Қарига айланди биз кўрган ёшлар,
Ташланди оёққа биз кўрган бошлар,
Бемаҳал юк боғлаб энди қардошлар,
Охират қасдига кўча бошлади.

Оқил бўлган ғамда юрагин эзиб,
Дардининг дармонин сўроқлаб-кезиб,
Замонанинг бузуқ бўлганин ёзиб,
Фанодан бақога кўча бошлади.

Не асил бекларнинг навбати ўтди,
Қайта фитна, ҳаромига сўз етди.
Дунёда ким қолиб муродга етди?
Муҳаббат чироғи ўча бошлади.

Қози бўлган бир жавобда турмади,
Тунда заҳмат чекиб, китоб кўрмади,
Шариат йўлида тўғри юрмади,
Нафс учун иймонсиз ўта бошлади.

Махтумқули айтар доим: йўл тани,
Беш кун синамоққа юборди сани,
Сендан аввал ўтган жононлар қани?
Ҳар ким навбатида ўта бошлади.



БЎЛАР

Муҳаммад уммати молсиз бўлмасин,
 Молсиз бўлса, қавму қардош ёт бўлар,
 Қочар оға-ининг, бўлмас хотиранг,
 Душманларинг шоду дўстинг мот бўлар.

Ғариб оёқяланг, чандир белбоқдир,
 Маъракага борса, ўрни пойгақдир,
 Фақирлар от миниб чопса — эшакдир,
 Давлатлилар эшак минса — от бўлар.

Бир тилак тиласанг, керагинг битмас,
 Дўстинг ихлос билан марҳамат этмас.
 Маъракада айтган сўзинг жой тутмас,
 Тингламаслар, айтган сўзинг ёт бўлар.

Қураш бир обрў-ю, уруш бир дастдир¹,
 Кишини камситган ўзи нокасдир,
 Доноларга вийбат этмак абасдир,
 Ғийбатчининг оқибати ўт бўлар.

Махтумқули, шукр этгил Худога,
 Ўлим баробардир шоҳу гадога,
 Бесабр қул тез йўлиқар балога,
 Сабрли қул бора-бора шод бўлар.

¹ Даст — бу ерда: мартаба, рутба маъносида.

САВОЛ-ЖАВОБ

Махтумқули:

— У нимадир — қизил ва кўк ўсади?
У нимадир — оёғи йўқ босади?
У нимадир — етти дарё кезади?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

Дурди шоир:

— У экинدير — қизил ва кўк ўсади,
У илондир — оёғи йўқ босади,
У балиқдир — етти дарё кезади,
Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!

Махтумқули:

— У нимадир — ёқаси бор, ёни йўқ?
У нимадир — қаноти бор, қони йўқ?
У нимадир — одам ютар, жони йўқ?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

Дурди шоир:

— У кафандир — ёқаси бор, ёни йўқ,
Капалақдир — қаноти бор, қони йўқ,
Қора ердир — одам ютар, жони йўқ,
Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!

Махтумқули:

— У нимадир — дарвозасиз қалъадир?
 У нимадир — деразасиз бинодир?
 У нимадир — бир-биридан аълодир?
 Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

Дурди шоир:

— У кўнгилдир — дарвозасиз қалъадир,
 У қабрдир — деразасиз бинодир,
 У ой-кундир — бир-биридан аълодир,
 Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!

Махтумқули:

— У нимадир — емадилар тўйдилар?
 У нимадир — улуғ кунга қўйдилар?
 У ким эди — товонидан сўйдилар?
 Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

Дурди шоир:

— У дийдордир — емадилар — тўйдилар,
 У намоздир — қиёматга қўйдилар.
 Насимийни¹ товонидан сўйдилар,
 Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!

¹ Улуғ озарбайжон шоири Имоиддин Насимийни (1370—1417) Миср султони Муайяддин даҳрийликда айблаб, тириклайин терисини шилдирган.

Махтумқули:

— У нимадир — етти ўлка кезади?
У нимадир — белин бир зот эзади?
У нимадир — одам каби сезади?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

Дурди шоир:

— У чўпондир — етти ўлка кезади,
У қуюндир — дарахт белин эзади,
Бедов отлар одам каби сезади,
Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!

Махтумқули:

— У нимадир — тупроқ узра суринамас?
У нимадир — одамларга кўринамас?
У нимадир — ҳеч бир тўнга бурканмас?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

Дурди шоир:

— Эранлардир — хор-зор бўлиб суринамас,
У балодир — келса кўзга кўринамас,
Ёлғон гурунг ҳеч бир тўнга бурканмас,
Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!

ЎТИБ БОРАДИР

Бу фоний дунёга кўнгил берганлар
Ишин хато айлаб, ўтиб борадир.
Қуръон очиб, не ҳикоят кўрганлар
Иқболни бир пулга сотиб борадир.

Жафоси кўп фоний, ёлғончи жаҳон,
Мард кўнглида тутар бўлди у макон,
Исо¹ англаб, Луқмон² қилмас ҳеч дармон,
Кўз юмиб, туш билан ўтиб борадир.

Кимлар бу жаҳонда эркига етмиш,
Ким осмонга учиб, ким лойга ботмиш,
Кимсалар молини қайга узатмиш,
Кимлар ҳирси дунё тутиб борадир.

Ғавғодан тинмади кўзларнинг боши,
Кимнинг ёнар бўлди падар, қардоши,
Кимсалар ҳар жойда тайёрлаб ошни,
Кимсалар қўзғалмай, ётиб борадир.

¹ Исо — насроний динининг пайғамбари Иисус Христос. Унинг қўли теккан — силаган ўликка жон кирар экан. Шунинг учун ҳам ул зот ал-масих — силовчи деб улуғланган.

² Луқмон — каёний шоҳ Кайқубод даврида яшаб ўтган машҳур табиб ва донишманд.

Кимлар тожу тахтда фармонлар битиб,
 Кимлар саман миниб, йўлларни ўтиб,
 Кимлар падарини, элин хор этиб,
 Гуноҳ зиндонига ботиб борадир.

Кимсаларнинг чиқмас айлаган зори,
 Кимларнинг тутшиб жонида нори¹.
 Кимларнинг боғида битмиш анори,
 Ҳар тикан танига ботиб борадир.

Кимлар доим сураб бўлди давронни,
 Кимлар ўзин билмай, унутар жаҳонни,
 Кимсаларнинг доим дўзах макони,
 Кимсалар жаннатга етиб борадир.

Кимсалар бош қўшар ажаб жононга,
 Кимса хотин истаб, ўт солар жонга,
 Кимсалар кўз тутиб бойлигу конга,
 Дину имонини сотиб борадир.

Кимсаларга бермас у икки кўзни,
 Кимса бошлай олмас сўзласа сўзни,
 Кимсаларнинг ажаб эмишдир юзи,
 Кимсалар юзини ўртаб борадир.

Кимнинг алам билан оғибдир соли²,
 Кимларни банд этмиш гўзал хаёли,

¹ Нор — ўт, олов.

² Сол — йил, бутун умр.

Кимсалар умрида тотмаган болни,
Кимлар заҳар-заққум ютиб борадир.

Кимсалар ҳақ демас, хатога дўнар¹,
Кимсалар учишар, анчалар қўнар,
Нечалар фарзанди — зурриёти унар,
Анчалар бефарзанд ўтиб борадир.

Кимлар бу дунёда иқбол этмишдир,
Кимса қилган ниятига етмишдир,
Кимса Ҳақни чорлаб, йиғлаб ётмишдир,
Кимса бу дунёни ёритиб борадир.

Кимлар ожиз жонни мол учун ёқиб,
Кимлар кетмиш ватанини тарк этиб,
Кимлар элу дин — иймонни унутиб,
Кимлар уни қойим² тутиб борадир.

Махтумқули, кимса даштларда сарбон³,
Кимса айлар бўлди золимдек фармон,
Кимлар бу дунёда айлаб кўп армон,
Кимлар хандон бўлиб, ўтиб борадир.

¹ Дўнмоқ — айланмоқ, ўзгармоқ, қайтмоқ.

² Қойим — мустаҳкам, барқарор.

³ Сарбон — туякаш, карвонбоши, мажозан: раҳнамо, йўлбош-чи.

БИЛМАДИМ

Фалак менга ғам шаробин бергандан,
 Висол қайси, ҳижрон қайси, билмадим.
 Ҳақ ишига тан бермишман кўргандан,
 Орзу қайси, армон қайси, билмадим.

Банда бўлсанг, кўзла Ҳақнинг ризосин,
 Гар жабр қилса, торта бергил жазосин,
 Ажал бир кун отар тийри¹ қазосин,
 Ипи қайси, камон қайси, билмадим.

Ориф бўлсанг, қулоқ бергил сўзимга,
 Бир суратман, бу кун боқма ўзимга,
 Дунё тубсиз кўринади кўзимга,
 Давр қайси, даврон қайси, билмадим.

Оз умримни кўп савдога сотибман,
 Ўзни билмай, ул дарёга отибман,
 На уммондир, на гирдобдир — ётибман,
 Замин қайси, замон қайси, билмадим.

Ҳар ким кирса у гирдобга, уммонга,
 Бошин олиб чиқа билмас бир ёнга,
 Қадам қўйдим ул саҳрога — майдонга,
 Жон қайси-ю, жаҳон қайси, билмадим.

¹ Тийр — ўқ. Тийри қазо — тақдир ўқи.

Бу дунёни осмондаги ранг билдим,
Жон-жаҳдим-ла хўп олишдим, сўнг билдим,
Энди унинг бори-йўғин тенг билдим,
Фойда қайси, зиён қайси, билмадим.

Махтумқули, йўлнинг олди-орти бор,
Тортар юкинг, ҳар кишининг марди бор,
Юрагимда пинҳон ишқнинг дарди бор,
Дард қайси-ю, дармон қайси, билмадим.



КЕЧДИ ЗАМОНА

Эй оғалар, йиғларман, келди-кечди замона,
 Яхши қадри билинмай, дўнди давр ёмона.
 Ёмон олди жаҳонни, келмас тили имона,
 Кўп фақирлар йиғлашиб, тилар ундан омона,
 Истаги бор, тез вақтда барҳам топса замона.

Не «сафоли» кунмишки, тенг-тўш-ла
бош қўшмаган,
 Бошинг олдинг, қувилдинг, на дўст билдинг,
на душман,
 Эй ёронлар, фойда йўқ, сўнгра этсанг
пушаймон,
 Дунёсига етишмай, ўвил-қизга улашмай,
 Не «хузурли» кунмишки, бўлиб кетсак
девона.

Бормагин хомхаёлга: «Дунёга келган ўлмас»,
 Келган ўтар дунёдан, битта ҳам омон қолмас,
 Жонлар чекиб чақирсанг, тўғри йўлга ҳеч
келмас,
 Ҳар на бўлса ютарлар, ҳалолу ҳаром билмас,
 Дерлар: «Ҳақдир Муҳаммад, ишонамиз
Қурьона!»

Даврон, қандай давронсан, фариб йиғлар, эл
тинмас,
 Золимнинг зулми ортар, кўнглига раҳм инмас,
 Жаҳонни ёқди-кетди, ёмоннинг ўти сўнмас,
 Муҳаммад ҳурматига ер ёрилмас, кўк энмас,
 Чарх бу ишга қувонар, бўлмас охир замона.

Ғофил қолдим, ёронлар, ўз-ўзимдан риштим¹ йўқ,
 Ҳақдан бошқа ҳеч ерда паноҳим йўқ, пуштим²
йўқ,
 Фикр баҳрига ботдим — елканим йўқ, киштим³
йўқ,
 Махтумқули, чиқмоққа яйловим йўқ, даштим йўқ,
 Қўлим берсам, тутар йўқ, тушдим тубсиз уммона.



¹ Ришта — ип, тор, таноб.

² Пушт — орқа, мажозан: ҳомий, суянчиқ.

³ Кишт — кема.

НАЙЛАЙИН

Кўнглим истар, кезсам экан оламни,
 Қанотим йўқ, учолмайман, найлайин!
 Ўқийман, кўраман барча каломни,
 Маъносини ечолмайман, найлайин!

Кўшлар унда ғаввос¹ бўлиб сузарлар,
 Менга аён — халқдан пинҳон кезарлар,
 Гул бодада гулгун² шароб эзарлар,
 Қўл узатиб ичолмайман, найлайин!

Уй тошиндан шароб исин нўш³ қилдим,
 Кетди ақлим, ўзим билмай жўш қилдим,
 Маст бўлдим-у, дарчасига дуч келдим,
 Рухсат бўлмай очолмайман, найлайин!

Йўл йўқотдим: тоғ қайси-ю, туз қайси?
 Уқмас дилим: маъно қайси, сўз қайси?
 Фаҳмим етмас: йўл қайси-ю, из қайси?
 Умид узиб қочолмайман, найлайин!

Махтумқули, бу дунёнинг номусин,
 Йиғиб-туғиб, елга бердим ҳаммасин!
 Фикр дарёсига ақлим кемасин —
 Ботирмишман, чиқолмайман, найлайин!

¹ Ғаввос — сувга шўнғувчи, сув остида дур изловчи киши.

² Гулгун — гулранг, пуштиранг, қизил.

³ Нўш қилмоқ — ичмоқ.

РОЙГОН АЙЛАДИ

Қайғу-ғамда азиз умрим сўлдириб,
 Шум фалак азобим ройгон¹ айлади.
 Ёзган китобларим селга олдириб,
 Қўзларим йўлида гирён айлади.

Фафлатда у душман олди элимни,
 Тарқатди ҳар ёнга дўсту тенгимни,
 Беш йил бўйи ёзган китоб-шеъримни
 Қизилбошлар² олиб, вайрон айлади.

Бир нечамиз қўли боғлиқ қул бўлиб,
 Нечалар пиёда сарғайиб-сўлиб,
 Кимни бериб, унинг баҳосин олиб,
 Ҳар кимга белгили баҳо айлади.

Шум фалак азобин менга билдирди,
 Йиғламоқдан гул юзларим сўлдирди,
 Қўлөзма китобим селга олдирди,
 Душманимни Жайхун дарё айлади.

¹ Ройгон — муфт, текин. Бу ерда: беҳадду беҳисоб маъносида.

² Қизилбошлар — Эрон сипоҳийлари. Бошларига қизил салла ўраб юрганликлари учун шундай аталганлар.

Нечалар дунёда бўлди бир киши,
 Нечанинг томоғин тўйдирмас оши,
 Нечанинг мотамдан қутулмас боши,
 Кеча-кундуз вовайлато¹ айлади.

Қуйдирар шум фалак жабру жафоси,
 Инонманг, ёлғондир аҳди вафоси,
 Махтумқули, йўқ бу сўзнинг хатоси,
 Фалак алиф² қаддим дуто³ айлади.



¹ Вовайлато — афсус-надомат.

² Алиф — араб алифбосининг биринчи ҳарфи. Тик ва тўғрилиги жиҳатидан баланд, узун, келишган қадди-қоматга нисбат берилади.

³ Дуто — эгилган, букилган, хам.

БЎЛДИМ

Ишқ дарёси тўлди, тошди, қайнади,
 Яна хуруж айлаб, кезмоқчи бўлдим.
 Кўнглим тахти мавж устида ўйнади,
 Унда ғаввос бўлиб сузмоқчи бўлдим.

Туш кўриб ётардим, сесканиб турдим,
 Ишқ бир мушкул ишдир, ўқидим, кўрдим,
 Шавқин ширин билдим, бу йўлга кирдим,
 Энди чора йўқдир, тўзмоқчи бўлдим.

Ёрнинг ели эсди, ўзи гизланди¹,
 Умид кўлин керди, шунга кўзланди,
 Ҳижрон кучи ошиб, ғами тезланди,
 У қозонда қайнаб, қизмоқчи бўлдим.

Йўлда кўриб қолдим кўзи жодуни,
 Қаладим қўл билан ишқнинг ўтини,
 Кўнгил кўзгусига ёрнинг отини —
 Сураткашлик этиб, чизмоқчи бўлдим.

Бу фикрдан, бу хаёлдан тош² бўлиб,
 Нафсу ҳаво макридан мен бўш бўлиб,
 Ул бозорда ишқ — қароқчи дуч бўлиб,
 Бутун жондан умид узмоқчи бўлдим.

¹ Гизланмоқ — яширинмоқ.

² Тош бўлиб — узоқ бўлиб.

Қона-қона ичдим дўстнинг захрини
 Заҳрин шифо билсам, солмас меҳрини,
 Танада қурилган кўнгил шаҳрини —
 Ишққа навкар бўлиб, бузмоқчи бўлдим.

Махтумқули, у манзилга, диёра
 Қирган қайтиб чиқа олмас канора¹.
 Ёронлар, бу дардга борми бир чора?
 Қоврилиб-ўртаниб кезмоқчи бўлдим.



¹ Канор — чет, қирғоқ, бурч, ён, қуён.

ЭЙ ДҮСТ

Сенсиз кўзимга ҳаргиз кўринмас жаҳон, эй дўст,
На жаҳон, балки танда гар бўлса юз жон, эй дўст.

Дўстларингга бу феълинг бевафолик эмасми?
Жонга жабринг орттирдинг очганда забон, эй дўст!

Улки рухсоринг кўриб, кўнгил қақдиндан яра,
Жон бермай қутулмоқ йўқ ҳеч унга имкон,
эй дўст.

Васлингга умид тутган узмиш кўнглини жондан,
Кўзинг — жаҳон жаллоди, қошингдир камон,
эй дўст!

Дастури замон будир: мазлумларга лутф этгил,
Шавқинг¹ ўти авж олса, бергайсан омон, эй дўст!

Умидли ошиқларга² васл³ умидин манъ эттинг,
Ошиқларга жабр ундан бўлмагай осон, эй дўст!

¹ Шавқ — Ҳақ ва солиқ ўртасидаги яқинликнинг кучайиши, иштиёқ ва истак ғалаботидан қалбнинг сурурга тўлиши.

² Ошиқ — илоҳий жамол ва камолга ошуфта бўлиб, тамоми жидду жаҳд билан Ҳақ таолони изловчи киши.

³ Васл — маҳбубга етишиш, ҳақиқий ваҳдат. Шайх Шиблийнинг айтишича, дунё ва охиратдан кечган киши васлга эришади.

Махтумқули — бир махлуқ⁴, мен — ошиғу
сен — маъшуқ,
Гар десанг, керагинг йўқ, борайин қаён, эй дўст?



⁴ Махлуқ — яратилган; одам, бу ерда: банда маъносида.

ТЎҒРИСИ

Эшит, пари, ошиқ бўлдим
 Мен аввал-бошдан, тўғриси.
 Бир йўл кўрмай мойил бўлдим
 Кўз билан қошдан, тўғриси.

Кўнглимнинг хуш чоғи сенсан,
 Бутун олам шоҳи сенсан,
 Етти фалак моҳи¹ сенсан,
 Сел оқди ёшдан, тўғриси.

Юзинг Зулайхонинг кўрки,
 Айланар фалакнинг чархи,
 Билдирмас одамнинг фарқи
 Синовда ташдан, тўғриси.

Қиз олинар қалин билан,
 Одам сўлар зулм билан,
 Насибадир ўлим билан,
 Тинар ташвишдан, тўғриси.

Тиллар яхши-ёмон сочар,
 Ҳар кишидан даврон кўчар,
 Номард йигит айбин очар,
 Сездириб тишдан², тўғриси.

¹ Моҳ — ой.

² Тиш — бу ерда: ташқи кўриниш.

Кундузга кун, оқшомга ой,
 Дарё лаби хушманзил жой,
 Ичар бўлса ҳар киши май,
 Кетармиш хушдан, тўғриси.

Гап-сўзлардан бало келар,
 Яхши-ёмон бари билар,
 Биров йиғлар, биров кулар,
 Кун чиқар чошдан¹, тўғриси.

Йўлбарс гурлар сой ичида,
 Қуртлар юрар лой ичида,
 Ғариб бўлса бой ичида,
 Оқарар сочдан, тўғриси.

Гар, Фироғий, ҳамроҳ бўлсанг,
 Ночорларнинг кўнглин олсанг
 Яхши билан ўйнаб юрсанг,
 Айрилмас хушдан, тўғриси.



¹ Чош — чошгоҳ вақти.

КЕРАКМАС

Фалак, менга мол берарсан, ул ганжу кон
керакмас,
 Гўзал ёрим кўрмасам гар, фоний жаҳон керакмас.

Боққа кириб, найлайин мен қулф урган
анбарини,
 Булбулим есир қилибсан, гўзал райҳон керакмас.

Элим-юртим хору зордир, келсин давлат
лашкаринг,
 Динни бекор айлабсан-ку, ажаб, Қурьон
керакмас.

Бизнинг элнинг шоҳ-гадоси, фалак, сенга юк бўлар,
 Ҳар ким ўзига султондир, хону султон керакмас.

Бу заминни ларзон¹ қилиб, осмон, жунбуш
айладинг,
 Охирзамон сари сурдинг, моҳитобон² керакмас.

Мажлис қилар бўлди бу кун элу юртнинг
барчаси,
 Келмагин сен, бас, бош қўшиб, бизга меҳмон
керакмас.

¹ Ларзон — қалтираган, титраган.

² Моҳитобон — порлоқ ой.

Қилгил умримизни зиёд, даркор эмас бошқаси,
Бу ажойиб чоғларимда ажал паймон¹ керакмас.

Чарх устида бино қилиб, бизларни сен
жойладинг,
Қойил бўлай бу жойингга, аммо гардон²
керакмас.

Ҳар кимга сен бахш этибсан яхши-ёмон бир
гулни,
Ул гуллардан бошқа бизга соҳиби жон керакмас.

Махтумқули, сен сўзлагил, дейди мардлар
мажлиси,
Сен бахшисан бу мажлисда, бошқа дoston
керакмас.



¹ Ажал паймон — ажал паймонаси демоқчи.

² Гардон — айланиш, сайру ҳаракат.

ЕТМАС

Йўқчиликдан нечаларнинг даврони
 Ётиб кўрган яхши тушига етмас.
 Нечалар ҳасратда топадир нонни,
 Бир лаззатли таом тишига етмас.

Сўрар бўлса, сийнам ичра сўзлар бор,
 Минг тумандан¹ яхши неча юзлар бор,
 Ёмғирсиз-ғиёҳсиз неча ёзлар бор,
 Хушлик билан кечган қишига етмас.

Донолар бор, бошга боғлаб кечарлар,
 Гар дилдан сўрасанг, маъни сочарлар,
 Аҳмоқликда ўзин безаб нечалар,
 Бошига ўраган пешига² етмас.

Ўфил-қиз ранжитса она-отасин,
 Тавба қилмай, Тангрим кечмас хатосин,
 Даврон келса, билмас на иш тутасин,
 Ҳар кимнинг бир иши бошига етмас.

Нечалар мол топмас, тангдаст³ бўлар,
 Нечалар бор, бойлигидан маст бўлар,

¹ Туман — ўн минг.

² Пеш — бу ерда: салланинг учи.

³ Тангдаст — қўли қисқалик.

Нечалар бор, йигитликда нест¹ бўлар,
Нечалар бор, сурган ёшига етмас.

Махтумқули, гарчи ишим намоздир,
Кўнглим паришондир, саҳвим² дароздир³,
Одам бор, минг туман едирсанг оздир,
Одам бордир, еган ошига етмас.



¹ Нест — йўқ.

² Саҳв — хато, янглиш.

³ Дароз — узун. Бу ерда: кўп, беҳад маъносида келаяпти.

УНДИРАДИ

Кимёни¹ тупроққа сочсанг,
 Тупроқдан зар ундиради.
 Яхши ерга уруғ сепсанг,
 Юз баробар ундиради.

Яхши-ёмон бўлмас маълум,
 Ҳар ким билганига олим,
 Жаҳонга ўт қўйиб золим,
 Йил-йилдан шарр ундиради.

Яхши йигит йўл йитирмас,
 Жаҳди қисматдан кетирмас,
 Минг қайғу бир иш битирмас,
 Таваккал нар² ундиради.

Бераринг бўлса ҳар қайда,
 Кўрган сенга бўлар банда,
 Бадқилиқ одам ёнида
 Яхшилиқ эр ундиради.

Махтумқули, сўзлар сўзда,
 Файрат отда, ҳаё кўзда.
 Йил-йилдан бу юргимизда
 Зулм ортиб, зор ундиради.

¹ Кимё — бу ерда: ўғит маъносида.

² Нар — эркак, мард.

БЎЛАРМИ?

Телба кўнглим, бир насиҳат айлайин,
 Жон демагил, бундай жонон бўларми?
 Бир сўзни ўринлаб сўзлай билмаган,
 Одам деган шундай инсон бўларми?

Мутеъ бўлиб, ўз ўрнини тутмаган,
 Гавҳар олиб, бозорида сотмаган,
 От миниб, тўн кийиб, беклик этмаган,
 Эл қадрин билгувчи султон бўларми?

Одам бордир, одамларни буздирар,
 Шайтон бўлиб, тўғри йўлдан оздирар,
 Хатинг, сўзинг кўча-кўйда кездирар,
 Жирканч улар, бунга гумон бўларми?

Махтумқули айтар: бу сўзим чўғдир,
 Мен ажаб этарман, ҳеч айби йўқдир,
 Китоб уққан қуллар маънида тўқдир,
 Уларнинг қалбида шайтон бўларми?



КҮЗ КҮРМАГАН ЕРДА

Иzzат-хурмат ҳеч кутмагин
 Аввал кўрилмаган ерда.
 Оқил бўлсанг, сўз айтмагин
 Навбат берилмаган ерда.

Ақли яхшилар унутмас,
 Қуруқ ёғочга барг битмас,
 Ақлли эр маскан тутмас
 Хулқи севилмаган ерда.

Кўмилган ариқ ҳеч оқмас,
 Бангидан ҳеч карам чиқмас,
 Ит кўзламас, мушук боқмас —
 Сочоқ¹ ёзилмаган ерда.

Хирмон қолса, чорга² дўнар,
 Гул очилса, зарга дўнар,
 Хизмат этмоқ хорга дўнар
 Қадринг билинмаган ерда.

Номард қўш устида ҳорар,
 Тўймас ош устида гурлар³,
 Уруш қилиб, қилич тортар
 Душман кўринмаган ерда.

¹ Сочоқ — дастурхон.

² Чор — бу ерда: янчилмаган дон.

³ Гурлар — гуриллар.

Уй ичида хорга¹ дўнар,
 Муханнас бир норга дўнар,
 Тулки, қашқир шерга дўнар,
 Уруш қурилмаган ерда.

Фаросат қил кўриб ақл-ла,
 Мард йигитнинг сўзин ҳақла,
 Махтумқули, тилинг сақла,
 Сўроқ сўралмаган ерда.



¹ Хор — тикан, хас, хашак.

ИККИ БЎЛСА АЁЛИ

Ҳар кишининг икки бўлса аёли,
Кеча-кундуз иши қилу қол¹ бўлар.
Ҳар бирининг бордир юз минг хаёли,
Оши заҳар, нони ҳам увол бўлар.

Бирин севиб, бирин қўйса у ночор,
Шундоқ расво бўлиб, ўз айбин очар,
Ақли ҳайрон бўлиб, боридан кечар,
Тенг тутмаса ёрин, бекамол бўлар.

Гоҳи булбул каби сайрар тиллари,
Томошага ҳозир этар элларни,
Гоҳи тизин муштлар, гоҳи ерларни,
Эрини кўрса у тилсиз, лол бўлар.

Зарда қилиб, келмас бўлса ёнига,
Сўз айтмаса ҳар бирининг шаънига,
Бундай эр қўшилмас одам сонига,
Икки хотин, бир эр — уч аёл бўлар.

Махтумқули, кимса билмас ботинни,
Уйлансангиз, қараб олинг зотини,
Эгам кўрсатмасин ёмон хотинни,
Одам ўзин билмас, хомхаёл бўлар.

¹ Қилу қол — жанжал, тортишув, баҳс, мунозара.

БҮЛМА

Кел, кўнглим, мен сенга насиҳат қилай,
 Ватанни тарк этиб кетувчи бўлма.
 Ўзингдан паст бўлган ғайир, номарднинг
 Хизматида қуллуқ этувчи бўлма.

Оқмасдан қолмайди бир оққан ариқ,
 Бир танда одам гоҳ семиз, гоҳ ориқ,
 Бир юзи қорадир, бир юзи ёруғ,
 Қора деб қаттиқ сўз айтувчи бўлма.

Яхшилардан ҳаргиз чиқмас ёмонлик,
 Асли ёмон бўлса, чиқмас омонлик,
 Аслига тортади чопқир, чаманлик¹,
 Чопқирни чаманга сотувчи бўлма.

Агар сен хабарсиз бир ерга борсанг,
 Хурматин айлагин ўтирсанг-турсанг,
 Бир насиҳат берай пандимни олсанг:
 Киши ошин тузин тотувчи бўлма.

Чақирган ерга бор, ўтир-да, турма,
 Чақирмаган ерга борма, ўтирма,

¹ Чаман — секин юрадиган ялқов от.

Уятсиз одамдек суйканиб юрма,
Буйрулмаган ишни этувчи бўлма.

Агар бўлсанг ипак каби мулойим,
Мулойим сен бўлсанг, қулинг бўлойин,
Қулоғимга берган пандинг олойин,
Кишига қаттиқ сўз айтувчи бўлма.

Кўкдан нам тушмаса, кўкат кўкармас,
Йиғласа, минг қайғу бир иш битирмас,
Эр йигит кўнглига қайғу кетирмас,
Номарднинг ўғлидек қочувчи бўлма.

Мард ўғлидир элга ёзар дастурхон,
Тўғри сўз устида берар ширин жон,
Умрини ўтказар, айтмайди ёлғон,
Жаҳд айлаб, ёлғон сўз айтувчи бўлма.

Ўқур бўлсанг, ўқ ур нафсинг кўзига,
Чин кўз билан қара китоб юзига,
Алданиб, кирмагил шайтон сўзига,
Яхшилиқни ҳеч вақт қўювчи бўлма.

Агар енгил бўлсин десанг овирлар,
Ёмон сўзлаб, офритмагил бағирлар,
Йўлиқса кўзингга гунгу сағирлар,
Уларнинг ҳолига кулувчи бўлма.

Топсанг-да дунёда мулки Искандар¹,
 Қоруннинг² моли ҳам бўлса муяссар,
 Охири бўларсан ерга баробар,
 Кўнглингда манманлик сотувчи бўлма.

Мақол бор: йиртиқ тўн кўрса, ит қопар,
 Феъли ёмон банда Худодан топар,
 Охири бир куни қиларсан сафар,
 Тор кўнгиллик ишни этувчи бўлма.

Агарчанд бўлсангки, соҳиби мансаб,
 Сўзин тингла, адолатни бўл тенглаб,
 Сўз топсанг сўзлагил, топмасанг бўл хаб³,
 Қўлдан келмас ишни этувчи бўлма.

Қарилик келгуси бир кун офати,
 Йигитнинг кетгуси бир кун қуввати,
 Фанимат бил, вифил одам, фурсатни,
 Ўликдек узалиб ётувчи бўлма.

Мақсад: бу сўзларга бергил эътибор,
 Чин одамга ҳар вақт одамлик даркор,

¹ Искандар — Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский).

² Қорун — Мусо пайғамбар даврида яшаган, ҳад-ҳисобсиз бойлигини хайрли ишларга сарфламай, хасисликда ном чиқарган шахс. Бу такаббур кимсани охир-оқибат бутун мол-дунёси билан бирга ер ютган. У Шарқ адабиётида ҳарислик ва хасислик тимсоли ҳисобланади.

³ Хаб бўлиш — жим бўлиш.

Ўйламай сўзлама, «томда қулоқ бор»,
Ич сириг кишига айтувчи бўлма.

Тонг отарда сўфи айтади азон,
Бузилмасмиш ҳаргиз қисматда ёзган,
Йигитлик бўстондир, қарилик хазон,
Бўстонни хазонга сотувчи бўлма.

Китоб очиб ўқиганни мулла дер,
Кўқарар ёмғирнинг суви билан ер,
Олқишу фотиҳа, дуо билан эр,
Мазлумга ситамлар қилувчи бўлма.

Давлатли ўфиллар ёшда бош бўлар,
Яшаганда, бадавлатлар ёш бўлар,
Раҳмсиз золимлар бағри тош бўлар,
Борар ерга кесак отувчи бўлма.

Эр йигитда молу давлат пур¹ бўлар,
Қамчиси қўлида, ёмон зўр бўлар,
Маърака кўрмаган йигит хўр бўлар,
Бўлар-бўлмас сўзни айтувчи бўлма.

Эй кўнгил, кел, энди Ҳақни топайлик,
Насиба отини миниб чопайлик.
Дейдилар: Ҳақ эмиш меҳру вафолик,
Ҳаргиз ўз сўзингдан қайтувчи бўлма.

¹ Пур — кўп, тўла.

Мен айтдим бир неча панду насиҳат,
 Билсанг насиҳатдир, йўқса фасиҳат¹,
 Фасиҳат билмагил, барча насиҳат,
 Ёлфон-яшиқ сўзни айтувчи бўлма.

Махтумқули, кўнглингдадир кўп армон,
 Топмадинг оқибат дардингга дармон,
 Етишар бир куни Ҳақдан бу фармон,
 Фафлат тўшагида ётувчи бўлма.



¹ Фасиҳат — бу ерда: шунчаки чиройли, ялтироқ сўз маъносида.

ЕТМИШ ЁШЛИ ҚАРДОШ

Етмиш ёшли қардош, ишонма ёйга,
 Ўқинг йўлга тушмас хезлатмоқ билан.
 Қувонма кесакдан бўлган бинога,
 Кесак бино бўлмас тузатмоқ билан.

Одамзотдан чиқар одамлик иси,
 Муттаҳамнинг дарҳол чиқади миси,
 Дилозор бўлади одамнинг песи,
 Дўниб, даъво бошлар туз-намак билан.

Узоқ йўлга беҳимматни бош этма,
 Эркни қўлдан бериб, қалбни тош этма,
 Аҳмоққа алданиб, сиринг фош этма,
 Галвирда сув турмас беркитмоқ билан.

Дўст тутма қартайган одам кўсасин,
 Борин йўқ деб, кўрсатади киссасин,
 Худойим бўш этса ақлинг косасин,
 Не фойда ташидан безатмоқ билан.

Аввал, Махтумқули, ўзинг тузатгил,
 Ўзингни сен ўзгаларга кўз этгил,
 Оз егил, оз ётгил, сўзинг оз этгил,
 Не бор бемаъни сўз узайтмоқ билан.

ДУНЁ

Тирноғи темирдан — талончи дунё!
 Ишинг йўқдир номус билан, ор билан.
 Жабру жафоси кўп, ёлғончи дунё!
 Қўймассан кезмакка ёрни ёр билан.

Муҳаббат важдан ёр бир кел деса,
 Талабингни сўраб, мёндан ол деса,
 Бир кун турдинг, бу кеча ҳам қол деса,
 Қадам қўйсанг оёқ ўрнига сар¹ билан.

Эсанча авж этар дунёнинг ели,
 Қасд этса, қуритар дарёи Нилни,
 Бир кун маст этиб, гангитар филни,
 Бир кун тенг қиларсан пашша, пар билан!

Заминнинг устида тоғлар чекарсан,
 Томошабин бўлиб, тикка чиқарсан,
 Ҳар нарсани бир ваз билан ёқарсан,
 Жилғани кун билан, тоғни қор билан.

Термулиб, дод этсам, қўлим тутмассан,
 Йиғлаб ёш тўкканга ҳеч раҳм этмассан,
 Жон матосин олсанг, қайтиб сотмассан,
 Қайта олиб бўлмас тўккан зар билан.

¹ Сар — бош.

Лайли учун не жабр этдинг Мажнунга?
Золим, инсоф айла бу ноҳақ хунга¹.
Кунда қирқ от безаб бердинг Қорунга,
Исони қўлладинг ёлғиз хар² билан.

Махтумқули айтар: ишинг талондир,
Бу навбат кўшлардан келиб қолгандир,
Эътиборинг йўқдир, сўзинг ёлғондир,
Дўст қўймадинг, яксон эттинг ер билан.



¹ Хун — қон.

² Хар — эшак.

БОРМИШ

Кимлар омонат топшириб,
 Кимлар молини ошириб,
 Кимсалар фикрин шошириб,
 Кимлар уйин қуриб бормиш.

Кимлар ўзини олдирмай,
 Дардини элга билдирмай,
 Кимлар қўлини индирмай,
 Кимнинг қўли тушиб бормиш.

Кимлар тоққа чиқар бўлди,
 Кимлар уни йиқар бўлди,
 Қуриган ариқ оқар бўлди,
 Оққан ариқ қуриб бормиш.

Кимлар насиҳат олмай,
 Элга маслаҳат солмай,
 Кимлар ердан туролмай,
 Қанчалар ҳориб бормиш.

Катта-кичик, ушоғи,
 Белида ип белбоғи,
 Кимнинг иқбол эшаги,
 Ҳар қайда юриб бормиш.

Қанчанинг етмас тузи,
Уялмас келин, қизи,
Кимларнинг боғлиқ кўзи
Жаҳонни кўриб бормиш.

Фалак мендан бож олиб,
Кимлар барин хач олиб,
Махтумқули кексайиб,
Ишидан қолиб бормиш.



ҚОЛМАС-О

Кўрсам, дилбар, жамолинг, ихтиёрим қолмас-о,
 Кўрмас эсам бир муддат, ҳеч қарорим қолмас-о,
 Висолинг умидига эътиборим қолмас-о,
 Бўлмаса васл умиди, куч-мадорим қолмас-о!

Гар иноят бўлмаса, очилгайми йўлимиз,
 Доимо бўлмас очиқ бу тутқун иқболимиз,
 Жабр ила бемор бўлиб, паришондир ҳолимиз,
 Раҳм этиб сен сўрмасанг, бошқа ёрим қолмас-о!

Ҳасратингда қолмишман ожиз, ғариб банда ман,
 Фарқини билмам ўзим, айвон ё вайрондаман,
 Кимса фаҳм этмас дардим, бўлмишман дармонда
 ман,
 Соғинар ўлмай туриб, танда жоним қолмас-о!

Гўё байт ул-аҳзандир¹, шод келган ғамнок² бўлар,
 То ҳаётман дунёда, сийнам сен деб чок бўлар,
 Суратим сурат бўлмай, суяқларим хок³ бўлар,
 Ўлганда маҳшар куни, оҳи-зорим қолмас-о!

Гарчи бу Махтумқули мойили нафсу ҳаво,
 Борлигинг ҳаққи учун ҳожатим қилгил раво,
 Ҳожатим сендан раво бўлмас эрса, муддао,
 Бундан маълумдирки, ҳеч ғамгусорим⁴ қолмас-о!

¹ Байт ул-аҳзан — қайғу уйи, ғам қулбаси; мажозан дунё.

² Ғамнок — ғамгин, қайғули.

³ Хок — тупроқ, қум.

⁴ Ғамгусор — ғамхўр, меҳрибон.

ЭЛИНГНИ

Кел, кўнгил, мен сенга ўгит берайин:
 Йироқ қилма кўрар кўзинг — элингни.
 Қимматин кеткизма, ўрнида сўзла,
 Раво кўрма ҳар нокасга тилингни.

Бир сўз десанг, ўйла аввал ошофин¹,
 Ҳурматлагин гўзал элнинг ушофин²,
 Ечиб қўйма, маҳкам боғла белбофинг,
 Керак бўлур, яхши сақла белингни.

Чақирмаган жойда кўринма, борма,
 Одамсан, сўфининг юзини кўрма,
 Фикр-зикринг дунё молига берма,
 Қорунга ўхшатма асло феълингни.

Сўзига бер жавоб ҳар ким сўраса,
 Ўзингни узоқ тут номард ёндошса,
 Бир мискин термулиб, йиғлаб қараса,
 Баҳолама, текин бергин молингни.

Кўрқма номардларнинг кўп деб сонидан,
 Қора кўрса, бари кечар жонидан,
 Йўлин топсанг, сира ўтма ёнидан,
 Бахиллардан йироқ айла йўлингни.

¹ Ошофи — охири, оқибати.

² Ушофи — кичиги.

Ақллилар кўндир, ақл ишлатган оз,
 Тотма шароб, оздиради шароб боз¹,
 Мард кўнглида доим баҳор билан ёз,
 Мажнун дарё ичра солма солингни.

Махтумқули, ақлим бошимдан учди,
 Иқболим тубандир, давлатим кўчди,
 Пир-қозилар пора сўраб қўл очди,
 Ҳаром қилгил, аммо берма пулингни!



¹ Боз — яна, тагин.

ЁЛҒИЗНИНГ

Оғалар, дунёнинг поёни бўлмас,
 Бошга иш тушганда қариндош келмас,
 Маърака ўйнаб, ҳеч кўнгли тўлмас,
 Армон билан кечар йили ёлғизнинг.

Ҳеч ёлғиз йигитнинг билинмас иши,
 Қўлида мол бўлмас, кўнглида хуши,
 Ёстиқ қўйиб ётса, оғриси боши,
 Кўзида қонли ёш тўла ёлғизнинг.

Якка, етим қайғу-ғамдан қутулмас,
 Мажлислар қурилса, оти тутилмас,
 Унинг учун ҳеч бир ташвиш қилинмас,
 Қайғудир, кулфатдир ҳоли ёлғизнинг.

Гар бой ўлса, дарров элга аёндир,
 Ғариб ўлса, унинг уйи вайрондир,
 Бу ишларга ақлу хуши ҳайрондир,
 Қўшилибдир шундай йўли ёлғизнинг.

Махтумқули, ёлғон-яшиқ сўзлама,
 Нуқсонинг ичидан хайр кўзлама,
 Кўнгилдаги дардингни айт, гизлама,
 Эл-улусдир¹ дўсти-ёри ёлғизнинг.

¹ Улус — халқ, эл, омма.

ЗАМОН БЎЛМАДИ

Ким ғам тортди, ким йиғлади, ким қулди,
Ишратли бир гўзал замон бўлмади.

Кимнинг бахти ётди, кимники турди,
Ҳеч кимга ишратли даврон бўлмади.

Кимнинг соли уйғун — уммонда оқди,
Кимлар арз айлади, ким хонга боқди,
Анчалар номига Гўрўғли тақди,
Ор-номуси бўлган полвон қолмади.

Кўр бўлди муллалар, ёпилди йўллар,
Титрашар Қуръонга етмасдан қўллар,
Рустам, Зол¹ бўлибдир озган аёллар,
Эрга содиқ бўлган жувон қолмади.

Ақли борлар тутди ўзин канорга,
Ғариб тушиб қолди чиқмас озорга,
Қўлин боғлаб, шовқин солди бозорга,
Эл ичида ҳолин сўрган бўлмади.

Махтумқули, четга тортгин ўзингни,
Аниқ бил, ўярлар икки кўзингни,
Тинглар йўқдир, зоеъ қилма сўзингни,
Энди сендан хабар олган бўлмади.

¹ Рустам — «Шоҳнома» қаҳрамони. Зол — Рустамнинг отаси.

ЁНИДА

Яхшилиқни пес билмас,
Эр ёнида билинар.
Кўрар кўзнинг қиммати
Кўр ёнида билинар.

Телба кўнгил таянчи,
Йўқдир дунё ишончи,
Соғ қулоқнинг қувончи
Кар ёнида билинар.

Агар чолсан, агар ёш,
Қилма сиринг халққа фош,
Сир сақлаган маҳактош¹
Зар ёнида билинар.

Бу дунёнинг муроди,
Оту аёл, зурриёти,
Арвананинг² қуввати
Нор³ ёнида билинар.

Бўлса ғамдан халосим,
Ёзга дўнса қиш фаслим,
Махтумқули, ихлосим —
Ёр ёнида билинар.

¹ Маҳак — олтин-қумушнинг сифатини аниқлайдиган синов тоши.

² Арвана — туянинг бир тури.

³ Нор — бир ўрқачли эркак туя.

САФО БЎЛУР

Яхши билан бўлсанг ҳамроҳ,
Ишинг завқу сафо бўлур.
Йигитликда қилсанг тавба,
Кўп дардингга даво бўлур.

Ёмон қўшни чопар қайта,
Йиқилсанг-да, тепар қайта,
Сендан айб топар қайта,
Бошингга бир бало бўлур.

Қаранг ўзин мақтаганга,
Раҳм этмас туққан туққанга,
Салласи ўхшаб сўғанга¹,
Ҳар ўтган бир мулло бўлур.

Кўринг қудратли нишонни,
Оғиздан сўз бўшатгани,
Охират вақтнинг нишони
Бадасл кадхудо² бўлур.

Одам яхшиси олимдир,
Амал этмаса золимдир,
Менинг зийнатли молимдир,
Хоки бир кун адо бўлур.

¹ Сўған — пиёз.

² Қадхудо — эр, оила бошлиғи; оқсоқол, ҳукмдор.

Муханнас ўғли ҳар ерда
Ўзини қўяр кўп дарда,
Ишинг тушганда бир марда,
Ёмон кунда паноҳ бўлур.

Кўринглар, қандай замона:
Яхши қўшилди ёмона,
Мард йигит минса чамана,
Ваҳмага мубтало бўлур.

Замона яқин келганда,
Фарқ бўлмас чин ва ёлғонда,
Ҳақ қаноатинг олганда,
Наволи бенаво бўлур.

Фироғий сўзлар тилидан,
Номусин бермас қўлидан,
Қиёс этинг қиз-келиндан,
Йил-йилдан беҳаё бўлур.



ЎХШАР

Овул четидаги тепа
 Эгарланган отга ўхшар.
 Ярамас эрлар зар билан
 Битган хунук хатга ўхшар.

Бу дунё бир тубсиз дарё,
 Фарқ этар, бўлма бепарво,
 Мағрурланма, фоний дунё
 Кезикли навбатга¹ ўхшар.

Қардошсизга қувват йўқдир,
 Ўвилсизга давлат йўқдир,
 Хотинсизга ишрат йўқдир,
 Хуш кунинг ҳасратга ўхшар.

Ёмондан асло сад² бўлмас,
 Асло яхшилар бад бўлмас,
 Мол ўзидан давлат бўлмас,
 Ўвил чин давлатга ўхшар.

Ётган ери — илон қўйни,
 Осилгани — итнинг бўйни,

¹ Бу ерда: навбати билан айланадиганга ўхшайди маъносида.

² Бу ерда: кўнаймас, юз бўлмас маъносида.

Расво эрнинг хўб¹ хотини,
Дури беқимматга ўхшар.

Махтумқули, номуродман,
Эллар хушдир, мен ношодман,
Сўз маъносин уқмас одам
Думи кесик итга ўхшар.



¹ Хўб — яхши, гўзал, афзал.

КЕЛГАН ҲАМ БОРДИР

Кунда юз минг кўч бўлса у дунёга,
Шунча бу дунёга келган ҳам бордир¹.
Юз минг аҳмоқ бўлиб, кетса раъйига,
Юз минг ўзин йўлга солган ҳам бордир.

Юз минг дарвеш кўксин доғлаб ўтирар,
Риёзатда² белин боғлаб ўтирар,
Неча ерда, кўрсанг, йиғлаб ўтирар,
Юз минг ерда беғам кулган ҳам бордир.

Сайрон этсанг бу дунёнинг тўрт бурчин,
Қоришибдир ҳалол, ҳаром, арвоҳ, жин...
Нечалар мўлжаллаб йўл кетарлар чин,
Неча минг юз гумроҳ бўлган ҳам бордир.

Бемаслак айёмлар, англамас эрлар,
Сўрашган бўлсайди — сочардим дурлар.
Қани у Сулаймон³, Рустамлар, шерлар?
Деманг писиб қочиб қолган ҳам бордир.

¹ Бу ерда шоир ҳар куни у дунёга қанча киши кўчса, шунча киши туғилади ҳам демоқчи.

² Риёзат — тариқат йўлига кирган солиқнинг хулқини гўзаллаштириш ва ўзини камолотга етказиш йўлида чекадиган ранжу машаққатлари.

³ Сулаймон — пайғамбар ва подшоҳ. Унинг мол-мулки беҳисоб бўлганлигидан ташқари, қушлар, инсу жинслар тилини ҳам билган. Қўлидаги узуги (Сулаймон хотами) жуда катта сеҳрли кучга эга бўлган.

Махтумқули, дилга қайғу кетирма,
У бир иш вақтида ўзинг йитирма,
Сўзим англаган йўқ деб жим ўтирма,
Жаҳон кенгдир, чандон билган ҳам бордир.



ДУНЁ ҲЕЙ

Сув юзида сузган неча кемани,
 Бир кун афдарарсан солни, дунё ҳей!
 Одам ўғли бормас бўлса кетингдан,
 Бунда деб алдарсан молни, дунё ҳей!

Кимса билмас — қачон тугайди даминг,
 Қабр бўлар бир кун босган қадаминг,
 Даврон гардишида вофил одамнинг
 Устидан соларсан йўлни, дунё ҳей!

Хабарсиз келарсан, ёқа тутарсан,
 Яхши айлаб, ёмон айлаб ўтарсан,
 Бир кун ошимизга оғу¹ қотарсан,
 Хўб алдаб берарсан болни, дунё ҳей!

Ороминг йўқ, қароринг йўқ, тинмассан,
 Кеча-кундуз қон ичарсан, қонмассан,
 Ахир, не балонг бор, нега ёнмассан,
 Йиқилгин, ёқилгин, лўли дунё ҳей!

Айланар қиш, кечар баҳор, ёз, куз ҳам,
 Тоб келтирмас унга тоғ, денгиз, туз ҳам,
 Охири кечармиз устидан биз ҳам,
 Охири қоларсан холи, дунё ҳей!

¹ Оғу — заҳар.

Кўпларни йўқ эттинг, кўпини туттинг,
 Муҳаммад — Ҳақ расул жонини юттинг,
 Намруд¹, Қорун, Сулаймонни не эттинг?
 Шумиди этганинг ҳали, дунё ҳей!

Ҳамма одамларни солибсан ғамга,
 Ёш-қари — кўйингда саргардон ҳамма.
 Бир мода эшаксан, келибсан дамга,
 Ич-ичи ғам билан тўла, дунё ҳей!

Махтумқули, дунё сирин туймассан,
 Бу кун кўрганимиз эрта қўймассан,
 Неча вақтдан бери ейсан — тўймайсан,
 Ақлини олдирган далли² дунё ҳей!



¹ Намруд — афсонавий золим шоҳ. Унинг фармони билан Иброҳим алайҳиссалом ўтга ташланган.

² Далли — девона, телба.

ЕЛДИМ ДЕ

Дунё кўрмай, тутқун қолсанг бир кунжда¹,
 Бодпойдек² ер юзинда елдим де.
 Чин-Мочинда³, Румда⁴, Ҳиндда, Ҳабашда⁵
 Бўлган-бўлур ҳунарларни билдим де.

Оч бўлсанг ҳам, борма ёмон тилакка,
 Де: кўшкдаман⁶ — бошим етмиш фалака!
 Чўлда қолсанг, ҳеч топмайин кўланка,
 Эрам боғи ичра фамсиз қолдим де.

Ош кўрганда, ўзинг отма тулланиб,
 Оч бўлсанг ҳам, юрма номинг булғаниб,
 Зарлар тўкиб, чин гулларга чулғаниб,
 Ёш бўлсанг ҳам, Нуҳ⁷ ёшига келдим де.

Муҳтожлигинг Ҳақдан ўзга билмасин,
 Кўрган кунинг басдир, очдан ўлмасанг,

¹ Кунж — бурчак, чет.

² Бодпой — учқур от, шамолдек еладиган от.

³ Чин-Мочин — Хитой ва унга қўшни давлатлар.

⁴ Ўрта асрларда ҳозирги Кичик Осиё (Византия) ва Греция ерлари Рум деб аталган.

⁵ Ҳабаш — Эфиопия.

⁶ Кўшк — қаср, ҳашаматли бино.

⁷ Нуҳ — энг узоқ умр кўрган пайғамбар. У ўз қавми орасида 950 йил яшаб, уларни Ҳақ йўлга даъват қилган. Баъзилар унга юз ёшда рисолат келган десалар, баъзилар 400 ёшда дейдилар. Баъзилар тўфондан кейин ҳам 350 йил яшаганини ривоят қиладилар.

Ҳинди каби йиртиқ-ямоқ бўлсанг ҳам,
Подшолик кунларга етдим де.

Сувга, елга ҳукми ўтган Сулаймон,
Боқ, улардан не ном қолди, не нишон!
Ташна қолиб, жойинг бўлса биёбон,
Дарё ичра мен Искандар бўлдим де.

Йўлдош бўлсанг тил билмаган гўл билан,
Ётсанг илон тўла жангал чўл билан,
Юз минг қирчиллаган мард — норғул билан
Қорун хазинасин қўлга олдим де.

Махтумқули, чексанг жафо-жабр, бил,
Худога хуш келар шукр-сабр, бил,
Қилча жонга қизил танни қабр бил,
Қизил тилинг сўзлар экан ўлдим де.



ҲИЖРОН

Саҳар туриб, қон ёш тўксам кўзимдан,
 Мени бир висола етурмас ҳижрон.
 Оғиз ичра маъно сочсам сўзимдан,
 Муродим ёнима кетурмас ҳижрон.

Тонгдан туриб, Ватан, сени чоғларман,
 Гулшанли сарчаман¹ дея йиғларман,
 Хўшлашиб, бу мискин жонни тигларман,
 Мақсуд — тилагимни битурмас ҳижрон.

Фироғий, Ватан деб қон тўкар кўзим,
 Боқий қараб турар ҳижрона юзим,
 Биродарлар, қайда қолдим бир ўзим?
 Мени бу дунёдан ўгирмас ҳижрон.



¹ Сарчаман — катта боғ.

ЙИРОҚ АЙЛА ҶЗИНГНИ

Дали кўнглим, суҳбати йўқ, бетавфиқ
 Номардлардан йироқ айла ўзингни.
 Суйганни суй, суйган билан бўл рафиқ,
 Суймагандан йироқ айла ўзингни.

Номард қайга борса, хизмат битирмас,
 Мард йигитлар баҳосини йитирмас,
 Нодонга сир айтсанг, ичида турмас,
 Сирдош бўлма, йироқ айла ўзингни.

Ёмон киши зар берсанг ҳам, хос бўлмас,
 Жонингни бахш этсанг ҳамки, рост бўлмас,
 Бўйнинг эгиб, арз этсанг-да, дўст бўлмас,
 Сархуш бўлма, йироқ айла ўзингни.

Махтумқули, бардош айлагил дардга,
 Жоним қурбон бўлсин ҳар танги, мардга,
 Оғзи кулган, қалби бузуқ номардга
 Яқин бўлма, йироқ айла ўзингни.

ҒАРИБЛИК

Фалак, сендан бир шикоят айлайин,
 Кун-кундан бенаво қилди ғариблик.
 Будир арзи ҳолим, сенга айтайин,
 Ақлим олиб, бағрим тилди ғариблик.

Бировдан тилаган бир арзинг битмас,
 Бу кўнгил орзуси ҳеч ерга етмас,
 Ҳолингга раҳм этиб, бойлар қўл тутмас,
 Йўлимни ғурбатга солди ғариблик.

Бойлик — қўлнинг кири, ювилса кетар,
 Ғариб учун очлик ўлимдан баттар,
 Борлар қўл узатса, ҳар ёнга етар,
 Ҳасратнинг зангини чалди ғариблик.

Тенг-тўшни кўрганда бурилар юзинг,
 Йўқсизлигинг англаб, термулар кўзинг,
 Сўзинг элга сиғмас, овсарсан ўзинг,
 Хатарли кунларга тўлди ғариблик.

Бойларнинг эшиги берк, қулфловлидир,
 «Оч!» дейсан, очилмас, банддир, боғлидир,
 Тилинг қисикқ мудом, юрак доғлидир,
 Уятни, ҳаёни олди ғариблик.

Махтумқули, кўнгли ғамли бўлмагил,
 Оллоҳ исмин зинҳор дилдан қўймагил,
 Нокас у бойлардан умид қилмагил,
 Элга келган заҳмат бўлди ғариблик.

БЕЗОР ҚИЛАР ЖОНИНГДАН

Ёмон билан тенг айласанг ўзингни,
 Дардинг ортиб, безор қилар жонингдан.
 Дўсту ёрдан узма меҳр кўзингни,
 Не иш тутсанг, ул қувонар ёнингдан.

Қаҳринг ошиб, шод этмагин шайтонни,
 Сўзга тушиб, унутмагин Раҳмонни,
 Фарқ эта бил яхши билан ёмонни,
 Ҳар бир гапга жўшиб ёнма қонингдан.

Сабринг бўлса, Субҳон етар додингга
 Жангу жадал лойиқ эрмас отингга,
 Олаверма ёмон сўзни ёдингга,
 Тикон бўлиб туртиб чиқар танингдан.

Барча бўлган ишлар Ҳақнинг ишидир,
 Ким тан бермас бунга, нодон кишидир,
 Бир ёмон сўз худди илон нишидир,
 Чақса, захри осон чиқмас қонингдан.

Махтумқули, ўткинчидир бу жаҳон,
 Мастда ақл бўлмас, мургадда имон,
 Оч бўридай шум душманинг бегумон
 Фажиб сени, айиргайдир шонингдан.

ЕЛИ ГУРГОННИНГ

Үнги баланд тоғдир, тумандир пойи,
Денгиздан эсади ели Гургоннинг.
Булут ўйнаб, ёмғирга тўлса сойи,
Оқар бўз буланиб сели Гургоннинг.

Тўқайлари бордир сарву қамишли,
Гўзаллари бордир олтин, кумушли,
Қўй-қўзи, йилқили, қора говмишли —
Яйловга тўладир моли Гургоннинг.

Қатор-қатор юрар неча моялар¹,
Тужжор² эгалари эрур соялар,
Қад чекиб, гердайиб турган қоялар —
Үнгу орти, соғу сўли Гургоннинг.

Йигитлар тирмашар тоғлар белига,
Йўрға миниб, лочин олар қўлига,
Оқ чорлоқ³ тўш урар денгиз елига,
Мароллар⁴ маскани чўли Гургоннинг.

Махтумқули элдан-элга оралар,
Ҳижрон тиғи билан бағрин поралар,
Бунда ўсган марол қабоқ парилар,
Дилрабо, дилкушо гули Гургоннинг.

¹ Моя — урғочи туя.

² Тужжор — савдогарлар, тижоратчилар.

³ Оқ чорлоқ — балиқчи қуш.

⁴ Марол — урғочи кийик.

БИЛИНАР

Ҳар боши сочлини хотин деманглар,
 Яхши хотин сиёғидан билинар.
 Ифлос этмай ўғлонини, ўзини,
 Қоши, кўзи, қовоғидан билинар.

Бир хил хотинлар бор ақлсиз, аҳмоқ,
 Ҳар сўзи эрининг жонини ёқмоқ,
 Не ҳожатдир эрин юзига боқмоқ,
 Ҳайвон эрур, қилиғидан билинар.

Ёмон хотин манглай сочи тўп бўлар,
 Гапирганда ёмон сўзи кўп бўлар,
 Эшигин олдида хасу чўп бўлар,
 Қулга тўлган ўчоғидан билинар.

Таърифин айтганда яхши жононнинг,
 Яхшининг қадрини билгил ҳар онинг,
 Тайиндир келганга ош билан нонинг,
 Чин кайвони сачоғидан билинар.

Яхши хотин қулар эрин юзига,
 Минг жон қурбон ҳар бир айтган сўзига,
 Ором берар даргоҳига, ўзига,
 Қозонидан, товоғидан билинар.

Махтумқули, қўлинг чеккил ҳаромдан,
 Имонингга нуқсон етар ҳар ёндан,
 Яхшилиқни умид этма ёмондан,
 Бўлар ўғлон ёш чоғидан билинар.

КЕТИБ БОРАДИР

Мол-дунёга ҳирс қўйманг, эй ёронлар,
 Кимга келиб, кимдан кетиб борадир.
 Искандар мисоли даврон сурганлар
 Навбат билан бир-бир ўтиб борадир.

Бировни бой этди, бировни гадой,
 Не қилса эрки бор ул қодир Худой,
 Бировнинг мурудин бериб, ҳойнаҳой,
 Биров ғам шаробин ютиб борадир.

Бировга берибдир қайғу-ғам, меҳнат,
 Умрида бир замон кўрмади ишрат,
 Бировга этибдир номардни улфат,
 «Хув» деб, унинг умри ўтиб борадир.

Бировнинг бошида кўпдир армони,
 Қайғу, меҳнат билан чиқадир жони,
 Бир яхшига қўшиб битта ёмонни,
 Дунёдан ноилож кетиб борадир.

Нечалар йиғлайди мақсудни топмай,
 Нечалар оҳ урар оғзини ёпмай,
 Бир ёби¹ байроқни оладир чопмай,
 Бир бедов бош эгиб қайтиб борадир.

¹ Ёби — хўжаликда ишлатиладиган ишчи от.

Дунё ишларидан этма андиша,
Сабр эт балосига, дард келса неча,
Йиғлаб, қайғу билан юрма ҳамиша,
Ажал қўли ёқанг тутиб борадир.

Худога қул бўлинг, Расулга уммат,
Махтумқули айтур шундоқ насиҳат,
Билсангиз, дунёнинг бариси ҳасрат,
Ҳасрат билан бир-бир кетиб борадир.



ЖОНИ БЎЛМАСА

Одам ўғли қуруқ тупроқ,
 Тан ичра жони бўлмаса.
 Қора тоғдан қиммат қочар,
 Сели, тумани бўлмаса.

Ризқин излаб қушлар учар,
 Биров арақ, шароб ичар,
 Иқбол кетар, давлат қочар,
 Элнинг азони бўлмаса.

Ҳар йигитда бўлса ғайрат,
 Бошин эгар унга қудрат,
 Бодом қовоқ, гўзал сийрат,
 Хунук, имони бўлмаса.

Ҳар бир йигит уйда хондир,
 Номард — йигитмас, илондир,
 Пирлар, сўфилар нодондир,
 Қўлда Қуръони бўлмаса.

Узоқдир биз юрган йўллар,
 Ҳайрат ичра ёзиқ қўллар,
 Бемаънодир юзда холлар,
 Мажнун ўғлони бўлмаса.

Махтумқули ҳайрон яшар,
Мажнундек Нажд¹ тоққа ошар,
Улуғ эллар тўзар, тошар,
Мардона хони бўлмаса.



¹ Нажд — Арабистон ярим оролидаги тоғ.

ЖУДО ЭТМАСИН

Дўстларим, бандани яратган Оллоҳ
 Ақлдан айириб, жудо этмасин.
 Берган ақлин олиб, наузубиллоҳ¹,
 Молин, мулкин, тахтин торож этмасин.

Ҳар ким юрсин шод-хуррам ўз элида,
 Интизор бўлмасин ҳижрон йўлида,
 Асир айлаб бир золимнинг қўлида,
 Эгам ҳар бандани муҳтож этмасин.

Ватандан айрилган йиғлар излашиб²,
 Сафо билан ўтган умрин сўзлашиб,
 Оҳлар чекиб, қайтар изин кўзлашиб,
 Ҳеч кишини юртдан ихрож³ этмасин.

Ҳеч ким мунгли бўлиб, қолмасин ғариб,
 Ҳар ён қараб, элу кунга сарғариб,
 Аъзосига шикаст етиб, ёлвориб,
 Ноқувват, нотавон, ноилож этмасин.

Махтумқули, Худо тавфиқ берганда,
 Саҳар туриб ёлғиз йўллар юрганда,
 Тариқатнинг⁴ рост йўлига кирганда,
 Шайтон йўлдан уриб, ду бож (?) этмасин.

¹ Наузубиллоҳ — Оллоҳ сақласин.

² Излашиб — бу ерда: изиллаб, тинимсиз йиғламоқ.

³ Ихрож — ҳайдаш, бадарға қилиш.

⁴ Тариқат — йўл, маслак. Тасаввуфдаги тўрт мақомнинг

иккинчиси.

НОРИ ДИЛБАРНИНГ

Кўнгил шаҳрига ўт солди,
 Воҳ, найлай, нори дилбарнинг.
 Атрофимни туман олди,
 Келгандир қаҳри дилбарнинг.

Одам насли эмас магар,
 Ҳуру филмон¹ бошин эгар,
 Шиддат билан бизга тегар,
 Қўрқарам, мори дилбарнинг.

Гавҳар, ёқут ёр бўйинида,
 Фалак ларзондир ўйинида,
 Етишибдир ёр қўйинида
 Пинҳона нори² дилбарнинг.

Улдир ошиқлар оташи,
 Эрибдир Мажнуннинг ёши,
 Канизидир ҳам сирдоши
 Биҳиштнинг ҳури дилбарнинг.

Ёнди дилда эски яра,
 Харидорсан сен бечора,
 Махтумқули — бахти қора,
 Номуси, ори дилбарнинг.

¹ Филмон — ёш гўзал; жаннатдаги хизматкор бола.

² Нор — бу ерда: анор.

ЎЗИНГДАН

Тиним билмай мол жамлаган маҳкам бой,
 Хайринг бўлса, аввал узат ўзингдан.
 Йиғиб, закот бермасларнинг ҳоли вой,
 Тонгла¹ қорни тўлар дўзах чўғидан.

Маъюс қолдинг, гар шайтонга йўл берсанг,
 Шайтон бўйинин уздинг — пирга² қўл берсанг,
 Ихлос билан Оллоҳ учун мол берсанг,
 Сонсиз савоб бўлиб борар изингдан.

Авлодига шон-обрўйли кун учун,
 Йигит ишрат таркин айлар тан учун,
 Ҳалол-ҳаром мол йиғарсан зан³ учун,
 Ўлсанг, қани мадад ўфил-қизингдан?

Нечалар бор, хайр қозонар, дур топар,
 Нечалар бор, қум панжалар, зар топар,
 Кимлар ёмон ишлар қилар, ер топар,
 Бировлар хайр кўрмас берган тузидан.

Йигит ўлди, хотин бошқа эр топди,
 Ўфил-қиз қўлинда молинг ер топди,

¹ Тонгла — қиёмат куни.

² Пир (шайх, муршид) — тасаввуф тариқатида муридга раҳнамолик қиладиган ирфоний маърифатда юксак мақомга кўтарилган киши.

³ Зан — аёл, хотин.

Закотсиз мол маҳшар¹ куни мор топди,
Йироқ тушдинг Яратганнинг кўзидан.

Тирикликда ўзи берса қўлидан,
Хабар тутар Яратганнинг йўлидан,
Хайр топарлар мол берганнинг молидан,
Ул ҳам яхши, ёд этсалар изингдан.

Йивнадинг, тўпладинг, молу пул бўлди,
Хайрин кўрмай ўлдинг, уч зан тул бўлди,
Йиққан тугунчагинг бари кул бўлди,
Кўримсиз ёмон от қолди ўзингдан.

Соғ пайтингда қўл чўзмасанг бермоққа,
Қартайганда йўл қолмайди юрмоққа,
Махтумқули айтар, азоб кўрмоққа
Қиёмат қораси кетмас юзингдан.



¹ Маҳшар — қиёмат.

СЕВСАМ ҚАНЧАЛАР

Ишқинг ўти авж олади, ёнади,
 Ҳеч сўнмайди, ёрим, севсам қанчалар.
 Қайта бошдан дард кучига минади,
 Ҳеч кетмас, эшиқдан қувсам қанчалар.

Бадфеъл¹ касда² ақл бўлмас, дард бўлмас,
 Минг тулки йиғилиб, битта қурт³ бўлмас,
 Номард киши то ўлгунча мард бўлмас,
 Мақтаб таърифини чўзсанг қанчалар.

Яхши йигит қадрин ўз эли билмас,
 Бошига иш тушса, қошига келмас,
 Зор йиғласин — дарди ҳеч адо бўлмас,
 Дод айлаб, «Ё элим!» деса қанчалар.

Балиқчилар айтар: «Солдан унум йўқ»,
 Номард меҳмон кўрса, айтар: «Уйим йўқ»,
 Бил инсон зотига молдан тўйим йўқ,
 Яхши еса, яхши кийса қанчалар.

Айтинг, дўстлар, тупроқ қачон қонармиш?
 Ёмон одам қилиғидан тонармиш,

¹ Бадфеъл — феъли ёмон, ярамас.

² Кас — киши, одам, шахс.

³ Қурт — бўри.

Одам ўғли фақат шунда тинармиш —
Омонатин тезроқ берса қанчалар.

Дунё, ақлим етмас, бунча бесарсан¹,
Қўлсиз ушларсан-у, ипсиз осарсан,
Фироғий, тилинг тий, тилинг кесарсан,
Оқ тўн кийиб ерга кирсанг қанчалар.



¹ Бесар — паришон, бевош, боши айланган.

ШАКСИЗ

Эй оғалар, бир кун шуҳрат топар ул,
 Кимки қуллуқ қилса устодга шаксиз.
 Худо ўзи кимга берса тўғри йўл,
 Етишар мақсаду муродга шаксиз.

Тамшана-тамшана шарбат ичарсан,
 Тўлғона-тўлғона пари қучарсан,
 Ул айвонни кўрсанг, бундан кечарсан,
 Умринг елга берма дунёда шаксиз.

Жўшарсан, ҳар созни пайдо этарсан,
 Жон булбулинг сайрар, шайдо этарсан,
 Фалак бир баққолдир, савдо этарсан,
 Охир ул ютар бу савдода шаксиз.

Маст бўларсан, йигитликда жўшарсан,
 Билмасдан ҳар ишга бошинг қўшарсан,
 Кун келади — бир зулматга тушарсан,
 Бошинг қайнаб пишар ғавғода шаксиз.

Қарс урибон қонлар тўкдинг элликда,
 Кел, не иш битирдинг саксон йилликда,
 Ёмон йўлдан қайтиб, кезгин қулликда,
 Иш қил жаннат деган тамада шаксиз.

Ажал — дарё зарбли, бошингдан ошар,
 Сариштанг сув бўлар, ақлинг ҳам чошар,
 Қирқ кун аввалингдан япрофинг тушар,
 Мархум номинг янграр санода¹ шаксиз.

Икки котибинг бор соғу сўлингда,
 Ёзиб, номанг² берар маҳшар кунингда,
 Чархи фалак тузоқ қурмиш йўлингда,
 Сени кутиб ётар сояда шаксиз.

Кимдандир оларсан, кимга берарсан,
 Фарқини англамай ҳаром еярсан,
 Бир тийин деб юз кўнгилга тегарсан,
 Тушарсан ундан сўнг зулмата шаксиз.

Махтумқули айтар: не-не йигитлар,
 Отланган эдилар кийиб совутлар,
 Ер қўйнига кирди миниб тобутлар,
 Қардошлар, ёд этинг дуода шаксиз.

¹ Сано — мадҳ; дуо.

² Бу ерда нома деганда кишининг ўнг ва чап елкасидаги фаришталар томонидан умри давомида қилган яхши-ёмон ишлари битилган амаллар дафтари кўзда тутилмоқда.

ПОЁНИ БЎЛМАС

Кўнгил, дунёдан кеч, айлама ҳавас,
 Фонийдир, ҳеч кимга поёни йўқдир.
 Жон қуши булбулдир, танинг бир қафас,
 Бир кун учар, мудом даврони йўқдир.

Шоҳ бўлибон бир нечани шод этиб,
 Шаҳриёр деб олам ичра ёд этиб,
 Ажалнинг қўлидан бир кун дод этиб,
 Кетдилар бариси, қолгани йўқдир.

Инсу жинга подшоҳ бўлган Сулаймон,
 Қани ул Искандар, Жамшид¹, Нўширвон?²
 Қани Ҳақ ҳабиби³ — ул фахри жаҳон?
 Кетди бари — бунда тургани йўқдир.

Қолмади Дорою⁴ не шаҳриёрлар,
 Қани гулчехралар, нозанин ёрлар?
 Қани шаҳсуворлар⁵, заррин ҳисорлар?⁶
 Ҳеч бирининг ному нишони йўқдир.

¹ Жамшид — қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи.

² Нўширвон (Ануширвон) — сосонийлар сулоласига мансуб Эрон шоҳи. У Шарқ адабиётида одиллик тимсоли ҳисобланади.

³ Ҳақ ҳабиби — Муҳаммад алайҳиссалом.

⁴ Доро — каёнийлар сулоласига мансуб Эрон шоҳи.

⁵ Шаҳсувор — чавандоз; мажозан; маҳбуба.

⁶ Ҳисор — қалъа, қўрғон, истехком.

Неча мурсал¹ кетди, неча минг сабий²,
 Неча расул³ кетди, неча минг набий⁴,
 Ҳосил бўлмай ҳеч бирининг матлаби⁵,
 Фоний ичра боқий қолгани йўқдир.

Кимларни бой қилди, кимларни қашшоқ,
 Йўқсилларни бойга айлади муҳтож,
 Келгач ажал ели, қолди ноилож,
 Кетди бари, яхши-ёмони йўқдир.

Молу дунё бериб неча минг фаний⁶,
 Лаълу⁷ жавоҳирдан бўлди маскани.
 Кетди қўйиб кўшқу қасру айвонни,
 Борган жойдан қайтиб келгани йўқдир.

Дунёга келганнинг бари йўқ бўлар,
 Ғофил одам нодонликдан алданар,
 Не йиққанинг бари шу ерда қолар,
 Ҳеч ким у ён олиб кетгани йўқдир.

Не-не сарвқоматлар, нозикбаданлар,
 Себи занахдонлар⁸, ғунча даҳанлар,

¹ Мурсал — илоҳий китоб соҳиби бўлган пайғамбар.

² Сабий — бола, гўдак.

³ Расул — илоҳий китоб нозил қилинган пайғамбар.

⁴ Набий — китоб нозил қилинмаган пайғамбар.

⁵ Матлаб — мақсад, истак, талаб.

⁶ Фаний — бой, бадавлат.

⁷ Лаъл — қизил рангли ялтироқ қимматбаҳо тош.

⁸ Себи занахдон — бағбақа олмаси.

Гулпарилар, ой юзлилар, сиймтанлар⁹
 Ўлгунча шод бўлиб кулгани йўқдир.
 Дўстлар, вафоси йўқ фоний дунёнинг,
 Тарк этма яхшилик, хайру эҳсонинг,
 Боргандан сўнг йўқдир қайтмоқ имконинг,
 Инон, бу сўзларнинг ёлғони йўқдир.

Оқил улдир, майл этмаса дунёга,
 Сидқ ила сифинса қодир Оллоҳга,
 Махтумқули, ҳар сурати зебога
 Боқмагин, уларнинг паймони¹ йўқдир.



¹ Сиймтан — қумуш бадан; гўзал, зебо.

² Паймон — аҳд, ваъда.

НОРИ БЎЛМАСА

Боғбон боғни найласин,
 Боғинда нори бўлмаса?!
 Отадан ўғил туғмасин,
 Номуси, ори бўлмаса!

Булбулга тикан боғ бўлмас,
 Илдамга тепа тоғ бўлмас,
 Бедов ёбидан беҳ¹ бўлмас,
 Магар рафтори² бўлмаса.

Асалари болга дўнар,
 Ҳар бир куни йилга дўнар,
 Гулдек ранги кулга дўнар,
 Гўзалнинг ёри бўлмаса.

Махтумқули, ниҳон³ дерлар,
 Жон севгиси жонон дерлар,
 Ул йигитга ҳайвон дерлар —
 Ширин гуфтори бўлмаса.

¹ Беҳ — яхши, хўб, маъқул.

² Рафтор — юриш, хиром этиш.

³ Ниҳон — пинҳон, махфий.

ЕТАРСАН

Келган кетар, қўнган кўчар, одамзот,
 Юргин, сен ҳам бир манзилга етарсан.
 Ёлфончида¹ қолсин сендан яхши от,
 Бу дунёга келдинг, сен ҳам кетарсан.

Гофил одам, ёд қил ишнинг асилин,
 Ажал сени пойлаб юрар яширин,
 Келган кетса, эккан ўрса ҳосилин,
 Ўрта йўлда сен не ишни тутарсан?

Жафо қилма, койитмагин бу жонни,
 Сарриштаси² туттирмас бу жаҳоннинг,
 Тебранаркан, дарди ортар замоннинг,
 Гўрга қадам қўйсанг, ерда ётарсан.

Илҳом келди, Ҳақдан тўғри сўз очди,
 Бу йўллардан тўғри борган йўл ошди,
 Беҳуда ўтмасин умр гузашти³,
 Ҳар тонгда сен бир кунингни сотарсан.

Гарм⁴ айлади фалак сенинг бозоринг,
 Харидорга тўлиб борар гузаринг,

¹ Махтумқули бу дунёни кўпинча ёлфончи деб атайти.

² Сарришта — калаванинг учи; ишнинг асоси.

³ Гузашт — ўтиш.

⁴ Гарм — қизгин, жўшқин.

Алдаш-чун олиб чиқ қамиш, сим-заринг,
Бу савдода сен кимларни ютарсан?

Мағрур бўлиб бу тўрт кунлик савдога,
Абад қолма қиёматда жазога,
Ишонмагин бу ёлғончи дунёга,
Бора-бора йўқ бўларсан, йитарсан.

Махтумқули, бошингда юз ўй бордир,
Айри манзил, айри макон, жой бордир,
Лаҳад деган тор, тўшаксиз уй бордир,
Бунда бедор бўлсанг, унда ётарсан.



ТИЛДАН КЕЛУР

Охирзамон яқинлашса,
 Аввал бало елдан келур.
 Ёмон қолса, яхши ўтса,
 Бир нишона селдан келур.

Ўз-ўзингни ёмон дема,
 Киши кўрмай баҳо берма,
 Бевақт юртга босиб борма,
 Чин балоси қўлдан келур.

Гар йигит бўлса бедавлат,
 Туфилар бекамол фарзанд,
 Отаю онага лаънат
 Қиз билан ўфилдан келур.

Қасамхўрга яқин борма,
 Бадфеълнинг турқини кўрма,
 Душманга сирингни берма,
 Бошга бало тилдан келур.

Қулоқ сол, ким бордир ўлмас?
 Ҳақдан ўзга жондор қолмас,
 Чорвадорга бало келмас,
 Бойга бало молдан келур.

Махтумқули этмас ёзиқ¹,
Бир кимсага ситам, зўрлик,
Эр бошига улкан хорлик
Бир бузуқ аёлдан келур.



¹ Ёзиқ — тақдир, қисмат, пешона.

ГУЛГА МЕНГЗАР¹

Эй ёронлар, яхши ёрнинг
 Қўйни жаннат, гулга менгзар.
 Сўзласа — дурлар сочилар,
 Тиллари булбулга менгзар.

Ишқ ўти ёндирди бизни,
 Сўраманглар биздан сўзни,
 Кўрдим ёрни — қизил юзни,
 Гўё ойга, кунга менгзар.

Нечун чекдим дарди фироқ,
 Етай десам, йўлим йироқ,
 Қалам қошли, бодом қовоқ,
 Сочлари сунбулга менгзар.

Зулфларига уриб шона²,
 Мени ул қилди девона,
 Гўё у — шам, мен — парвона³,
 Ёндим, таним кулга менгзар.

Куйган йўқ дунёда менча,
 Дийдор кўрмоқ йўқ тўйгунча,

¹ Менгзамоқ — ўхшамоқ.

² Шона — тароқ.

³ Шам ва парвона тасаввуф шеърлятидаги машҳур тимсоллардан бўлиб, шам — илоҳий ишқ, парвона — ошиқ тимсоли ҳисобланади.

Тишлари дур, оғзи ғунча,
Бели инжа қилга менгзар.

Кўзи — наргис¹, бўйи — шамшод²,
Киприклари мисли пўлод,
Паришайкар³, сарви озод⁴,
Дада-дада гулга менгзар.

Кўксида бор қўш анори,
Оқ юзинда жўра холи,
Лабларидан оқар боли,
Шаҳд ила шаккарга менгзар.

Ўзига қўйган биноси,
Ярашар ранг-ранг либоси,
Кўлига теккан ҳиноти
Гўё қизил қонга менгзар.

Махтумқули, бўлдинг хароб,
Истаб-топмай, ёрни сўраб,
Ўтиришинг йўлга қараб,
Йўл топмаган кўрга менгзар.

¹ Наргис — бўтакўз.

² Шамшод — кичик ва хушбўйи гулли ҳаминша кўм-кўк яшнаб турадиган хушқомат ва чиройли дарахт.

³ Паришайкар — парига ўхшаш, жуда гўзал.

⁴ Сарви озод — тик ва баланд сарв; баланд бўйли маҳбуба.

ҚИШ БҰЛАР

Тингланг, насиҳатим шудир, йигитлар,
 Ёмон хотин яхши эрга қиш бўлар,
 Мудом оҳ чекарсан, зеҳнинг кунд¹ этар,
 Кундузги хаёлинг тунда туш бўлар.

Бир юмуш буюрсанг, қовоғин осар,
 Эшик-эшик кезар, этагин босар,
 Оттўрва тўқиса — қирқ кундан ошар,
 Хуржун бошлар — олти ойлик иш бўлар.

Манглайи бир қарич бўлса, гул юзли,
 Товусқуш сиймоли, ўтолғу² кўзли,
 Мулоқотли, ширин тилли, хуш сўзли,
 Бундай пари қай йигитга дуч бўлар?

Бедовда бедов бор — оларлар зарга,
 Бедов бор — арзимас жулга³, эгарга,
 Бедовда бедов бор — алишмас харга,
 Чин бедов йигитга узоқ ёш бўлар.

Махтумқули айтар: сўзим оламдир,
 Насиҳатим улғу элга аламдир⁴,
 Олғир шунқор, лочин овда маълумдир,
 Қарға, ҳакка, нари борса, қуш бўлар.

¹ Кунд — ўтмас.

² Ўтолғу (итолғи) — лочинсимонлар оиласига мансуб йирт-қич қуш.

³ Жул — от ёшиғи.

⁴ Алам — бу ерда: нишона, белги, байроқ.

МУҲТОЖ АЙЛАМА

Қодир Жаббор, сендан тилагим кўпдир,
 Сен мени номардга муҳтож айлама.
 Хазинангдан бергин менинг ризқимни,
 Бандангни бандангга муҳтож айлама.

Оздирмагин тўғри йўлдан эгрига,
 Эгрини тенг қилма ҳаргиз тўғрига,
 Ўзга моли насиб қилмас ўғрига,
 Ҳалолни ҳаромга муҳтож айлама.

Карвон бўлсам, тўғри йўлдан қочмасман,
 Номард кўпригидан ўлсам кечмасман,
 Қўлидан бир коса шароб ичмасман,
 Соғ қўлим сўл қўлга муҳтож айлама.

Сендан яхши ният, тилагим кўпдир,
 Аччиқ сўзлар тилдан чиққан бир ўқдир,
 Аканинг, уканинг баҳоси йўқдир,
 Оғани инига муҳтож айлама.

Махтумқули, Ҳақдан тила борингни,
 Тилар бўлсанг, тила ўз имонингни,
 Обод айла икки кўзинг нурини,
 Соғ кўзим сўл кўзга муҳтож айлама.

ФОШ ЭТАР СЕНИ

Ички сиринг айтма ҳар бир номардга,
 Сиринг элга ёйиб, фош этар сени.
 Ўғри-каззоб билан ҳамқишлоқ бўлма,
 Молингдан айириб, оч этар сени.

Эзма одам билан ўтирма-турма,
 Зинҳор номард билан сен суҳбат қурма,
 Қадрдон дўстингдан юзинг ўтирма,
 Борсанг — боши узра тож этар сени.

Бир мард каби нозанинга ёр бўлсанг,
 Жамолини бир кўрмакка зор бўлсанг,
 Оралиқда бир шум рақиб бор бўлса,
 Севимли ёр билан ўч этар сени.

Сўфилар янглишиб айтмас санони,
 Саҳар турсанг, Худо кечар гуноҳни,
 Айтма ҳеч вийбатни, қилма зинони,
 Дўзахнинг ўтига дуч этар сени.

Махтумқули, элга ёйдинг насиҳат,
 Зинҳор ёмон билан бўлмагин улфат,
 Худо берса саодатли бир фарзанд,
 Қартайган чофингда ёш этар сени.

ЯХШИ ОТ ҚОЛСИН

Саҳар тур, Худога ёлвор,
 Ислом уйинг обод қолсин.
 Ёмонни қўй, яхшилик қил,
 Шайтон иши барбод қолсин.

Яхши сўзга қулоқ солгин,
 Саҳар вақти бедор бўлгин,
 Яхшилардан олқиш олгин,
 Умринг ортсин, зиёд қолсин.

Одамзот кўздан кетгунча,
 Ёддан чиқар қон қотгунча,
 Минг работу¹ том ёпгунча,
 Ҳақдан тила, авлод қолсин!

Пес хотин бошга меҳнатдир²,
 Дунё-мол навбат-навбатдир,
 Йигитга ўфил давлатдир,
 Мол қолгунча зурёд қолсин.

Йигит хуши от-яроқдир,
 Ҳар ишга журъат керакдир,
 Пес ўфилдан яхшироқдир,
 Фироғий, яхши от қолсин.

¹ Работ — карвонсарой, мусофирхона.

² Меҳнат — азоб-уқубат.

Махтумқули ўтар-кетар,
Матлабига етар-кетар,
Ёлфончида бир от кўтар,
Ҳар не қолса, абад қолсин!



ҚОЛАР БУ ДУНЁ

Хуш қол энди, ёру дўстлар, ёронлар,
 Қувонманг, ҳаммадан қолар бу дунё,
 Чора топмадилар ўтган валилар,
 Барчанинг бошидан ўтар бу дунё.

Бировни шоҳ айлар — берар кўп ривож,
 Бир нечалар йиғлар — бурдага муҳтож,
 Кимлар чора топмай ўтар ноилож,
 Ҳар дилга юз алам битар бу дунё.

Назар қилса, пора айлар тошларни,
 Бир нечалар оғу айлар ошларни,
 Бир нечалар эгар азиз бошларни,
 Бир ёт ўлкаларга элтар бу дунё.

Нуридан яратди Исони Жаббор,
 Эрк ўзида ҳар не қилса Бирубор,
 Бир ғарибман, сендан ўзга кимим бор,
 Мени кўп ҳасратга солди бу дунё.

Ҳазрати Одамни айладинг ҳайрон,
 Ҳавво жудо тушди, кўзлари гирён,
 Худога роз айтса Ҳазрати Луқмон,
 Тилагим: дуч этма номардга, дунё!

Қани Сухроб пурзўр¹, Рустами достон,
Ҳазрати Искандар, подшоҳ Сулаймон?
Охирда бўлдилар жойи гўристон,
Турланиб-тусланар лўли бу дунё!

Махтумқули, кўнглингда кўп кулфат бор,
Қазонинг² домига бўлдик гирифтор,
Яратган, хор этма, бўлғил хабардор,
Йўқса ишим армон этар бу дунё!



¹ Сухроб пурзўр — Рустамнинг ўғли, паҳлавон.

² Қазо — тақдир, қисмат; илоҳий ҳукм.

ЁДГОР БЎЛАР

Яхшилиқда элга ўзин танитган,
 Олқиш олиб, даражаси зўр бўлар.
 Ёмон бўлиб, яхшилиқни унутган,
 Иззатин йўқотар, итдан хор бўлар.

Мунгли бўлар муродига етмаган,
 Хор бўлади Ҳақ амрини тутмаган,
 Ўз ризқига ҳеч қаноат этмаган,
 Кўзин тикар эл ошига, зор бўлар.

Ҳар ким ёмонласа тенги-тўшини,
 Ўзи мушкул этар осон ишини,
 Ким тарк этса ақл билан ҳушини,
 Қилар ишин билмас, шармсор бўлар.

Муроди кеч бўлар йўли танғилган,
 Беихтиёр бўлар қўли танғилган,
 Курашда йиқилган, жангда енгилган,
 Ичи тўла номус билан ор бўлар.

Ғайрати кам бўлар гавҳари ознинг,
 Қиммати паст бўлар мотамда сознинг,
 Уйига борсангиз бир бениёзнинг,
 Кўкраги қисилар, кўнгли тор бўлар.

Ким балони сотиб олса бошига,
 Рашк этиб, рақиблар кечар ташига,
 Ружуъ қилса ким бажармас ишига,
 Савдосидан кеча билса, эр бўлар.

Кейин тавба этмас ҳақ йўлдан озғон,
 Ўт ёқсанг, қайнамас бир қуруқ қозон,
 Фаҳм этинг, ҳар ерда бир феъли ёмон,
 Ёвуз мусаллатга¹ сазовор бўлар.

Хазонга айланди умримнинг гули,
 Назарин паст тутар элдан, бергили,
 Беиқбол, ёзиқли, ёмон кўргули
 Тўқнаш келса, бир ёмонга ёр бўлар.

Олдда-ортда кўрсанг ҳар ким фуломин²,
 Ундан аямагин Тангри саломин,
 Ким ўқиб, унутса Ҳақнинг каломин,
 Қиёмат кун икки кўзи кўр бўлар.

Ҳоли мушкул бўлар куйиб-ёнганнинг,
 Иймони шикаст ер ҳаром еганнинг,
 Қасдан рўза, намозини қўйганнинг
 Ўзи кофир бўлиб, жойи нор³ бўлар.

Махтумқули, сўзла ҳар не билганинг,
 Ўзингга оид бил айтган ўланинг,
 Тарашлаб, порлатгил дилга келганинг,
 Сендан сўнггиларга ёдгор бўлар!

¹ Мусаллат — бу ерда: бирор вазифага тайинланиш, бировларнинг устидан назорат, ҳукмронлик қилиш.

² Фулом — қул, асир, банда.

³ Нор — бу ерда: дўзах.

ҲАҚНИНГ КОРИДИР

Йигит кўнглига хуш ёққан
 Отнинг кўрки — рафторидир.
 Элга, улусга хуш келган
 Ош, қилич — эр гуфторидир.

Ортинга боқ, олдинг кўзла,
 Хуш сўзинг айт, қаҳринг гизла,
 Сўзлай билсанг, яхши сўзла,
 Халқ ёмоннинг безоридир.

Дунё узун, умр қолмас,
 Ажал келса, чора бўлмас,
 Не иш бўлар — одам қолмас,
 Барча иш Ҳақнинг коридир.

Ўтар даврон, бермас солим¹,
 Бу кун ёмон, дема, ҳолим,
 Мунда навбат сурса золим,
 Эрта Ҳақ ғариб ёридир.

Ўз эрким билан сўз демам,
 Келажак ризққа ғам емам,
 Жаҳонда бор ишдан ёмон
 Бир мўминнинг озоридир.

¹ Солим — омон, соф-саломат.

Анлар киши дуч келмаса,
Сирлашарга ёр бўлмаса,
Йил-кунда қадр қолмаса,
Сўз ҳам не дардга доридир.

Махтумқули, сен дам-бадам
Охират сари ур қадам.
Яхши-ёмон — барча одам
Ажалнинг гирифторидир.



ҚОЛМАСЛАР

Ғам чекма, вариб одам,
 Беклар, шоҳлар қолмаслар.
 Азим-азим шаҳарлар,
 Оқ саройлар қолмаслар.

Қолса сўздан қизил тил,
 Жон жавҳардир, тан бир қул,
 Минг бир мақомли булбул,
 Улуғ боғлар қолмаслар.

Шуни англабдир ақлим,
 Йиқилар етти иқлим,
 Ер бўлар буклим-буклим,
 Эрир, тоғлар қолмаслар.

Ҳақдан етишса фармон,
 Не чора бор, не дармон,
 Осмон, қуёш, ой ларзон
 Ҳам юлдузлар қолмаслар.

На ер қолар, на юртлар,
 На турк қолар, на курдлар,
 На қуш қолар, на қуртлар,
 Паррандалар қолмаслар.

На гард қолар, на гардон,
На мард қолар, на мардон,
Фил, пашшаю каркидон,
Даррандалар қолмаслар.

Махтумқули, ёш сурган,
Оғир замонлар кўрган,
Жўшқин-жўшқин мавж урган
Бу дарёлар қолмаслар.



НУҶСОНА КЕЛГАЙ

Мусулмонлар ёвлашса бир-бирига,
 Давлат қайтиб, динлар нуқсона келгай.
 Зулм айлаб, бир-бирин олса асирга,
 Фалак бу ишлардан пушмона келгай.

Бир-бирини чопмоқ эмас эрликдан,
 Бу иш шайтондандир, балки кўрликдан,
 Манманлик айиргай элни бирликдан,
 Давлат кетиб, навбат душмона келгай.

Яхшилар камайиб, иймон қисилса,
 Ёмонлар қутуриб, йўллар кесилса,
 Шариат бўшашиб, номус эзилса,
 Замонанинг изни шайтона келгай.

Тингла, маскан тутган киши чўлларда,
 Садақа камайса улуғ элларда,
 Халқ устига қаҳат тушиб, йилларда
 Хасталик кўпайиб, қасд жона келгай.

Мусулмонсан, хабардор бўл зулолдан,
 Ҳаромдан қоч мудом, изла ҳалолдан,
 Ўлчовдан урсалар, юртнинг ваболдан¹
 Баракати кўчиб, осмона келгай.

¹ Вабол — гуноҳ.

Сўзимни олгайлар билганлар қалқа,
 Муродим — насиҳат айламоқ халққа,
 Қозиси гап уқмас, беги паст ўлка,
 Ёмғир ёғмай, ери қизмона¹ келгай.

Шаррга шуҳрат бермоқ — шайтоннинг кори,
 Қаҳрин ютмоқ эрур Раҳмоннинг кори,
 Кўпайса ҳар элнинг бошлиқ-саркори,
 Низоми бузилиб, вайрона келгай.

Парвардигор ўзи фақирга паноҳ,
 У кимдир — бўлмагай тилида сано?
 Қайси юртда агар кўпайса зино,
 Ерлари қимирлаб, ларзона келгай.

Махтумқули, турсам сўзим сочмоққа,
 Англамаслар шайланади қочмоққа,
 Қайси халқ кўникса шароб ичмоққа,
 Юртда ўлат тарқаб, вайрона келгай...



¹ Қизмон — бу ерда: қуриб-қовжираш маъносида.

КЎЗДАН ЁШ КЕЛСА

Дунёда неча иш бордир — ёмондир,
 Бири шулдир — ноҳақ қаҳри жўш келса.
 Ошиққа ҳар куни охирзамондир,
 Ёрдан йироқ тушиб, аро тош келса.

Дўстингни ушлама, нафдан қолмасин,
 Душманинг сақлама, сиринг билмасин,
 Очда олгинг, бекка бергинг бўлмасин,
 Иш мушкулдир, англамасга дуч келса.

Замин сени ҳали замон ютарми,
 Оқил бунда шундай беғам ётарми,
 Ҳеч бир масхаралик бундан ўтарми,
 Кетган қуруқ кетиб, келган бўш келса.

Ўн қат уйинг бўлса темир қалъадан,
 Ажал топар, амр бўлса Оллоҳдан,
 Ҳақиқат, эр юз қайтармас балодан,
 Ҳақ ризоси билан бошга тош келса.

Ошиқман деб лоф урарлар ёлғондан,
 Билганини айтар, сўрсанг билгандан,
 Эл кўзича юз йил тоат қилгандан,
 Яхшидир, бир саҳар кўздан ёш келса.

Бойлар боғлаб саховатнинг йўлини,
 Кўпайтирар дўзах мойи — хилини,
 Кўринг, бу замоннинг сўфи, пирини,
 Тинмай олаверар текин ош келса.

Махтумқули, сўйла, ақлинг етгунча,
 Охиратинг қозон бекор ётгунча,
 Дўзахдадир то дунёдан ўтгунча,
 Яхши эрга ёмон хотин дуч келса.



ЎТДИ

Дунё ясаниб, бошима соя солиб ўтди,
 Сўз навбатида косаи даврон тўлиб ўтди,
 То мағрибу¹ машриқ² батамомин олиб ўтди,
 Бир нағмачиси неча наволар чолиб ўтди,
 Мажнунни кўринг, чоки гирибон³ бўлиб ўтди,
 Лайлини кўринг, гунчаи хандон бўлиб ўтди.

Бир нечаларинг ошига гар оғу қотилди,
 Тақдири азал котибидан бўйла⁴ ёзилди,
 Мансур⁵ «Анал Ҳақ» дея, кўр, дорга осилди,
 Мағриб шоҳининг ул қизи⁶ Канъонга⁷ чатилди,
 Юсуфни⁸ кўринг, қул дедилар, унда сотилди,
 Охирда, кўринг, Мисрда султон бўлиб ўтди.

¹ Мағриб — кунботар, фарб.

² Машриқ — кунчиқар, шарқ.

³ Чоки гирибон — ёқаси йиртиқ.

⁴ Бўйла — бундай, бу хил, бу каби.

⁵ Мансур — машҳур сўфий Мансур Ҳаллож (858—922). «Анал Ҳақ» — «Мен — Ҳақман» дегани учун ваҳшиёна бир тарзда ўлдирилган.

⁶ Бу ерда Зулайхо кўзда тутилмоқда. Унга Юсуф қўлида ниймон тақдир қилинган.

⁷ Канъон — 1. Ливаннинг милоддан аввалги номи. 2. Яъқуб алайҳиссалом ҳукмронлик қилган мамлакат.

⁸ Бу ерда ўғай акалари томонидан мисрлик савдогарларга арзимас тангага пулланган, кейин Миср бозорида қул қилиб сотилган, барча кўргиликларни сабр билан енгиб ўтиб, охирида Миср подшоҳи бўлган Юсуф алайҳиссалом хусусида сўз бормоқда.

Дунёи фалокат қўлидан дод ила бедод,
 Сен мисли ўшал жилвагару алдар паризод,
 Фиръавну¹ Язид ўтди, суриб Намруду Шаддод²,
 Хусрав³ ўқиди неча ғазал, бир неча абёт⁴,
 Ширинни дея чекди жафо ошиқи Фарҳод,
 Тоғлар юзини лолаю райҳон қилиб ўтди.

Мен ғамзаданинг⁵ кўкка чиқиб дуд⁶ ила оҳи,
 Юз жабру жафо қилди менинг рангими оқи,
 Бир нағмагари, кишвари⁷ жон бузди сипоҳи,
 Шарҳига қалам ёзди мураттабки⁸ сиёҳи,
 Зебо бўйига кийгизибон хилъати⁹ шоҳи,
 Баъзини кўринг, бесару сомон¹⁰ бўлиб ўтди.

Ҳайф ўтди умр, болалигим — фасли гулистон,
 Ҳай-ҳай, бу не тоат эди, тўти шакарuston,
 Нўширвони одил, Ҳотами Той, Рустами достон,
 Ул парилар масканидир бу шаҳри Шабистон¹¹,

¹ Фиръавн — Миср ҳукмдори.

² Шаддод — Ямандаги Од қавми ҳукмдори. У ер юзида жаннат яратиш даъвоси билан Эрам боғини қурдирган.

³ Машҳур хамсанавис шоир Амир Хусрав Дехлавий (1253—1325).

⁴ Абёт — байтлар, шеърлар.

⁵ Ғамзада — ғамгин, қайғули.

⁶ Дуд — дуд, тўзон; оху нола, ғам-алам.

⁷ Кишвар — мамлакат, ўлка, вилоят.

⁸ Мураттаб — тартибли, мукамал.

⁹ Хилъат — ҳашаматли кийим, шоҳ ва амирлар томонидан мукофот тарзида бериладиган қимматбаҳо уст кийим, тўн.

¹⁰ Бесару сомон — бахтсиз.

¹¹ Шабистон — тунги ётоқ, хилватхона.

Бас, қарилық офатидир бу қахри зимистон¹,
Ҳар кимса бир иш бирла пушаймон бўлиб ўтди.

Махтумқули, дўст тутмаки сен дунёни, ёлғон,
Ҳозир куласен, тонгла қиларсен не пушаймон,
Олдинда хавотири Сирот кўприги², мезон³,
Охирда ажал қўймади, кўп яшади Луқмон,
Кўп бандаларинг мулкени вайрон қилиб ўтди.



¹ Зимистон — қиш, қахратон.

² Сирот кўприги — қиёмат куни дўзах узра тортиладиган қилкўприк — жаннатга шу кўприқдан ўтиб борилади.

³ Мезон — тарози, ўлчов.

КЕТМАЙИН ҚОЛМАС

Ихлос билан бир комилга қўл берган
 Етар бир манзилга, етмайин қолмас.
 Дарё ичра сузган, чўлларда юрган
 Дам ҳисобин тугал этмайин қолмас.

Чунки келдинг бу ёлғончи жаҳонга,
 Оёвингга боқмай, боқдинг осмонга,
 Фалак бозоринда еганинг нонга,
 Одам ўғли умрин сотмайин қолмас.

Ҳамроҳим йўқ бориб сирим очарга,
 Дардим тортишарга, ўтим ўчарга,
 Дунё бир манзилдир келиб-кечарга,
 Бу манзилга келган кетмайин қолмас.

Фалак — томошагоҳ, осмонга чиқиб,
 Одамзот мол учун юрагин ёқиб,
 Дунё аждарҳоси дам билан чекиб,
 Жумла жонзот тухмин ютмайин қолмас.

Махтумқули, бу дунёнинг давлатин,
 Келган кўрар, чекар ўлим меҳнатин,
 Мудом юргизарлар ажал шарбатин,
 Бу шарбатдан ҳеч ким тотмайин қолмас.

ЯХШИДИР

Одам ўғли, бу оламдан ўтгунча
 От чиқариб, обрўй олган яхшидир.
 Қузғунларнинг соясида ётгунча,
 Бургут панжасида қолган яхшидир.

Бенамоз қўлидан таом ичманглар,
 Истанмаган ерда гуфтор очманглар,
 Ҳаргиз номард кўпригидан кечманглар,
 Фарқ бўлиб, дарёда қолган яхшидир.

Хотиринг кўркидир моялар, нарлар,
 Илмнинг қуввати — мардона эрлар,
 Ёлғончи — Оллоҳнинг душмани дерлар,
 Аммо ўз ўрнида ёлғон яхшидир.

Махтумқули айтар: сўзим тоғ ошмас,
 Номард одам йўлдошига қарашмас,
 Мусибатхонада кулмоқ ярашмас,
 Тўйлар мажлисинда кулган яхшидир.



АДОЛАТ ЯХШИ

Асло одамзотга аччиқ сўз қилманг,
 Фақиру мискинга далолат яхши.
 Бахилга учраманг — кулар юз бўлманг,
 Ишни битирмоққа кифоят яхши.

Етимни кўрганда кулар юз бўлгил,
 Қўлдан келса, унга таом-туз бергил,
 Фамгинни кўрганда ширин сўз бергил,
 Чорасиз қулларга ҳимоят яхши.

Йигит улдир, сўзга айласа амал,
 Қўлдан келмас ишга этмаса жадал,
 Оллоҳнинг амрига қилмагил бадал,
 Бекка — сахо, шоҳга — адолат яхши.

Ғариблик бир дарддир — одам ўлдирмас,
 Ўлдирмас, ҳаётда лекин кулдирмас,
 Бўрига ожизлик ит ҳам билдирмас,
 Албатта, душманга сиёсат яхши.

Махтумқули, шукр, ширин тил берди,
 Дарахтлар кўкариб, самар, гул берди,
 Гўрўғли Райҳонга қандай ёлборди?
 Омонлик деганга диёнат яхши.

ОХИРЗАМОН ИЧИНДА

Кўнгил, не иш битирдинг, келдинг жаҳон ичинда,
 Қолдинг дунё ғаминда, юрагинг қон ичинда,
 Обод дея кўл чўздинг таги вайрон ичинда,
 Тан тупроқдир, айланмас жавҳари жон ичинда,
 Рустам қумга қорилиб, қолди майдон ичинда,
 Сен уларнинг ёнида қолмассан сон ичинда.

Дунёлик деб чопарсан то ичингда дам бордир,
 Дам ичингдан чиққанда, бошингда минг ғам
 бордир,
 Ғам остида ётарсан, на унга малҳам бордир,
 Тўймас кўзинг, тўлмоққа бир ҳовуч хок — қум
 бордир,
 Бу жаҳонда, одамзот, сендан ғофил ким бордир?
 Қуртга, қушга назар қил, барча фармон ичинда.

Эй ёронлар, ул дунё борган бордир, келгани йўқ,
 Ўлик-тирик ҳолиндан хабар, хотир билган йўқ,
 Чархи фалак дастидан йиғлаган бор, кулган йўқ,
 Фикр қилинг, қардошлар, кўҳналардан қолган йўқ,
 Ёлғончининг вафоси йўқдир десам, ёлғон йўқ,
 Дунёга бел боғлаган қолди зиён ичинда.

Ё Илоҳо, сен сақла қароқчидан йўлларда,
 Соғу сўлда сарсонлар қолдирмагин чўлларда,
 Кўнгил дунё ишқида, ҳаром сўзлар тилларда,
 Мен бир ожиз бандаман, каминаман қулларда,

Қўп гуноҳлар тошибман оз фурсатли йилларда,
Хижолатда қўймагил яхши-ёмон ичинда.

Махтумқули, алдайди келин дунё безаниб,
Қўнглингни мойил қилма унга қарши тузаниб,
Не фароғат, ётарсан, қўл-оёғинг узаниб,
Ажал ётар олдингда ўқин, ёйин кезаниб,
Маҳшар куни боравер иймөнингни қозониб,
Қуруқ келдинг, бўш кетма охирзамон ичинда.



БАНДАНИНГ

Эй ёронлар, ҳаром ишга қўл урмас,
 Агар дуруст бўлса феъли банданинг.
 Ҳаромга ёндашмас, кирга булғанмас,
 Ҳаққа тўғри бўлса йўли банданинг.

Тоза умринг сўлар ажал бодидан,
 Охир нуқсон келар дунё судидан¹,
 Боши озод бўлар дўзах ўтидан,
 Ҳақни ёд айласа тили банданинг.

Қабрингга солмаслар дунё молидан,
 Юзи қаро, жавоб келмас тилидан,
 Қиёмат кун шиква этар қўлидан,
 Закотсиз йиғилган моли банданинг.

Нафс хаёлда, кўнгил дунё кўйинда,
 Йўл йироқдир, юк овирдир бўйинда,
 Оёғи талабда, қўли ўйинда,
 Ажал оғзиндадир бели банданинг.

Махтумқули, ҳар ким ичин соф этмас,
 Маълумдирки, охиратдан хавф этмас,
 Ожиз тани ўтли гурзга² тоб этмас,
 Ё Раб, нечук бўлгай ҳоли банданинг?!

¹ Суд — фойда, наф, манфаат.

² Гурз — гурзи, тўқмоқ.

АСЛИНГ НЕДИР

Одам ўғли, ўзинг билмай,
 Қадам-қадам ўтажаксан.
 Эгамнинг амрини қилмай,
 Ўз кўнглингни кутажаксан.

Истарсан оламни олсанг,
 Қорун бўлиб, ганжга ботсанг,
 Ҳалол-ҳаром — ҳар не топсанг,
 Кўзинг юмиб ютажаксан.

Недан бўлдинг — билгил борни,
 Унутдинг Парвардигорни,
 Дилга келган ҳар не корни
 Фикр қилмай этажаксан.

Аслинг недир — этгил назар,
 Тутган ишингдан қил ҳазар,
 Ажал сенга этса гузар,
 Хабарин бер, нетажаксан?

Дунёни қизғонч тутмагил,
 Ишинг кўр, бекор ётмагил,
 Махтумқули, унутмагил,
 Кетажаксан, кетажаксан!

АЙРИЛМА

Маст бўлиб юрганча бегона юртда,
 Униб-ўсган ўз юртингдан айрилма.
 Мағрур каклик каби нафс деган дардда
 Домга тушиб, қанотингдан айрилма.

Таваккал эт — халққа сиринг бериб бор,
 Сабрли бўл, бесабрлик ҳам бекор,
 Ҳар қаерга борсанг, насибангдир ёр,
 Бой бўлай деб, иззатингдан айрилма!

Номардлар ҳам ярамаслар, ночорлар,
 Тузинг ичиб, ишинг бўлса қочарлар,
 Сирингни фош этиб, айбинг очарлар,
 Қадринг билган улфатингдан айрилма!

Гадоларнинг кўнгли шоҳликни тилар,
 Нодон кўнгли ёлғон сўзни рост билар,
 Беқадрлар душманингга дўст бўлар,
 Таълим берган устодингдан айрилма!

Биров қашшоқ бўлиб, биров бой бўлар,
 Ҳар кишининг бахти-иқболи кулар,
 Бошга нима келса, тилингдан келар,
 Махтумқули, халқ ёдидан айрилма!

ОШИҚ БҮЛМИШАМ

Эй ёронлар, бир юзи гул оя ошиқ бўлмишам,
 Барчанинг мақсуди — гул раъноя ошиқ
 бўлмишам,
 Булбулам боғ ичра — бир рағфоя ошиқ
 бўлмишам,
 Ўзи вайиб, зулфлари ялдоя¹ ошиқ бўлмишам,
 Манзилим боғ ичрадир, саҳроя ошиқ бўлмишам.

Қай куни келтирди чарх мени фано тупроғина²,
 Куйди бағрим доимо Макка-Мадина доғина,
 Булбул ўлдим, сайрадим, кирдим Эрамнинг
 боғина,
 Мубтало ўлдим у кун ғам аҳлининг тузовина,
 Юз бало, кулфат-ла бир савдоя ошиқ бўлмишам.

Кўнглим ичра ёр ғамидир — манзилим саҳрода,
 ҳай,
 Кийганим ғам-ғуссадир — айланмишам
 Фарҳода, ҳай,
 Солди ишқинг, дилбаро, жону жигарим ўда³, ҳай,
 Водариғ⁴, кечди умрим зоеъ — бердим бода⁵, ҳай,
 Оҳи кўп, афғони⁶ кўп бир кўя⁷ ошиқ бўлмишам.

¹ Ялдо — қишнинг энг узун, энг қоронғи кечаси, мажозан: қора.

² Фано тупроғи — ўтқинчи дунё.

³ Ўда — ўтга.

⁴ Водариғ — ҳай, аттанг, минг афеус.

⁵ Бода — бодга, шамолга.

⁶ Афғон — фиғонлар, фарёдлар, нолалар.

⁷ Кўй — бу ерда: дард, савдо маъносига.

Билмадим: не баҳру бардир¹, не муаззам²
 тоғдир-ей,
 Олди кўнглим, кетди ақлим, тан мудом
 носоғдир-ей³,
 Ўхшаши йўқдир унинг ҳеч — қумри, булбул,
 зоғдир-ей,
 Сочининг ҳар тори юз минг эр учун тузоғдир-ей,
 Қадди-қомати баланд, зебоя ошиқ бўлмишам.

Дўст ҳавои васлини мен мунча чандон истарам,
 Доми зулфинг қасдина ўзимни зиндон истарам,
 Дема ғамдан бир замон кўнглимни хандон
 истарам,
 Бир ғариб ошиқ манам, ёр, сани сандан истарам,
 Кечаю кундуз, билинг, ҳу-ҳоя⁴ ошиқ бўлмишам.

Истамас ёрим мени — ул ёра зорим йўқ менинг,
 Қолмишам ҳайрон бўлиб, ўзга мадорим йўқ
 менинг,
 Олди жоним ишқинг ўти — ихтиёрим йўқ
 менинг,
 Келса — ақлимни олар, кетса — қарорим йўқ
 менинг,
 Ғамзаси — ўқ, қошлари ул ёя⁵ ошиқ бўлмишам.

¹ Баҳру бар — қуруқлик ва сув, яъни бутун дунё.

² Муаззам — улкан, улуввор.

³ Носоғ — хаста, бемор.

⁴ Ҳу-ҳой — нақшбандия тариқатида худони зикр этиш ибораси: ғайбий моҳиятга ишора.

⁵ Ёя — ёйга.

Айтадир Махтумқули: ман унда кона учрадим,
Сайр этиб бордим чарх узра — ломакона

учрадим,

Чун¹ мени расво қилибдир ишқи кона учрадим,
Етмиш икки шахр ила минг бир дўкона учрадим,
Шунча саргардон сафилу² зоя³ошиқ

бўлмишам.



¹ Чун — бу ерда: қанчалик, не қадар.

² Сафил — жуда ёмон, ночор, абгор.

³ Зоя — зоеъ, яъни бекор, беҳуда.

КЎЗИМ ТУШДИ

Шукр, алҳамдулиллоҳ¹,
 Жонона кўзим тушди.
 Майхонада² май³ ичдим,
 Мастона⁴ кўзим тушди.

Эй зулфи — сочи анбар,
 Меҳробки, юзинг минбар,
 Эй лаъли лаби гавҳар,
 Уммона кўзим тушди.

Эй кўзлари эҳроми,
 Кел, кўргали ёроми⁵,
 Эй кўнглимнинг ороми,
 Иймона кўзим тушди.

Эй жоду-жайрон кўзли,
 Эй шахду шакар сўзли,

¹ Алҳамдулиллоҳ — Оллоҳга шукр.

² Майхона — тасаввуфда шавқу завқу илоҳий файзга кон комил орифнинг ботини. Илоҳий олам маъносида ҳам келади.

³ Май — тасаввуф адабиётида илоҳий тажалли тимсоли, ишқ ва ирфон рамзи бўлиб келади. Шунга мувофиқ мастлик илоҳий маърифатдан ҳузурланишни, маънавий завқ дарёсига фарқ бўлишни билдиради.

⁴ Мастона — мастларча, мастлар каби; мажозан: ақлни оладиган даражада гўзал, чиройли, хумор.

⁵ Ёроми — ярамни, жароҳатимни.

Эй шамсу¹ қамар² юзли,
Тобона кўзим тушди.

Орзуда кезар элар,
Хизматга келар қуллар,
Тоза очилган гуллар,
Бўстона кўзим тушди.

Ҳар сочлари бир сунбул,
Гўёки манам булбул,
Эй жаннат аро бир гул,
Ризвона³ кўзим тушди.

Бу дардима сен дармон,
Кўйингда бўлдим нолон⁴,
Махтумқули дер: эй жон,
Жонона кўзим тушди.



¹ Шамс — қуёш, офтоб.

² Қамар — ой.

³ Ризвон — жаннат; саккиз жаннатнинг бири; жаннат эшик оғаси.

⁴ Нолон — нола қилувчи, фигон қилувчи.

БЎЛДИМ ЭНДИ

Ишқ оташига тушдим, парвона бўлдим энди,
 Шавқинг ўтида куйдим, бирёна бўлдим энди,
 Жисмим кабоб бўлди, гирёна бўлдим энди,
 Ганж истаганлар келсин, вайрона бўлдим энди,
 Айрилдим фанимлардан¹, бегона бўлдим энди.

Чиқордим бошдан энди дунё ҳавасин мутлоқ,
 Қай ерга оёқ босдинг, кўзинг оч: ўзингга боқ,
 Кул бўлиб, елга соврил, ул оташда жонинг ёқ,
 Лозим бўлди ўқимоқ аналҳақу миналҳақ²,
 Май ичиб майхонадан, мастона бўлдим энди.

Дунё мендан қувонмас, мен ҳам баҳра олмасман,
 Ичим ёнар, дардим кўп, хушвақт бўлиб
кулмасман,
 Қимматбўхо оламни олти пулга олмасман,
 Дўст қайси, душман қайси — фарқин сира
билмасман,
 Ҳеч кимса билмас ҳолим, аёна бўлдим энди.

Бир мақома дуч келдим: фикр унда фикра
ботди,
 Жон унда жонсиз бўлди — хушидан кетиб ётди,

¹ Фаним — душман, рақиб.

² Аналҳақу миналҳақ — ёлғиз Ўзи ҳақдир.

Жисмим йўлда йўқ бўлди, кўнгил ўзин унутди,
Ишқ қўшин йиғиб келиб, ақл мулкин тўзитди,
Олдирдим ақлимни, девона¹ бўлдим энди.

Махтумқули, ҳар замон, не қилай, бўлмай гирён,
Ботдим фикр баҳрига, чиқа олмасман — бирён,
Жусса — хароб, тан — туроб, кўнглимнинг
шаҳри — вайрон,
Жон, жисм, тил, ақлдан айрилиб, қолдим урён,
Иш келди — бошга тушди, мардона бўлдим энди.



¹ Девона — ишққа ошиғу ҳайрону саргашта бўлган ва сулукка мансуб киши. Ошиқнинг мағлубияти девоналик дейилди.

САЙРОНДА

Ошиқлар Ҳақ ишқинда
 Сайрондадир, сайронда.
 Кўзлар аёл изинда
 Ҳайрондадир, ҳайронда.

Қилди унга Ҳақ раҳмат,
 Илоҳий нурдан қудрат,
 Ҳақ қули Хожа Аҳмад
 Сайрамдадир, Сайрамда.

Ердан чиққан оғочлар,
 Тили саноли қушлар,
 Ҳақ ошиғи дарвешлар
 Даврондадир, давронда.

Ойил¹, ошиғим, ойил,
 Мажнун бўл, халққа ёйил,
 Халил² ўғли Исмоил
 Қурбондадир, қурбонда.

Тур³ тоғида турганлар,
 Неча ғойиб эранлар⁴,

¹ Ойил — ҳушёр бўл, ўзингга кел.

² Халил — Иброҳим пайғамбар.

³ Тур — Арабистондаги тоғ номи.

⁴ Эран — валий, Оллоҳнинг дўсти.

Җамолингни кўрганлар
Җайрондадир, Җайронда.

Тўлдирган бу жаҳо(н)ни,
Сўз-ла икки дунёни,
Җамма ишнинг баёни
Қурьондадир, Қурьонда.

Махтумқули, оч тиллар,
Қуллик этгил ой-йиллар,
Қулликни қўйган қуллар
Армондадир, армонда.



КЎНГИЛ

Билмасам ҳеч — қайси дарднинг мубталосидир
кўнгиЛ?

Ё Раб, ул бир бевафонинг муддаосидир кўнгиЛ!
Ишқ — тубсиз бир денгиз, ҳижрон бир ўт —
поёни йўқ,

Ишққа майл этган бу ўтларга ёносидир, кўнгиЛ.

Билмаган отмиш ўзин ишқ ўтига парвонадек,
Энди билмас чорасинким, не қилосидир, кўнгиЛ?

Боқ: Масиҳ ҳам бемажол, Луқмон бу ерда гунгу
лоЛ,
Ишқ ўтининг бу маҳал на иш давосидир, кўнгиЛ?!

Гар муҳаббат дардидир девона жоннинг офати,
Ушбу ғамнинг аҳли дил¹ доим эгосидир, кўнгиЛ.

Неча маҳрум бенаволар² топдилар ундан наво³,
Менга ман этган уни бахтим қаросидир, кўнгиЛ.

Йиғлабон, Махтумқули, даргоҳига арз айлагил,
Не учун, кўп йиғлаган бир кун кулосидир, кўнгиЛ.

¹ Аҳли дил — маърифат аҳли, орифлар, донишмандлар.

² Бенаво — бебахра; бедард, беҳабар.

³ Наво — бу ерда: бахра, насиба.

ФАРМОН ЧИҚАР

Гар топса ҳолимдан хабар, қуруқ ёғочдан қон
чиқар,

Инсон шароримдан¹ асар топса, танимдан жон
чиқар.

Қорун қилиб молин адо, қилмоқ тилар юз жон
фидо,

Қун шамъидан бўлиб жудо, нурын қўйиб, пинҳон
чиқар.

Маскан тутиб бир гўшани², қилсам тасаввур
қудратин,

Вайрона ҳар бир гўшадан юз ганжи бепоён
чиқар.

Қўнглимга келган нақшлар кўзларга пайдо бўлса
гар,

Тушса кўзи нодон элин, комил бўлиб, мардон³
чиқар.

¹ Шарор — учқун, аланга.

² Гўша — бурчак, хилват, чекка жой.

³ Мардон — мардлар, эрлар.

Ҳеч билмаган зеру забар¹ гар топса журмимдан²
асар,
«Бе»дан, «алиф»дан³ беҳабар ҳар дамда бир Қуръон
чиқар.

Ҷабр этди Ҷамшид жонига, етгайди маъдан
конига,
Юз йил яшаб, поёнига на Золу на Луқмон
чиқар.

Мен ҳам, Фирӯғий, ул қадар ақлимни қилдим
дарбадар,
Соҳибҳунар⁴ топса хабар, боғлаб қанот осмон
чиқар.

Махтумқули, оз айла сўз, қолгай бари тоғу денгиз,
Тупроққа тўлса ушбу кўз, Ҳақдан яна фармон
чиқар.

¹ Зеру забар — араб алифбосидаги фатҳа («а») ва касра («и») белгилари.

² Журм — гуноҳ, айб.

³ Бе, алиф — араб алифбосининг иккинчи ва биринчи ҳарфлари.

⁴ Соҳибҳунар — ҳунарманд, бирор илм ёки санъат эгаси.

НАВРЎЗДАН СЕНИ

Бўлмади васлинг насиб, гар истадим кўздан сени,
 Дединг: «Ўтсин қиш, топарман нурли Наврўздан
 сени!»

Сайладим, севдим, санам, мен бир бўлак қиздан
 сени,

Нега белинг қучмадим топиб дала-туздан сени,
 Истагум Ҳақдан: қовуштиргай менга тиздан сени!

Севганимсан — кунда бир дам ёдингга олсанг
 мани,

Кунда юз қатла тиларман ёрдан — Ҳақдан сани,
 Бошқа кунда ўтга солдинг мен — бепарво
 бандани,

Ҳақ кўтарсин орадан, шояд, рақиб —
 шармандани,

Қизған, эй, биздан яна инжитсалар¹ сўздан сени.

Ҳақ қошинда сўзим ўтмас: мен каби овора йўқ,
 Ўзу ёт раҳм айламаслар: мен каби бечора йўқ,
 Юрагим юз поради, гарчи танимда ёра йўқ,
 Сен — ғарибсан, мен — фақирман, сенда, менда
 чора йўқ,
 Севгилим, тақдири Ҳақ қилмиш жудо биздан сени.

¹ Инжитмоқ — ранжитмоқ, хафа қилмоқ.

Бовига кирсам саҳар, булбул бўлиб қилсам ўйин,
Қолса вафлатда рақиб, бир дам солишсак қўл,
бўйин,

Ҳақдан ўзга чора йўқдир, не қилай мен,
найлайин,

Хипча бел, ширин забон, каклик қадамсан, воз
бўйин,

Сақласин Оллоҳ паноҳида ёмон кўздан сени!

Кўргаю душман вафонг, дўстинг чекар жабру
жафонг,

Бўйла дилдорлик бўларми, кўрмадим завқу
сафонг?

Ўлчасам, Болқон беролмайди сенга лойиқ баҳонг,
Айтадир Махтумқули: ёлфон қароринг, йўқ
вафонг,

Бевафолар кўп совутмишлар, санам, биздан сени.



БОҒЛАР, ҲЕЙ!

Қисмат бўлмас — кетсам узоқ йўллара,
 Насиб қўймас, кетар йўлим боғлар, ҳей!
 Ҳайрон Мажнун бўлиб чиқсам чўллара,
 Бориб маскан тутсам сизни, тоғлар, ҳей!

Ўйин билай йигитликнинг дамидан,
 Кечдим-келдим комилликнинг жамидан,
 Кўнглим ларзон бўлди дунё вамидан,
 Тугди кўксим парча-парча доғлар, ҳей!

Қайта-қайта йигитликнинг ройиндан,
 Етиб келдим комилликнинг пойиндан,
 Ботди бошим — чиқа билмам лойиндан,
 Ёдга тушар у кун кезган чоғлар, ҳей!

Болаликдан тўрт тарафга отишган,
 Нодонликда ҳамма ишга қотишган,
 Ожиз қолиб, қариликка етишган,
 Дард атаниб, ўз-ўзиндан йиғлар, ҳей!

Маъни топган Махтумқули сўзиндан,
 Фикр айлаб, қон ёш тўкар кўзиндан,
 Ҳамма нарса ислоҳ топар Ўзиндан,
 Ё Раб, йиқилмасми улўф тоғлар, ҳей!

БУ ДАРДНИ

Сайр айладим, кездим ишқнинг тоғида,
 Не балодир кимса чекар бу дардни.
 Ишқ тоғин оссалар кўкнинг бўйнига,
 Кўк титрабон чека билмас бу дардни.

Ишқ асар этмаса, ёнмас чироқлар,
 Ишқ келганда қушлар инграр, қурт йиғлар,
 Эгилар ҳайбатли, қувватли тоғлар,
 Тошлар эриб, чека билмас бу дардни.

Ким кўтарган ишқнинг юкин мардона,
 Фалак кўрди — кўрқиб тушди гардона,
 Замин жунбиш айлаб, қолди ларзона,
 Чўллар чидаб, чека билмас бу дардни.

Жаннат қочиб чиқмиш Аршнинг уйина,
 Дўзах кўрқиб тушмиш ернинг тейина,
 Қочди дарё, одам олди бўйнина,
 Тўрт юз йиллаб чека билмас бу дардни.

Махтумқули, чексанг дардни тубиндан,
 Осий бўлиб, шиква қилма бу кундан,
 Бу ўлмоқ-айрилмоқ қолибдир ундан,
 Одам Ато мерос қўймиш бу дардни.

ҚОШИ ЁЙ

Бир дилбара дуч келдим: киприги — ўқ, қоши —
ёй,

Хуснидан кун ҳайрондир, хижолатда тўлин ой.

Жонинг берсанг жоиздир бундай гўзал маҳбубга,
Ҳеч кўрмадим унингдай сарвқадни, ҳойнаҳой.

Фулула тушди қўбуз ҳам жанг-жангга тушди чанг,
Чанг шавқидан ул нигор не нолага тушди най.

На ишратдир ошиққа жаннат ичра жамоли,
Айрилиқнинг оташи дўзах ичра вайлу вой¹.

Дийдоридан дилдорнинг бўлма яна бебахра,
Қолмагайсан менингдек ақли озу кўрка бой.

Истаса олимларни шайтон этар ул дилбар,
Хоҳлаганни Халилдек ўғлонига берди пой².

Махтумқули ҳамиша нола қилар фалакка:
Қулингман, маҳрум этма даргоҳингдан, ё Худой!

¹ Вайлу вой — доду фарёд.

² Пой — бу ерда: мартаба, даража.

ПОРА-ПОРАДИР

Эй дўстлар, чарху фалакнинг дастидан
 Менинг бу юрагим пора-порадир.
 Сизиллашар таним Айюб¹ танидек,
 Киши билмас — бир овирсиз ёрадир.

Ғариб агар ғариб ерда юражак,
 Кўзларидан қонли ёшлар эражак,
 Ошиқ агар маъшувини кўражак,
 Гул-гул очилар, гар кўнгли порадир.

Уруғ соч, ўрарсан, келганинг жоя,
 Умрингни ўтказма беҳуда, зоеъ,
 Назар айласангиз ушбу дунёя,
 Келган кетар, турмас, кўҳна саро(й)дир.

Махтумқули қилмиш жигарин бирён,
 Дили қонга тўлмиш, кўзлари гирён,
 Шундай ожиз қолмиш, ёлвориб ҳар ён,
 Раҳм этган бўлмади — бахтим қорадир.

¹ Айюб — Айюб пайғамбар. У зот серфарзанд ва бой-бадавлат бўлган. Лекин бирин-кетин бошига фалокат тушади: мол-дунёсидан ажралади — қаноат қилади; етти ўғилу етти қизидан жудо бўлади — сабр айлайди; соғлиги кўлидан кетади — шикоят этмайди. Бу сабру қаноатининг ажри сифатида Оллюҳ таоло унинг барча йўқотганларини қайтариб беради. Айюб — мумтоз шеърятда сабр-қаноат тимсоли бўлиб келади.

АЙЛАДИНГ МЕНИ

Эй Худоё, қудратингдан,
Йўқдан бор айладинг мени.
Тенг-тўшлардан жудо қилиб,
Фамгусор айладинг мени.

Бахту иқболим ҳеч кулмай,
Тилакларим қабул бўлмай,
Дунё илмин ато қилмай,
Молга зор айладинг мени.

Қардошу ота-онамдан,
Айрилишиб туққанамдан,
Жудо тушиб эл-юртимдан,
Мусофир айладинг мени.

Махтумқули фиғон айлар,
Кўзда ёшин равон айлар,
Ҳаққа зору нолон айлар,
Шунча хор айладинг мени.



ЭЙ ПАРИ

Эй пари, ошиқлигим айтсам, ёнарман, тўғриси,
Кўрмагунча гул юзингни беқарорман, тўғриси.

Шаҳрингизда бир пари отин эшитдим: мен
сенинг,
Булбули бечора — кўнгли тўла зорман, тўғриси.

Бир бозиргонам¹ манам — ишқин матосин
сотарам,
Шаҳрингизга келмишам, бас, савдогарман,
тўғриси.

Шаҳрингиздан кета олмайман — ҳаромдан
қўрқаман,
Етти пирнинг лафзидан бир ёдгорман, тўғриси.

Эй пари, зулфинг гўзал мунча, сенингдек хўблара,
Айтадир Махтумқули: хизматқорман, тўғриси.



¹ Бозиргон - савдогар.

ИБО АЙЛАР

Менглихоним енгин тишлаб,
 Биздан ибо айлар мудом.
 Ҳар ён боқиб, аста босиб,
 Биздан ибо айлар мудом.

Дўстим, қулоқ солгил сўза:
 Қора зулф ярашар юза,
 Сурма қўйиб қора кўза,
 Биздан ибо айлар мудом.

Бошида қизил рўмоли,
 Билмайман: не ёр хаёли?
 Кўз этиб ёвмут мисоли
 Биздан ибо айлар мудом.

Бахтим кулмас — юрай десам,
 Йўқдир молим — берай десам,
 Гул юзингни кўрай десам,
 Кулиб ибо айлар мудом.

Кўришайлик, Менглихоним,
 Юрак-бағрим, ширин жоним,
 Фирогий дер: дин, имоним,
 Йўқ деб, ибо айлар мудом.

БЕЧОРАМАН

Ватанимда хон эдим,
 Хонлара фармон эдим,
 Дардлара дармон эдим,
 Мискина дўкон эдим,
 Жонсизлара жон эдим,
 Найлай, энди бечораман.

Кўзсизларнинг кўзи эдим,
 Гунгу лолнинг сўзи эдим,
 Эл-юртимнинг юзи эдим,
 Севар маъшуқ нози эдим,
 Ҳотам Тойнинг ўзи эдим,
 Найлай, энди бечораман.

Эрам ичра райҳон эдим,
 Ватанга зарафшон эдим,
 Мард қўлида камон эдим,
 Тоғ бошида туман эдим,
 Фирогий дер: омон эдим,
 Найлай, энди бечораман.



КАРАМ ИСТАРМАН

Аввал-бошдан, қодир Оллоҳ,
 Сендан бир карам истарман.
 Бодом қовоқ, олма ёноқ,
 Бир зебо санам истарман.

Тангри бермаса, нетасан?
 Бош олиб, қайга кетасан?
 Нозлари бағринг ўртаса,
 Қошлари қалам истарман.

Ўзига хурмат кетирган,
 Эрнинг хизматин битирган,
 Қошга чин солмай ўтирган,
 Нигоҳи малҳам истарман.

Йигирма ёш ўтди мендан,
 Шод бўлмадим, дунё, сендан,
 Тили ширин, лаби хандон,
 Бир қўйни Эрам¹ истарман.

Фировий, келдим жаҳона,
 Бир ёр бер ақлли, доно,
 Учрадим тенгсиз нодона,
 Қадр билар одам истарман.

¹ Бу ерда қучоғи Боғи Эрамдай дейилмоқчи.

ЧОҒДИР БУ ЧОҒЛАР

Саҳар вақти ғофил бўлманг, ёронлар,
 Даргоҳлар очилур чоғдир бу чоғлар.
 Раҳматга дуч келди бу вақт эранлар,
 Ҳақ нури сочилур чоғдир бу чоғлар.

Осий бўлма, гуноҳингдан ёнавер¹,
 Ўзинг тани, менлигингдан инавер²,
 Яхши вақтдир — тавба қилиб, дўнавер,
 Ёзиқлар кечилур чоғдир бу чоғлар.

Ҳақ сени сақласин ҳижрон елидан,
 Адашмагин йўлчиларнинг йўлидан,
 Муҳаббат жомлари³ дўстнинг қўлидан,
 Ҳозир бўл, ичилур чоғдир бу чоғлар.

Юз йил кезсанг, ёлғончини сурибон,
 Тан тупроққа дўнар бир кун арибон,
 Йўқлик майдонида мажлис қурибон,
 Менликдан қочилур чоғдир бу чоғлар.

Махтумқули, кетдинг дунё кўйина,
 Жоҳилликда кўнгил кўйдинг уйина,
 Энди оёқ кўйдинг ўтгиз ўйина,
 Кўз ёшлар сочилур чоғдир бу чоғлар.

¹ Ёнмоқ — бу ерда: қайтмоқ

² Инмоқ — юқоридан настага тушмоқ. Бу ерда манманликдан воз кечиш ҳақида гап кетаяпти.

³ Жом — май ичиладиган идиш, қадах.

ТУРКМАННИНГ

Жайхун билан Хазар¹ баҳри ораси,
 Чўл устидан эсар ели туркманнинг.
 Гул-гунчаси қаро кўзим қораси,
 Қора тоғдан энар сели туркманнинг.

Ҳақ сийламиш — бордир унинг сояси,
 Ёйилар чўлида нори, мояси,
 Ранг-баранг гул очар қиру қояси,
 Фарқ бўлмиш райҳонга чўли туркманнинг.

Қизил-яшил бўлиб чиқар париси,
 Ҳар ёққа таралар мушк-анбар иси,
 Бек, тўра, оқсоқол, юртнинг эгаси,
 Кўз қувнатар гўзал эли туркманнинг.

Отаси марддир, у марднинг зурёди,
 Мағрурдир, чунки Гўрўғли авлоди,
 Дала-қирда ўққа тутса сайёди²,
 Ола билмас, йўлбарс ўғли туркманнинг.

Кўнгиллар, юраклар бир бўла бошлар,
 Уюшса, эрийди тупроқлар, тошлар,
 Бир суфрада тайёр қилинса ошлар,
 Юксалади бахт-иқболи туркманнинг.

¹ Хазар — Каспий денгизи.

² Сайёд — овчи.

Кўнгил ҳаволанар отга чиққанда,
 Тоғ лаълга айланар қиё боққанда,
 Бол келтирар дарё тўлиб оққанда,
 Кам бўлмас меваси, боли туркманнинг.

Ғафлатда қолмас, жанг куни хор бўлмас,
 Қарғишу нафратга гирифтор бўлмас,
 Булбулдан айрилиб, сўлиб, зор бўлмас,
 Доим анбар сочар гули туркманнинг.

Кўнгли қоралар ҳам уруғнинг ёри,
 Толеи терс эмас, ёғар Ҳақ нури,
 Мардлар отга минса, борар жанг сари,
 Ёв устига элтар йўли туркманнинг.

Сархуш бўлиб чиқар, бағри доғланмас,
 Тошларни синдирар, йўли боғланмас,
 Кўзим ётга тушмас, дил йироқланмас,
 Сўзлар Махтумқули — тили туркманнинг!



САНГИ ТОҒИ

Жондан азиз, Санги тоғи,
 Кўкка етар белинг сенинг.
 Душман кўрса, дадиллашар
 Ёвмут, гўкланг элинг сенинг.

Тикка, адил йўлинг кечар,
 Қирлар бағри кўнгил очар,
 Муздай чашма сувин ичар,
 Сурув-сурув молинг сенинг.

Турли-туман ўтинг битар,
 Ҳар даранг бир элга етар,
 Қаторлашиб карвон ўтар,
 Машҳур жуда йўлинг сенинг.

Гашт айлабон яйлов борсак,
 От чоптириб, соврин берсак,
 Кенг майдонда хирмон қурсак,
 Нондан тўлар дўлинг¹ сенинг.

Махтумқули довон ошган,
 Даври-даврон сендан кечган,
 Туфилган ердан эл кўчган,
 Қандай кечар ҳолинг сенинг?²

¹ Дўл — тегирмон тоши тепасига ўрнатилган идиш.

² Санги тоғига Эрон қўшинлари ҳужум қилганда, Махтумқули бу ерни ташлаб, Қарриқалъага кўчишга мажбур бўлади. Бу шеърда унинг Санги тоғи билан хайрлашгани тасвирланган.

ЭЛНИ КҮЗЛАР

Элидан айри тушган
 Оҳ урар, элни кўзлар.
 Йўлидан айри тушган
 Жаҳд этар, йўлни кўзлар.

Кўкда фалак чарх урар,
 Ерда халқ сарсон юрар,
 Бу дунё бир фирибгар,
 Кўз очган молни кўзлар.

Кимга мерос тахту тож,
 Кимлар гадою муҳтож,
 Кимлар азал яланғоч,
 Ким ипак қолни¹ кўзлар.

Ким нон топмас ейишга,
 Ким жой топмас қўйишга,
 Ким тўн топмас кийишга,
 Ким йиртма шолни² кўзлар.

Бу дунё бир тепадир,
 Ким қолиб, ким кетадир,
 Ҳар ким бир иш этадир,
 Ҳар ким бир ҳолни кўзлар.

¹ Қол — гилам, қолин.

² Шол — юнг газлама

Вақт чексиздир, умр оз,
Тўрт фаслга бошдир ёз,
Кўкда қанот қоққан фоз
Кўзлари кўлни кўзлар.

Махтумқули, хуш айлаб,
Кезгил кўзинг ёш айлаб,
Телба кўнгил жўш айлаб,
Юз минг хаёлни кўзлар.



ЙЎЛДОШ БЎЛГАН

Ҳар бир сўзи жонга мадор,
Яхши билан йўлдош бўлган.
Қочиб қутулмоққа тайёр,
Ёмон кимсага дуч бўлган.

Бу дунёдан барча ўтар,
Мақсад ҳосилини кўтар,
Дам-бадам ғам-ғусса ютар,
Бир ёмонга қардош бўлган.

Ҳар ёмон сўз дилни тиглар,
Яхшини олам орзулар,
Ҳеч унутмай, кўрмак тилар
Бировдан кўнгли хуш бўлган.

Ҳар кимсада ҳунар йўқдир,
Душманида ҳазар йўқдир,
Яхшилик этса ер йўқдир
Шу айёмда ювош бўлган.

Махтумқули ўгит айтар,
Тушунган қулоғин тутар,
Ўзини оқсоқол атар
Бузилган элга бош бўлган.

ОТЧА БҮЛМАС

Эшак иши эшакка хос,
 Минг мақтасанг, отча бӯлмас.
 Таги пастга амал тегса,
 Асли тоза зотча бӯлмас.

Фоний дунёга инонманг,
 Олтин-кумушга қувонманг,
 Куёв деб кўп куйиб-ёнманг,
 Туғишган авлодча бӯлмас.

Кўп йўлларни кўрса кўзинг,
 Ҳар ҳикматдан огоҳ ўзинг:
 Бир нодонга айтган сўзинг
 Эсиб ўтган бодча бӯлмас.

Бошинг ёстиққа етганда,
 Сабру қарор қолмас санда,
 Кучдан, қувватдан кетганда,
 Ҳеч киши зурёдча бӯлмас.

Махтумқули, ажаб чоғлар,
 Биров кулиб, биров йиғлар,
 Турли мевага кон боғлар
 Соврилар, жаннатча бӯлмас.

БЎЛАРСАН

Юксак тоғ, юксаклигингга ишонма,
 Оташда эриган зардек бўларсан.
 Азим дарё, ҳайбатингга қувонма,
 Бир кун келиб қуриб, ердек бўларсан.

Тоғларнинг арслони, қоплон, паланги¹,
 Охири тенг бўлар фил-пашша жанги,
 Жайхун дарёсининг, Нилнинг наҳанги²,
 Тушовланган эшак — хардек бўларсан.

Қиёматдан сўзлай, тутгил қулоқда:
 Товон бор ноҳақ урилган таёқда,
 Золимлар хор бўлар, қолар оёқда,
 Ғариб, сен йиғлама, шердек бўларсан!

Яхши бедов минган, гўзал ёр қучган,
 Бирга элтибдими бақога кўчган?
 Ҳақиқий номарддир иймонсиз кечган,
 Иймон билан борсанг, нурдек бўларсан.

Яхшилар ёнида юргил сен ўзинг,
 Дур бўлсин доимо сўзлаган сўзинг,
 Олимга ёндашсанг, очилар кўзинг,
 Жоҳилга ёндашсанг, кўрдек бўларсан.

¹ Паланг — йўлбарс.

² Наҳанг — катта балиқ, аюла.

Луқмондек ҳар ишнинг чорасин билсанг,
Рустамдек девларга ҳукм-фармон қилсанг,
Искандардек ернинг юзини олсанг,
Бир кун яқсон бўлиб, ердек бўларсан.

Махтумқули, ўйлаб қўйгин тошингни,
Жойин билиб сарф эт нону ошингни,
Комил топсанг, тик йўлида бошингни,
Эр ёнида юрсанг, эрдек бўларсан.



ЎЙИНЧИ ДУНЁ

Ўйинчидир бу дунё,
Ўйинин қилди-кетди.
Чув тушириб нечани,
Йўлдош деб олди-кетди.

Ақл, фикр эт, ҳар қачон
Юз қўнган бор, юз қўчган,
Тахти осмонда учган
Сулаймон ўлди-кетди.

Ё мурувватли шоҳим,
Умидим, қиблагоҳим,
Шунча йиғиб Иброҳим,
Нимани олди-кетди?

Жигарин доғлай-доғлай,
Зуннорин боғлай-боғлай,
Баъзилар йиғлай-йиғлай,
Баъзилар кулди-кетди.

Кимлар гулга айланмиш,
Гулдан кулга айланмиш,
Кимлар гилга айланмиш,
Кимлар-чи, сўлди-кетди.

Бир кун гўрда ётарсан,
Мангу макон топарсан,

Бехуда мол йиғарсан,
Йиққанинг қолди-кетди.

Аҳмоқлик билан ўзим,
Билмадим айтган сўзим,
Махтумқули дер: кўзим
Қон ёшга тўлди-кетди.



ҲАР ЁНА

Ёрсизликдан ёмон иш йўқ,
 Кўз солиб боқсам ҳар ёна.
 Ё Оллоҳ, менга бир ёр бер,
 Кўп машаққат етди жона.

Бир ёр бергил эпли-шудли,
 Кўкси баланд, кўнгли ўтли,
 Тилли, ақлли ҳам дидли,
 Юзлари ойдан нишона.

Қадр билгандан ажратма,
 Беқадрга йўлдош этма,
 Тил билмас ила дуч этма,
 Содда тил бўлсин — туркона.

Ҳақнинг карами кенгдир — кўр,
 Дуо қилиб, тилагинг сўр:
 «Ҳар не берар бўлсанг, тез бер,
 Ишонч йўқ чунки бу жона!»

Бўйи узун, паст бўлмасин,
 Ҳаддан зиёд маст бўлмасин,
 Ақлсиз, нокас бўлмасин,
 Соддадил бўлсин — туркона.

Яхши аёл қўлга келмас,
 Нодон яхши қадрин билмас,

Аёлсизга мадор бўлмас,
Айлансанг-да Сулаймона.

Дарвешларга йўлсизликни,
Йигитларга молсизликни,
Илоҳи, аёлсизликни
Кўрсатма ҳеч мусулмона!

Махтумқули, ёнсам, пишсам,
Инонмаслар ўтга тушсам,
Ҳавасим бор: бир қиз қучсам,
Десам сўз кўнглим олгона.



КЕРАҚДИР

Манман деган мард йигитга
 Бир муносиб ёр керакдир.
 Арабий арғумоқ билан
 Олмос зулфиқор¹ керакдир.

Йигит ўлар юрт устинда,
 Жонин берар ор устинда,
 Мард йигитлар эл устинда,
 Номус билан ор керакдир.

Беш кун умр завқин туйгани,
 Сочиқ ёзиб, нон қўйгани,
 Шухратинг элга ёйгани,
 Қўлингда шунқор керакдир.

Макка борган бўлар ҳожи,
 Айрилиқ — ўлимдан аччиқ,
 Мард йигитнинг ор — қиличи,
 Ошиққа дийдор керакдир.

Орттирар чарх оху зоринг,
 Олар қўлдан ихтиёринг,
 Махтумқули, севар ёринг
 Қора зулфи тор керакдир.

¹ Зулфиқор — Ҳазрат Алининг қиличи.

ИЧМАЙИН ЖОМИМ

Тўзмайман, тўймайман, турмайман, эй ёр,
 Шу соқий¹ қўлидан ичмайин жомим.
 Жомга май қуйганинг кўрмасин ағёр²,
 Келмайин хушимга, билмайин комим³.

Ғаввос бўлибман-у, сузибман қўлни,
 Ҳамроҳ топибман-у, тутибман йўлни,
 Шавқинг шаробидан бўлибман далли,
 Билмам, қандай кечар тонгиму шомим?

То нафас тандадир, танда жон бордир,
 Дил сенга мойилдир, кўз интизордир,
 Чекканим фифондир, қилганим зордир,
 Токи бу дард ила кечар айёмим.

Кўзларинг жаллоддир, тилларинг айёр,
 Ғамзанг бемор айлар, юзларинг бедор,
 Мансурдай балога бўлсам гирифтор,
 Кетарман сен сари ошиб мақомим.

¹ Соқий деганда сўфийлар Оллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, маъшуқани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби, улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, вайб маърифатидан баҳраманд этадилар.

² Ағёр — рақиблар, душманлар, бегоналар.

³ Ком — бу ерда: орзу, истак, мақсад.

Махтумқули, гафлат ичра кўп ётдим,
Тавба айлаб, иймон таъмини тотдим,
Ўзимни унутдим, ҳушим йўқотдим,
Фироғий деб атанг бундан сўнг номим.



ЁНДИРАР

Баъзида бир фикр банд этиб кўнглим,
 Хаёл босиб келиб, бошни ёндирар.
 Юрагим жўш уриб, жам бўлиб ақлим,
 Тафаккур тувёни ҳушни ёндирар.

Саҳар вақти дарвеш нолишга келса,
 Белидан иш олиб, бўйнига солса,
 Тангри суйган банда бад дуо қилса,
 Фалакни титратар, Аршни ёндирар.

Аҳмоқ ўзин оқил билан тенг айлар,
 Бир иш қилиб, сўнг сен билан жанг айлар,
 Зеҳнингни койитиб, ақлинг танг айлар,
 Сўзингни англамас, тўшни¹ ёндирар.

Кимнинг Али, кимнинг Валиси улуғ,
 Улуғларга ҳурмат айлар ҳар уруғ,
 Етмиш икки миллат тупроқда фориг,
 Итпараст миллатни, лошни ёндирар.

Махтумқули Ҳақдан пиёла чекса,
 Пиёла жўштирса, хаёла чекса,
 Ошиқлар бағридан бир нола чекса,
 Тоғларни сел қилиб, тошни ёндирар.

¹ Тўш — бу ерда: кўкс.

ГАРДИ БИЛИНМАС

Ёвмут, гўкланг низо чиқиб ўзидан,
 Қўшин тортди — олди-орти билинмас.
 Мўр-малахдай¹ чиқди Даҳон тузидан
 Юрган йўли, қўнган юрти билинмас.

Қўрга солсанг, аямасдан тепишар,
 Ҳайбатидан тоғу тошлар ёпишар,
 Ўлик туриб, тириклари ёпишар,
 Арслони, тулкиси, ити билинмас.

Бор уч минг найзабоз — сара навқари,
 Тўрт минг қуролланган қалъа йиқари,
 Даҳшат солар юриш бошласа бари,
 Душманнинг номарди, марди билинмас.

Аҳли эллар номус этиб келарлар,
 Қалъанг бузиб, тахтинг барбод қиларлар,
 Дов чекиб, Исфаҳон шаҳрин оларлар,
 Бу кентларнинг учи, тўрти билинмас.

Махтумқули, Алиники бу майдон,
 Не иш қилар, кўринг, Бу Бакр, Усмон,
 Ўт дамидан тўлди замин у осмон,
 Хуросоннинг хоки, гарди билинмас.

¹ Мўр-малах — чумоли ва чигиртка; қурт-қумурсқа.

ТЕПА НИМА, ТУЗ НИМА?

Арабий арғумоқ етса ёшига,
 Фарқ айламас тепа нима, туз нима?
 Кучга тўлган мард йигитнинг қошида
 Олтмиш нима, етмиш нима, юз нима?

Номард ўғли кўрқиб қочар майдондан,
 Одамдек кўринар ёғоч ҳар ёндан,
 Ажратолмас хавfli ерда душмандан
 Кўрқоқ киши туман нима, тўз¹ нима?

Сипоҳ бўлиб минар отин билмаган,
 Ориф бўлиб, ўз иззатин билмаган,
 Мажлис ичра сўз лаззатин билмаган,
 Ҳеч вақт билмас суҳбат нима, сўз нима?

Қарға ҳеч вақт бўлмас лочин сониди,
 Тенг келолмас сира кураш ониди,
 Оч қарчиғай, олғир лочин ёнида,
 Мингта бўлсин, ўрдак нима, фоз нима?

Махтумқули, сўз қайнайди тилингдан,
 Номардларга йўл берма ўнг-сўлинингдан,
 Келарми-келмасми бир иш қўлинингдан,
 Тилдан учган бу журъатли сўз нима?

¹ Тўз — гард, тўзон, чанг.

ИЗЛАМАЙИН БЎЛАРМИ?

Бир каклик олдирса турфа боласин,
 Сайрай-сайрай изламайин бўларми?
 Бир булбул йўқотса қизил лоласин,
 Ҳасратидан сўзламайин бўларми?

Эшак хўтигини йўқотган чоғи,
 Тўрт ёнга термулиб, излар ушоғин.
 Оқмоя олдирса қўлдан қўшоғин,
 Бағрин эзиб, бўзламайин бўларми?

Бола сасин тинглар осиб қулоғин,
 Тўка-тўка кўз ёшининг булоғин,
 Оқ жайрон олдирса қўлдан улоғин,
 Маърай-маърай кўзламайин бўларми?

Оқсоқнинг қўлидан олсанг ёғочин,
 Ёмон ҳолга тушар, топмас иложин,
 Бир кучли душманга тушса мегажин,
 Жужувини кизламайин бўларми?

Айрилиқни одам ўғли найласин,
 Ким қолур кўрмайин ажал ҳийласин,
 Махтумқули, ҳайвон билса боласин,
 Инсон бағрин тузламайин бўларми?

ТҮКАР БҮЛДИК ЁШИМИЗ

Бошга кўнсин дея давлат ҳумойи¹,
 Дуо қилиб, тўкар бўлдиқ ёшимиз.
 Истагим ижобат айла, илоҳи,
 Шармсор бўлди-кетди қизилбошимиз.

Хизр² кезган чўлда эл хуррам бўлсин,
 Юртимиз биноси мустаҳкам бўлсин,
 Топган-тутганимиз бирга, жам бўлсин,
 Бир суфрада адо бўлсин ошимиз.

Дарвешлар хотиржам борсин намозга,
 Йигитлар жам бўлсин суҳбату созга,
 Интизор элимиз етишсин ёзга,
 Уч ой тўлиб, тамом бўлсин қишимиз.

Туркманлар жам бўлиб, бир қилса тилни,
 Қуритар Қулзумни, дарёи Нилни,
 Така, ёвмут, гўкланг, язир, олили³ —
 Бир давлатга бирлашсайдик бешимиз.

¹ Ҳумо — кимнинг бошига сояси тушса, ўша киши бахтли бўлади, деб эътиқод қилинадиган афсонавий давлат қуши.

² Хизр — зулмат қаъридаги оби ҳаёт — тириклик сувини излаб топган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар сифатида кўнгина халқлар адабиётида учрайди. У одамларни мушкул аҳволдан қутқарадиган, уларда ёрдам берадиган, мақсадга олиб борадиган тўғри йўлни кўрсатадиган халоскор сиймосида тасвирланади, ошиқлар ҳомийси ҳисобланади. Одатда, Хизр дарёда, Илёс пайғамбар саҳрода юриб, адашганларга йўл кўрсатадилар.

³ Така, ёвмут, гўкланг, язир, олили — туркман уруғлари.

Махтумқули дер: жон тириклигида,
Мўминни қўйма кофир хўрлигига,
Ривож бер ёвмут-гўкланг бирлигига,
У Камолхон афғон бўлсин бошимиз!



БАҒРИМ ТИЛҒОНИМ

Дардли дилбар, дардлашайлик, кел бери,
 Менинг ҳам жуда кўп бағрим тилгоним.
 Тилагайман мен ҳам сендай бир ёрни,
 Сени тилашимда йўқдир ёлғоним.

Агарда маслаҳат солсам билишар,
 Дейдилар: «Ёғ билан асал келишар».
 Қисматимни сўраб, ёлворсам саҳар,
 Аввал бир ёр бўлар ёдга солгоним.

Билганлар менгзашар бебаҳо дурга,
 Бегонага ўхшаб қарама ерга,
 Худо тақдир қилса, бўлармиз бирга,
 Сен менинг ёримсан, сенсиз ўлгоним.

Ҳар дилбарким, кўнгил уйин ёритар.
 Ётган бахтинг ўшал қайта юритар,
 Қарғишим тошларни мумдай эритар,
 Парқудай яйрайди олқиш қилгоним.

Гўзал ҳусни қуёш каби сўлмайди,
 Гул ҳидлаган қариш нима билмайди,
 Махтумқули бош бермаса келмайди,
 Меҳримни бағишлаб, назар солгоним.

ДАРД БЎЛДИ

Кўнгил бердим бир бевафо маҳбубга,
Ташлаб кетди, дови жонга дард бўлди.
Дедим: «Қарамайман энди ул хўбга»,
Лекин йўлда тушиб кўзим тўрт бўлди.

Манман бўлиб, этдим ишимни зоеъ,
Иқболим отини ботирдим лоя,
Ё бир мардга дуч эт, ёки Худоя,
Банда иши олд босмади, орт бўлди.

Туйғуним¹ тўр бўлиб, қочди сайёддан,
Бағрим ғамдан тўлди, юрагим ўтдан,
Қўрқаман: ёр бизни чиқарар ёддан,
Бошқа жойда маскан тутди, юрт бўлди.

Санам қўлга кирмай, солдим бозимни²,
Лочин қувди, қарға олди ғозимни,
Шунча фақирликка урдим ўзимни,
Тулки бўлиб кездим, отим қурт бўлди.

Махтумқули, юрагимда дард турар,
Ким кўрибди: қўй ичида қурт юрар,
Эй азизлар, мард йигитдан мард туғар,
Номарддан ким чиқиб, айтинг мард бўлди?

¹ Туйғун — қирғий ёки қарчиғайнинг эркаги.

² Боз — лочин.

ЎЙНАШАР

Кирсам бориб севар ёрнинг боғига,
Осмон қолиб, ул гульузор¹ ўйнашар.
Сайрон этсам туман босган тоғида,
Ҳамла қилиб, икки шахмор ўйнашар.

Икки марол оби кавсар гузарда,
Мен фақирни ўртаб, даврон назарда,
Ишқ савдоси ривож топган бозорда,
Сотувчи билан харидор ўйнашар.

Кирдим боққа бутун дунё харж этиб,
Боқдим гулга армон-ла хуруж этиб,
Булбул билан гул бирга уруж² этиб,
Олма билан анжиру нор ўйнашар.

Яхши сўзлар жой олади дил ичра,
Нур ҳам чиқса, тура билмас сел ичра,
Эр йигитли, бир қарорли эл ичра,
Ҳеч ўнгишмас³ номусу ор ўйнашар.

Фалак билан ҳижрон ҳужум этишиб,
Номард юрмас мардлар билан қотишиб,
Махтумқули, Менгли ёрга етишиб,
Беш кун менинг билан гул ёр ўйнашар.

¹ Гульузор — гул юзли, гулчеҳра.

² Уруж — кўтарилиш, меърожга чиқиш.

³ Ўнгишмоқ — ўз ҳолига келмоқ.

ДИЛБАРНИНГ

Сайр чоғи кўзим тушди, қардошлар,
 Дўзахдек гуркирар нори дилбарнинг.
 Юз узра камондек қайрилмиш қошлар,
 Барча бир кўришга зори дилбарнинг.

Бунча гўзал бўлмас одам боласи,
 Қулоғин тиндирмас ошиқ ноласи,
 Хусини бир кўрган ҳайрон қоласи,
 Барқ урар юзида нури дилбарнинг.

Қуёшни хижолат қилар жамоли,
 Ҳеч қандай таърифга сифмас камоли,
 Мунаққаш¹ сифатли, қимматбаҳоли,
 Асиридир жаннат ҳури дилбарнинг.

Дилкаш суҳбат қуриб гўзал дўст билан,
 Ёр менга май тутди — кетдим сует билан,
 Ҳамла қилди менга юз минг қасд билан,
 Чақди мени илон — мори дилбарнинг.

Қошида туздирар суҳбати созни,
 Чақиринг, тинглангиз шу дилнавозни,
 Осий қулим дебон келар овози,
 Парда билан бизнинг сори дилбарнинг.

¹ Мунаққаш — нақшланган, зийнатланган.

Ул дам рухсат берди — кирдим боғига,
 Кўп ўтмай учрадим ҳижрон доғига,
 Ел тегса, ёйилар гул ёновига
 Шу қора зулфининг тори дилбарнинг.

Исрофил¹ сур чалса ёлфон жаҳона,
 Жон қолар на яхши ва на ёмона,
 Бир нафасда қўпар охирзамона,
 Агар келар бўлса қаҳри дилбарнинг.

Юрагимда ёнган ҳижрон кўзидир,
 Эркимга қўймаган ёрнинг тўзидир,
 Уруф-аймоғи йўқ — ёлғиз ўзидир,
 Йўқ бирор рақибу ёри дилбарнинг.

Уни севган боқий умр топар — ўлмас,
 Ундан бошқа ҳеч ким жаҳонда қолмас,
 Ейиши, ичиши, қарори бўлмас,
 Манзили, макони, дори дилбарнинг.

Ошиқлар ёш тўкар кўзидан гирён,
 Қуш каби чарх урар, айланар ҳар ён,
 Махтумқули, жоним йўлида қурбон,
 Истаса, жонимнинг бори дилбарнинг!

¹ Исрофил — қиёмат келганидан дарак бериб, сур чаладиган фаришта.

БОШ УСТИГА

Номард кимдир? Билар бўлсанг,
 Не десанг, дер: «Бош устига!»
 Агар синаб кўрар бўлсанг,
 Ҳеч топилмас иш устида.

Мўйлов товлаб, ҳар ён тортар,
 Ҳайбати йўлбарсдан ортар,
 Кўкдай гурлаб, томоқ йиртар,
 Тайёр бўлган ош устида.

Ош устида итдай хураб,
 Эшакдай бевақт ҳанг урар,
 Ҳар тулки шердай ўкирар
 Ҳаром ўлган лош устида.

Чўл-даштда лошинг қолдирма,
 Бу ҳам майли, сир билдирма,
 Лоф уриб, оғзинг тўлдирма,
 Жанг нон эмас тиш устида.

Десалар: «Отлан, ҳо, отлан!»
 Мард йигит мисоли сиртлон,
 Жанг куни файратга чулган,
 Лаънат қўйма риш¹ устида.

¹ Риш — мўйлов.

Инсофни қўлдан берма, бас,
Оқил одамликдан чиқмас,
Бу сўзим ҳайвонга ёқмас,
Одам сақлар гўш¹ устида.

Махтумқули, кураш бўлар,
Йигитнинг сири фош бўлар,
Ё бош берар, ё бош олар,
Мард йигит йўлдош устида.



¹ Гўш — қулоқ.

ДАРМОН БЎЛСАМ

Жон кўтариб бориб, етдим бир бобдан,
Хирқа кийиб, эл ичинда сон бўлсам.
Тун ичида бориб, Байтуллоҳ¹ топдим,
Зор йиғлаган соҳиблара қон бўлсам.

Абусаид², Умар Хайём, Ҳамадоний³,
Фирдавсий, Низомий, Ҳофиз парвоний,
Жалолиддин Румий⁴, «Жомеъ ул-маъоний»,
Уларнинг ёнинда мен ҳам сон бўлсам.

Домғонда юрган устод Навоий,
«Чор девон»и, «Фарҳод-Ширин» зебойи,
Заҳририддин Бобур, «Мезон ул-авзон»и,
Қошларига бориб, мен Мажнун бўлсам.

Ўқиб эдим ул Саъдийнинг «Бўстон»ин,
Кўр, на ажаб Хоқонийнинг «Мадойин»и⁵,
Истарман «Шоҳнома», «Соқийнома»ни,
Малик Умар⁶ билан Сулаймон бўлсам.

¹ Байтуллоҳ — Оллоҳнинг уйи, Каъба.

² Абусаид — машҳур сўфий ва шоир Абусаид Абулхайр (967—1049).

³ Ҳамадоний — машҳур тариқат пири Юсуф Ҳамадоний.

⁴ Жалолиддин Румий — забардаст форс-тожик мутасаввиф шоири Мавлоно Жалолиддин Румий (1207—1273).

⁵ Хоқоний — улўф озарбайжон шоири Хоқоний Ширвоний (1120—1199) ва унинг машҳур «Мадойин айвони» қасидаси.

⁶ Малик Умар — халифа Умар.

Салмону¹, Афзалий² сархуш айлабон,
Баҳром Гўрни³ тутиб, мадхуш⁴ айлабон,
Азудуддаврани⁵ бир қуш айлабон,
Абу Маҳфуз, Қизил Арслон⁶ бўлсам.

Қон йиғлаб Абу Бакр, фасода қолса,
Али, Маъмун бориб, Бистомни олса,
Зуннун бориб, Рустам Зола зўр солса,
Рустамнинг дардига мен дармон бўлсам.

«Арбаъин» қўлимда, эй Махтумқули,
Рустаму Искандар ҳеч тутмас йўли,
Не бўлса, билгайсан, элнинг хаёли,
Дардмандлар олдида мен Луқмон бўлсам.

¹ Салмон — машҳур форс-тожик шоири Салмон Соважий (1300—1376).

² Афзалий — машҳур форс-тожик шоири Афзалий Кошоний (XIII аср).

³ Баҳром Гўр — сосонийлар сулоласига мансуб шоҳ Варах-ран V (421—438).

⁴ Мадхуш — паришон, беҳол.

⁵ Азудуддавла — бувайҳийлар сулоласининг иккинчи ҳукмдори (949—982).

⁶ Қизил Арслон — жанубий Озарбайжонда ҳукмдорлик қилган отабеклар сулоласи ҳукмдори (1186—1191).

ЖОНИГА ТЕГМАС

Эй ёронлар, бир беҳунар йигитнинг,
 Минг ёмон сўз айтсанг, жонига тегмас.
 Зинҳор тушманг номардларнинг қўлига,
 Ўлдирсанг-да, ноҳақ қонига тегмас.

Сўз билмасанг, билган сўзинг айтмасанг,
 Сўз сўрасанг, маъносига етмасанг,
 Ёй тортганда, тикка қараб отмасанг,
 Ул ўқинг нишоннинг ёнига тегмас.

Махтумқули, сўзинг билганга сўздир,
 Билмаган одамга қуруқ овоздир,
 Одам бор, минг туман едирсанг оздир,
 Одам борки, еган нонига етмас.



ТҰКИБ БОРАДИР

Ғам тумани босиб ғариб кўнглимни,
 Кўз ёшин сақламай, тўкиб борадир.
 Кимдир раҳм айлабон сўриб ҳолимни,
 Бузуқ кўнглим тахтин йиқиб борадир.

Ғарчи ўт ёқсалар ошиқ ёғидан,
 Ўлим осон эрур дўст фироғидан,
 Ҳижрон мени қўйди сабр тоғидан,
 Фироқ ҳар бўғиним сўкиб борадир.

Ул давру давроним чарх булаштирди,
 Ғам мени қуритди — ўт туташтирди,
 Ишқ мени ёндирди, ҳаддан оширди,
 Юрагим кўксимни ёриб борадир.

Тинчимни йўқотдим нафсимни кўзлаб,
 Юрак тепар ёр жамолин ҳаваслаб,
 Ҳақдан ҳожат тилаб, муродни истаб,
 Кўзим у йўлларга боқиб борадир.

Махтумқули, мажолим йўқ, сўйлайин,
 Дўстларга дардимни баён айлайин,
 Эй ёронлар, йиғламайин найлайин,
 Ишқ мени ёндириб, ёқиб борадир.

АБАД ЖОМИН СУНГАНДА

Абдол¹ менга абад жомин сунганда,
 Масжид қайси, меҳроб қайси билмадим.
 Ул гўзалга жоним бериб ёнганда,
 Обод қайси, хароб қайси билмадим.

Бир ёнишга тоб этмадим, тўз бўлдим,
 Тупроқ бўлдим, оташ бўлдим, сўз² бўлдим,
 Ташдан пишдим, ичдан куйдим, кўз бўлдим,
 Тандир қайси, кабоб қайси билмадим.

Гузар этдим бир маконсиз макона,
 Сайрон этдим бир майдонсиз майдона,
 Ҳайрон қолдим бир жаҳонсиз жаҳона,
 Уй қайси, эшик — боб қайси билмадим.

Ўзимни нафсининг кўйига солдим,
 Ақл ишин ҳақ билдим — қўрқувда қолдим,
 Ҳар нарсадан ёр сифатин дарс олдим,
 Қуръон қайси, китоб қайси билмадим.

Махтумқули ул маконда макс³ этди,
 Шайхлар турди, йигитлардай рақс этди,
 Ҳар ашёда ёр жамоли акс этди,
 Сув қайсидир, шароб қайси билмадим.

¹ Абдол — тасаввуфда валийликнинг муайян бир даражасига эришган гуруҳ. Улар дунёнинг маънавий таянчлари ҳисобланади.

² Сўз — бу ерда: оташ, аланга.

³ Макс — тўхташ.

МУБТАЛО ҚИЛДИ

Аё дўстлар, фалак жабри
 Бошимни мубтало қилди.
 Айирди севган боламдан
 Юрагимни яро қилди.

Ўтди хушвақт, хуррам вақтим,
 Бузилди тиллодан тахтим,
 Янги битган бир дарахтим
 Хазон ели фано қилди.

Шум ажалга бўлмас чора,
 Жабрингдан қолдим бу зора,
 Юрагимни қилди яра,
 Фариб жисмим адо қилди.

Энди бир дам қарорим йўқ,
 Бу манзилда турарим йўқ,
 Бу сўздан ҳеч хабарим йўқ,
 Хабарсиз бенаво қилди.

Ёниб парвонадек ҳар дам,
 Юрагим тўлдириб юз ғам,
 Қаддим хам, кўзларимда нам,
 Бу жонимга жафо қилди.

Ғамингдан ўртаниб сўзон¹,
Чекарман нолаю аффон,
Фировингда кўзим гирён,
Нетай, найлай, гадо қилди.

Махтумқули чекар фарёд,
Менинг аҳволима, ҳайҳот,
Фалакнинг дастидан минг дод,
Менинг бахтим қаро қилди.



¹ Сўзон — куйган, ёниб турган.

ДАРИФ ТУТМАС ОШИНИ

Худо назар қилган бир жўмард йигит
 Одамлардан дариф тутмас¹ ошини.
 Номусли, ғайратли, орли мард йигит
 Жанг кунда қурбон этар бошини.

Бир тоифа юрар молу давлат-ла,
 Бир тоифа юрар қуруқ савлат-ла,
 Одамзотни билиб бўлмас суҳбат-ла,
 Синамай билмайди киши кишини.

Йигитнинг обрўси яхши аёлдир,
 Яхши аёл нокасларга уволдир,
 Йигитга қаллоблик айни заволдир,
 Ҳар ён санқир, билмас қилар ишини.

Махтумқули, айтгин ёрнинг сифатин,
 Энг тоза дафтарга битгил сийратин,
 Дўзахнинг тимсоли бир ёмон хотин,
 Ҳар кимга дуч келса, олар ҳушини.

¹ Дариф тутмаслик — аямаслик, қизғанмаслик.

МАЙДОН УЧРАСА

Бедов ўлса, майдон қолар армонли,
 Ҳақ ишқида от сол майдон учраса.
 Йигит ўлса, замон қолар давронли,
 Вақтингни хуш ўтказ даврон учраса.

Йигит борки, сўзи дардинг аритар,
 Йигит борки, дами тошни эритар,
 Узоқ жойда ёлғиз қолса қаритар,
 Мард йигитнинг оти чаман учраса.

Омади юришмас кўнгилни хушлаб,
 «Оҳ!» — дер хотинига лабини тишлаб,
 Танига ёйилар заҳарга ўхшаб,
 Йигит қарир аёл ёмон учраса.

Юз номард жойини босмас бир марднинг
 Чекар ташвишини мард элу юртнинг.
 Қилган қилиғини кўринг номарднинг:
 Жангми дея қочар туман учраса.

Махтумқули, ўгит бергил сўз билан,
 Эшитган етмас кўрганга кўз билан,
 Мард кутар меҳмонни очиқ юз билан,
 Номард қочиб қолар меҳмон учраса.

МУНДАРИЖА

Эргаш ОЧИЛОВ. Туркман булбули 3

ШЕЪРЛАР

Жуманиёз Шарипов таржималари

Бўйларингга	20
Бўлмас	22
Айлар	23
Кўринг	24
Синдирар	27
Эл яхши	28
Айрилдим	29
Бўлмаса	31
Қарамас	32
Харидори бўлмаса	34
Кетсанг	36
Юргинг келади	39
Намасан?	40
Кўрдингми?	42
Чиқадир	44
Тўхтамас	45
Қарилиқдир, ёронлар	47
Борми, ёронлар?	49
Ой-кунингиз ботмоққа	51
Йиғларман	53
Бошлади	55
Билинмас	57
Қоча бошлади	58
Бўлар	61
Савол-жавоб	62
Ўтиб борадир	65

Билмадим	68
Кечди замона	70
Найлайн	72
Ройгон айлади	73
Бўлдим	75
Эй дўст	77
Тўғриси	79
Керакмас	81
Етмас	83
Ундиради	85
Бўларми?	86
Кўз кўрмаган ерда	87
Икки бўлса аёли	89
Бўлма	90
Етмиш ёшли қардош	95
Дунё	96
Бормиш	98
Қолмас-о	100
Элингни	101
Ёлғизнинг	103
Замон бўлмади	104
Ёнида	105
Сафо бўлур	106
Ўхшар	108
Келган ҳам бордир	110
Дунё ҳей	112

Жуманиёз Жабборов таржималари

Елдим де	114
Ҳижрон	116
Йироқ айла ўзингни	117
Ғариблик	118

Безор қилар жонингдан	119
Ели Гургоннинг	120
Билинар	121
Кетиб борадир	122
Жони бўлмаса	124

Музаффар Аҳмад таржималари

Жудо этмасин	126
Нори дилбарнинг	127
Ўзингдан	128
Севсам қанчалар	130
Шаксиз	132
Поёни бўлмас	134
Нори бўлмаса	137
Етарсан	138
Тилдан келур	140
Гулга менгзар	142
Қиш бўлар	144
Муҳтож айлама	145
Фош этар сени	146
Яхши от қолсин	147
Қолар бу дунё	149

Мирзо Кенжабек таржималари

Ёдгор бўлар	151
Ҳақнинг коридир	153
Қолмаслар	155
Нуқсона келгай	157
Кўздан ёш келса	159
Ўтди	161
Кетмайин қолмас	164

Яхшидир	165
Адолат яхши	166
Охирзамон ичинда	167
Банданинг	169
Аслинг недир	170

Эргаш Очилов таржималари

Айрилма	171
Ошиқ бўлмишам	172
Кўзим тушди	175
Бўлдим энди	177
Сайронда	179
Кўнгил	181
Фармон чиқар	182
Наврўздан сени	184
Боғлар, ҳей!	186
Бу дардни	187
Қоши ёй	188
Пора-порадир	189
Айладинг мени	190
Эй пари	191
Ибо айлар	192
Бечораман	193
Карам истарман	194
Чоғдир бу чоғлар	195
Туркманнинг	196
Санги тоғи	198
Элни кўзлар	199
Йўлдош бўлган	201
Отча бўлмас	202
Бўларсан	203
Ўйинчи дунё	205

Ҳар ёна	207
Керакдир	209
Ичмайин жомим	210
Ёндирар	212
Гарди билинмас	213
Тена нима, туз нима?	214
Изламайин бўларми?	215
Тўкар бўлдик ёшимиз	216
Бағрим тилгоним	218
Дард бўлди	219
Ўйнашар	220
Дилбарнинг	221
Бош устига	223
Дармон бўлсам	225
Жонига тегмас	227
Тўкиб борадир	228
Абад жомин сунганда	229
Мубтало қилди	230
Дариф тутмас ошини	232
Майдон учраса	233



Шарқ мумтоз шеърляти дурдоналари

Махтумқули

ДУНЁ ЎТИБ БОРАДИР

Шеърлар

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2007

Муҳаррир *Ш. Эргашева*
Бадий муҳаррир *А. Мусахўжаев*
Техник муҳаррир *Л. Хиждова*
Мусахҳиҳ *А. Зокиров*
Саҳифаловчи *А. Шафиуллина*

Махтумқули.

Дунё ўтиб борадир: Шеърлар. — Т.: «Шарқ»,
2007.— 240 б.

ББК.83.3(Тур)

Теришга берилди 18.10.2006. Босишга рухсат этилди
21.12.2006. Бичими 70x90^{1/32}. Бодони гарнитураси. Офсет бос-
ма. Шартли босма табоғи 8,77. Нашриёт-ҳисоб табоғи 7,8. Ада-
ди 5000 нусха. Буюртма № 3131. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**